

МАМАРАСУЛ
БОБОЕВ

ИККИ
ТОМЛИК

ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1975



ИККИ
ТОМЛИК

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1975**



МАМАРАСУЛ БОБОЕВ

ИККИНЧИ
ТОМ

**БАЛЛАДА ВА ДОСТОНЛАР,
ТАРЖИМАЛАР,
ХОТИРА**

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1975**

*Икки томликни жамоатчилик асосида
тўплаб нашрга тайёрловчи*

МУҲАММАД АЛИ

БАЛЛАДА ВА ДОСТОНЛАР

«ЕВРОПА БАЛЛАДАЛАРИ» ДАН

МОЦАРТ КУЙЛАЙДИ

Черков пештоқида каттакон соат.

Моцарт куйин чалар,

тинглар халойиқ.

Музикага ихлос, бу чин ибодат,

Асрларки,

бир кун тарк қилинган йўқ.

Зальцбург¹ тинглайди,

сокин майдонда

Машинаю одам қилт этмас — қотган.

Ажиб куй жаранглаб турар осмонда,

Ҳамма боши эгик хаёлга ботган.

Хаёлларда —

куйдан

шошқин дунёнинг

Марҳумлари қайта тирилар бир он,

Ва эркни олқаган —

қадим нидонинг —

Тўлқини қалбларда уради тўфон.

Музика —

бу элнинг суви,

хўраги,

Музика —

бу халққа эътиқод,

ҳавас.

¹ Зальцбург — Австриянинг буюк композитори В. А. Моцарт туғилиб ўсган шаҳар. (Автор эскартиши.)

Гўё шу куйлардан урар юраги,
Гўё

шу куйлардан олади нафас.

Музика

янгратар бутхоналарни,

Музика тинглашга келади кўплар,

Эски «Инжил»даги афсоналарни

Музикага булаб едирар поплар.

Куй жаранглар кўкда,

буни яратган —

Уғлин улуғлар халқ,

пайғамбарсимон.

Учар ўйим

Моцарт уйига етган,

Шинам хоналарни кузатар ҳайрон.

Сақланади ҳамма,

ҳамма нарсаси,

Кавуши, кўйлаги —

бари бунда жам:

Беш ёшида чалган пианиноси,

Камари,

дўст хати,

тутам сочи ҳам.

Падаркуш фашистлар

бу юртга киргач,

Мотам куйларгина инграган вақти,

Барин яширди халқ,

қайтарди тингач,

Қайтмади фақат бир чўнтак соати.

У тоғда кўмилган,

ётар бехатар,

Телевизор,

радио тарқатар эълон.

Эртаси,

тонг билан жавоби келар:

«Қилган гуноҳимдан ўтилса агар,

Табаррук соатни элтардим шу он!»

Аллақачонлар у

уйига қайтган,

Меҳмонлар ўтар у соатга қараб.

Эгаси қалбидай абадий ётган,

Занжири ёнади ҳамон ярқираб.

Шу соатни тақиб,
тор, қинғир-қийшиқ.
«Шошганлар кўчаси»¹
бўйлаб ўтган у.
Қалбини соз қилиб
чалиб шу қўшиқ,
Шу куйни илк марта
куйлаб ўтган у.
Энди бу куй,
менга
ёнган оловдек,
Қанотларин қоқиб учар юксакка.
Халқ бошга кўтарган қутлуғ яловдек
Адолат ҳисларин сочар юракка.
Ҳафтада бир марта —
шу кун, шу соат
Моцарт куйин чалар,
тинглар халойиқ.
Улуғ фарзандларга ҳурмат, бу одат
Асрларки, ҳафта тарк қилинган йўқ.
Аммо, океан оша,
ғарбий тўфондай,
Уни бўғмоқ бўлар асабий шовқин.
Бўғиб ташлармикан завқин ҳам жондай?
Ахир, бир нарса-ку,
тандаги қондай,
Одамзод қалбида —
жон билан завқи.
Музика —
бу юртнинг жони, хўраги,
Куйлар билан урад
унинг юраги.

¹ Кўчанинг номн.

АЗИЗАНИНГ ИЗЛАРИ

Сени эслаб кетдим
бунда, Азиза.
Узбек чаманининг
хушбўй чечаги!
Жанг қилганинг
Альпда,
дара, тоғ узра
Изларингни кўрдим
сенинг кечаги.
Ғалаба тонгини
бунда кутганинг,
Мағрур нақл этган
ўша ҳикоя...
Мана, кўз ўнгимда
тоғнинг улкани,
Кифтидаги музлар
қадимий ғоят.
Бу ерлардан ўтган
жанговар йўлинг,
Ана, сен
автомат тутган сийнада,
Олга интиласан!
Шифобахш қўлинг
Зафар байроғини
тикар Венада...
Бунда
Вена жангин,
даҳшат қиссасин

Сўзлар
 бошини чайқаб,
 одамлар ҳамон,
 Фахрланиб кетдим,
 ўқидим таҳсин,
 Ўзбек қизи,
 сенга, о, Азизахон!
 «Паранжи-сачвонга
 тутқун умрбод»
 Ўйлашарди сени
 бунда одамлар.
 Фашист кишанидан
 сен қилдинг озод,
 Бунда одамларни
 энг оғир дамлар.
 Бунда
 унча яхши билишмаску-я,
 «Хамса»
 ва «Чордевон» саҳифаларин.
 Таажжуб,
 билишар фақат чўл, туя,
 Насриддин эшаги,
 латифаларин?..
 Ҳатто бугун сўрар
 мендан бир жаноб:
 Ўша хўтикларнинг бору
 йўқлигин.
 Қаҳ-қаҳлаб куламан,
 бўламан хуноб —
 Кўриб бу жанобнинг
 уйқудалигин.
 Сўрар у Самарқанд, «Шердор»ларни:
 «Миноралардан ҳеч
 қолганми учқун?»
 Менинг Венадаги
 ҳалоскорларнинг
 Чўккан қабрларин
 келади қучгум.
 Мана, бу қабрда,
 унда,
 наригида

Ўзбек ўғлонларин
устихони бор.
«Тинчлик ва бахт кулсин!»—
дея бу ерда,
Жонин фидо қилган
ётишар қатор.
Номлари ёзиғлиқ
мармарни безар
Халқнинг гулчамбари,
тоза,
сершабнам.
Гўё шудринг бўлиб,
ёғар ҳар саҳар
Узоқ оналарнинг
кўзидаги нам.
Ажаб,
паранжини мақтар бу жаноб,
Ва ундан жилмайган
бир жононани...
Дарҳол эсга олдим,
Азиза, шу тоб,
Мирзачўлда очган
шифохонангни.
Унда ҳам сен
дардни шифолайсан, қиз,
Жангда
бунда шифо берганингсимон.
Меҳмонлар кутасан
кулиб, очиқ юз,
Европадан ҳам
кўп
боради меҳмон.
Бугун эслаб кетдим
бунда, Азиза,
Ўзбек тупроғининг
хушбўй чечаги.
Жанг қилганинг тоғу
шаҳарлар кеза,
Изларингни кўрдим
сенинг кечаги.

Босган изларингда кўкармоқда бахт,
Озодлик ибрати, фахрим, Азиза!
Номинг такрорлашар бу ерда ҳар вақт
Жангчи ўзбек қизи, бағрим — Азиза!

МАУТХАУЗЕНДА

Қушлар базмгоҳи — Альп оғушида
Хушбўй атрин пуркар тоғ чечаклари...
Табиатнинг гўзал бу пок тўшида
Жаннат ёнидаги дўзах сингари
Ёниб қизиб ётди кундуз ва кечлар
Маутхаузенда одамхўр печлар.

Осмонга чирмашиб ётди оҳ-фиғон,
Эшитмади осмон яқин бўлса ҳам,
Тингламади замин, ёлқин урса ҳам,
Сувдек оқса ҳамки у муборак қон.
Европа куярди жонли бир тана,
Фашизм қурарди бунда тантана.

Фақат кўкда баъзан нажоткор қушдек,
Юлдузли самолёт ўтиб қоларди.
Демак, тутқунларга умидли тушдек,
У озод мамлакат қулоқ соларди.
Шунда мағрур боқар асир жаллодга,
Қайтиб келар каби қарар ҳаётга.

Жарда чумолидай гала сангтарош
Альп харсангларин йўнар эзилиб,
Тикка тоғ — зинадан, елкаларда тош,
Рус, ўзбек, француз ва чех тизилиб;
Баландга чиқишар эгиб бошини,
Ташир ўзларининг қабр тошини.

Заҳил кушхоналар, азобхоналар,
Халатли йиртқичлар олади кутиб.
Деворлар тошига сачрайди қонлар.
Янги эшелонлар келади етиб.
Оқиб келар гўё бутун Европа,
Орқа қўраларда ўсар кул тепа.

Асирлар, шубҳасиз, ўлимга маҳкум.
Ажал либосида юради мудом.
Ножўя қилт этса, отилади «гум»,
Инсон эрк, умидин қиради бу дом.
Инсон ҳам курашар ақл, қалб билан,
Яширин тўқишар жаллодга кафан...

Ҳайкалдек қотибман мен бандликда,
Қаршимда жонлангач булар сарсари.
Кўз очсам, булут сузади кўкда,
Гувиллар Альпнинг шўх шалолалари.
Ёнамас Маутхаузеннинг даҳшат печлари,
Кенг очиқ музейнинг тор эшиклари.

Бугун бунда бирпас меҳмон бўлганлар,
Фашизм даҳшатин эслар умрбод.
Аммо қўли қонли майор, генераллар
Боннда, Нью-Йоркда юрар озод, шод.
Бунда бошин қўйди не-не ўғиллар,
Ерда ётган ҳар тош «қасос!» — деб имлар.

Аммо крест таққан ўша жаллодлар
Вақт баҳона-ю, кутар афв — эҳсон.
Улар гуноҳини бироқ авлодлар
Унута оларми тургунча осмон?
Вақт ўтган сари, уларни баттар
Лаънатлайди дунё, то тирик инсон!

Вена — Тошкент, 1965

УЛУҒБЕК

(Шу номдаги поэмадан парчалар)

ОТА ВА УҒИЛ

Улуғбекни икки шум чопар
Уз ўғлига қилди юзма-юз.
Аммо маҳбус бўлса ҳам падар,
Ғазаб билан унга тикди кўз:
— О, салтанат, маърифат, ўғлим,
Жоҳилликнинг бўлар поймоли...
Юз ўғирди мендан толеим,
Бахт қушимнинг синди пар-боли.
Қанча йиллар ёв бўлиб, ҳатто
Уз отанга қарши курашдинг.
Жайҳун бўйи ҳамда Ҳиротда
Мени енгиш бўлди хоҳишинг.
Фақат шунга мен ачинаман.
Кўп бегуноҳ жонлар қирилди.
Кипригида ўғил ўстирган
Оналарнинг бағри эзилди...
Гар мақсадинг салтанат бўлса,
Топшираман, мана, қўлингга.
Еки отанг қасдида эсанг,
Қилич солгил, мана, бўйиниңга.
Уғлим, бергил бирпас тасалли
Ғазаб қонинг тўлган юракка.
Сўнгги сўзим айтайин, майли,
Бу давлатда қоларсан якка.
— Кўз олдимда дунё хору хас,—
У сўзларди инграган каби.—
Подшоҳлик, тож-хирож эмас,
Элу юртнинг бўлсин сарвари,

Ҳукмдорлик ганж, хирож эмас,
 Оч ва тўқнинг бўлсин падари,
 Омоч сурган деҳқон доимо
 Суянчигинг, дармонинг бўлсин.
 Ҳар нарсага қодир фуқаро.
 Давлатингу арконинг бўлсин.
 Подшо мулки бир сарой эмас,
 Мамлакатни айласин обод.
 Ижод фақат уруш, ёй эмас,
 Фан ва ҳикмат қилсин бахт кушод.
 Халқ фарзанди илм боғининг
 Бир соҳибкор боғбони бўлсин.
 Кенг Ватаннинг иқбол тугуни
 Фан қўли-ла ечилар, билсин.
 Энди орзунг ушалган экан,
 Эҳтимолки, шундай қилурсан?
 Бу гулшанда ёки мен эккан
 Ниҳолларни бир-бир юлурсан...
 — Бас!
 — Сабр қил, бемеҳр фарзанд!
 Сўнг қилурсан ўзинг пушаймон.
 — Йўқ, қилмайман!
 — Хулқинг шу экан,
 Билгил, узоқ яшашинг гумон!..
 Топшираман, тахтим, шонимни,
 Мен таслимман, ғолибсан фарзанд.
 Ой бетидан аммо номимни
 Суртолмайсан, у сендан баланд.
 Қуёш гувоҳ, асрлар ўтиб,
 Нурларидай сочар элларга:
 Жоҳил ўғил, қувғин ота, деб,
 Достон қилур тилдан-тиллерга..
 — Гапинг шуми? Битдими дардинг?
 — Битди, ўғлим, энди яхши қол.
 Бошин олиб кетар падаринг,—
 Деб тик туриб, кўрсатди яққол:
 — Топшираман бу азиз юртим,
 Кенг далалар, қир ва тоғларни.
 Топшираман, қадрига етгин,
 Салқин чашма, жаннат боғларни.
 Бу тоғ, қирлар, англа, ҳисобсиз
 Хазиналар, олтинлар кони.
 Бу юрт бўлар, агар риёсиз

Ишлатолсанг, иқбол макони.
 Топшираман сенга омонат
 Шижоатли, ботир халқимни.
 Ёлғиз армон ўртайди ғоят.
 Оқлолмадим унинг ҳаққини.
 Бўлди, эй шоҳ, ҳукминг бера бер,
 Улдиргил ё қўйгил, кетайин.
 Фақир бўлай, дарвишона умр —
 Вафо қилганича кезайин.
 — Майли, рухсат, даҳрий, бетавфиқ,
 Жазо сенга — бўлгил овора.
 Сен худога, исломга рақиб,
 Пушаймонлар қиларсан зора.
 Узим яхши биламан беҳад
 Юрт сўрамоқ қандай бўлади.
 Авлиёлар беради мадад,
 Ҳакамларим кўмак беради.
 Ҳақ йўлига барбод қиламан
 Боғинг, тоғинг, халқинг — ҳаммасин.
 Ҳаммасини ўзим биламан,
 Ургатамагил подшоҳлик дарсин!
 Илм эмиш, фан — ҳикмат эмиш...
 Билимдоннинг бири сенмасми?
 Айб эмасми самони титиш?
 Қаҳҳор ўзи қаҳр қилмасми?!
 Элда фақат бадкирдор ҳам сан,
 Гуноҳларинг ўзингга урди.
 «Бирники минг, мингники туман» —
 Бўлмасайди, яхши бўлурди!..
 Жўна, майли, жаҳаннамга бор,
 Мамлакатим тупроғин бўшат.
 Дайдиб-дайдиб бўлажаксан хор,
 Қувиларсан ҳар ердан, албат..
 Қўл кўтарсам, вазиру аён —
 Епирилиб бошингга келар.
 Бу даҳрий, деб қилар тошбўрон
 Ва жаллодлар терингни шилар.
 Уз ўғлидан тинглаб ҳақорат,
 Чиқди ота, қилолмай бардош.
 Нурди кўзин қоплади зулмат,
 Томди ўксик икки томчи ёш.
 Сизди олим ўзин кимсасиз,
 Узоқ ғурбат йўлига тушди.

Кенг саройдан чиқди у сассиз,
 Посбонлар жим, у елдай учди.
 Ботиб борар эди қуёши,
 Сўнгги нур-ла манглайин силар,
 Хайрлашар доим сирдоши —
 Мунис кўзлар — минглаб юлдузлар...

.

Ҳожи Ҳусров бўлди ҳамроҳи,
 Она юртдан кетар бўлдилар.
 Фан кўкининг тутилди моҳи,
 Офтобининг юзин тўсдилар.
 Шоҳ фармони: қуршалди ҳар ён.
 Бир нафасда тайёр этдилар —
 Икки отни. Халқ қолди ҳайрон,
 Самарқанддан жўнаб кетдилар.

.

— Хайр, Ватаним, улғайган ерлар,
 Боғ, гулзорга ўралган диёр!
 Хайр, оналар, азиз падарлар,
 Кўзи ёшли опа, сингил, ёр!
 Хайр, тожу тахт, бевафо давлат,
 Хайр, занжирбанд азим қошонам.
 Хайр қуёшим — эй, илму ҳикмат,
 Нурдан жудо бўлди пешонам.
 Хайр, қудратли, севикли халқим,
 Хайр, йигитлар — шонли урдулар,
 Хайр, абадий қолгил сен балқиб,
 Расадхонам — эй илму ҳунар!..

ҚУЕШ ҲУКМ ЭТИЛДИ УЛИМГА...

Мерос қолди Темур саройи,
 Тепасида қоп-қора булут;
 Мажруҳ филдай кетган мадори,
 Ҳайбатига қайғу ва сукут.
 Тахт устида Темурийзода —
 Абдуллатиф ўлтирар. Худди
 Эрталабдан симирган бода...

Бахилликнинг тоғида шу чоқ
 Чўққи эди жоҳил юзлари.
 Ҳадиксираб боқарди чақноқ.

Унинг бежо манфур кўзлари.
Мушук тирнар қора юрагин,
Юрар, турар, йўқдир қарори.
Бир талваса очиб чангалин
Банд айлаган. Йўқ ихтиёри...
Баъзан, тундай қора кўнгилда
Ширин бир ҳис яшиндай чақнар:
Тинчир бирпас тахти устида,
Яна бирдан қон бўлиб қайнар.
Баъзан, эзиб унинг бағрини,
Хужум этар ташвиш, таҳлика;
Худди бўрон қасрларини
Емирай дер, қўшай дер кулга.
Бўлмасида кезар бир този.
Хаёл — қуюн, ўрар бошини.
Бузғунлик — юк, фикри — тарози.
Жаҳли босар ақл тошини.
«Нима қилдим? Не дер уламо?!
Не дер экан «Қуръон», шариат?
Шундай ҳал бўлсинми муаммо?
Йўл берарми бунга тариқат?..
Бошларимдан юлиб тожимни,
Остонага сурмасмиканлар?
Салтанатим, тахт, хирожимни
Қора ерга урмасмиканлар?..»
Хаёллари тинмасдан эзар,
Қашқир каби югурар ҳар ён.
Тахту бахтга ўзин ёт сезар,
Худди иблис каби ломакон...

Ташқарида кўзғолди ғалва,
Эшик ғазаб билан очилди,
Худди тирик киргандай ваҳма,
Қасоскөр кўз унга санчилди:
— Нима қилдинг?! Бу не мурувват —
Худо ғазаб қилган одамга?
Бу не макр, ё қандай ҳикмат,
Қандай жавоб қилгунг яздонга?!
Ҳажга эмиш, у Ҳажга бормас,
Юз ўгирган ундан қачонлар.
Мусулмонлар Каъбага қўймас,
Лаънат билан ундан ҳайдарлар,—
Аббос тушиди бир оз жаҳдан,

Йўқ, ўтганди энди ҳийлаға;
Овозини пастлатди бирдан,
Гўё қилар шоҳидан гина;
— Тингла сўзим, эй Абдуллатиф,
Зоти улуғ шаҳаншоҳимиз.
Биз тиришдик, сен шоҳ бўлгил деб,
Бундаймасди бизнинг раъйимиз!..—

Бир оз тўхтар, сағал бўшашар;
Яна қайнаб сўрарди Аббос,
Пайти келса, тиришар, шошар,
Юрагида бор алам, қасос...—

— Бизни алдаб, машъум сеҳргар
Найрангини қиялсанми?
Сен ўзингни сезиб шери-нар.
Бизни нодон биялсанми?—
— Мақсадинг айт?
— Мақсадим? О! Сен билмайсанми?

Худо қози, сен гувоҳ эдинг:
Хукм этилган бад жинояткор,
Энди нега буни унутдинг?!
Даргоҳидан қилмайсанми ор?!
Англашилди, кичик арава

Каттасининг йўлидан кетган.
Ўзинг асра, улуғ раббано,
Мазҳабимиз на ерга етган!..

Демак, ҳийла билан кийиб тож,
Даҳрий отанг ҳимоя қилдинг?
Динсизликка бериб куч, ривож,
Тангри йўлини пуч ғоя билдинг!..
— Нима дейсан, ғалвали амир?
Юракдаги муродингни айт.

Қилмоқ эсанг ё мени таҳқир,
Янглишибсан, тез изингга қайт!
Мен ҳам, ахир, Темур ўғлиман,
Танимайман динсиз отани,
Кимки тангри, ҳаққа ёт экан,
Севмаяжак ислом ватани!

— Ундай бўлса, нега кофирни
Билинтирмай зимдан қочирдинг?..
Ол бўйнингга ё очгил сирни,
Нега уламодан яширдинг?
Даҳрийларнинг душмани бўлсанг,

Ўрхсат бергил, кесай бошини,
Бу ҳақ ишга сен кўмак берсанг,
Қувонтирай тангри аршини!
Шунда билсин ислом дунёси,
Худо раҳмон, ҳам қаҳрлидир
Ҳам Мовароуннаҳр фуқароси
Айтсин сени «О, ақлидир!..»

Абдуллатиф қаҳрига минди,
Кўкрагини кўтарди виқор,
Кўзларини олайтиб энди
Фармонини айлади изҳор:
— Майли, боргил, бердим ижозат,
Отингни сур, зўр наърангни торт.
Ўзим сенга берай ҳимоят.
Одиллигим эл-юртга кўрсат.

Ана шундай ҳал этилди, воҳ...
Зуҳал юлдузининг тақдири.
Тасбеҳ тутган совуқ қўллар-ла
Тайёр бўлди ўлим тадбири...
Чиқди Аббос шоҳ саройидан,
Мадрасалар кезиб югурди.
Шариатнинг кир даргоҳидан
Шерикларин топиб улгурди...
Аббос худди қутурган кўппак,
Ҳар қаерга урди ўзини.
Не ўйласа, дер: «Мумкин...!» «Керак!»
Ешиқ кўрди баттол бўйнини.

Шаҳар пастқам кўчаларида
Изғиб қолди бир неча дастор;
Раҳм этиш йўқ! Нечаларида —
Фитна-фасод... Улар кўп маккор!
Соқол силаб сўзлар бирига:
— Шундай бўлсин!
— Даҳрийга жазо!
— Шоҳимизнинг қуввати ортсин!
— Жиринглади қулоғим?
— Тасдиқ!
Демакки, бу илоҳий садо...

Тасдиқ этди миноралардан
Сўфиларнинг ингроқ овози.

Тасдиқ эъди кошоналардан
Жаҳолатнинг қўланса рози.
Фармон берди жоҳил шу йўсин
Бу бераҳм падаркуш шунда.
Кучи етмай, довдираб Мискин*
Енголмади ёлғиз қаршида...
Самарқанднинг кўчаларида
Изғиб қолди оппоқ саллалар.
Мурувват йўқ. Нечаларида —
Қасос, ўч бор. Қонхўр каллалар.
Хукм этилди қуёш ўлимга,
Қоронғилик шоҳи номидан.
Епирилди зоғ гулшанга — гулга,
Булбул учди куй бутоғидан.
Мамлакатда ақл тахтига
Ҳамоқатлик чиқиб кийди тож...
Кир нодонлик салтанатига
Донишмандлик тўлар бўлди бож...
Ана шундай ўғил отани
Ўлдиришга ризолик берди,
Йиғлаб қолди она ватани,
Ислом-гумбаз қаҳ-қаҳлаб кулди...
Ўқиларди асир намози,
Улуғ жонга шум ажал юрди.
Икки жаллод, лаънати Аббос
Банокентга қараб от сурди.

1940

* Мискин — Улугбекни ўлдиришга қаршилик кўрсатган олим.

Худди юлдузларга тўла кенг осмон.
Жануб ёқда пастроқ сузади қуёш.
Чайла,

пастак супа,

тарози,

хирмон.

Офтоб ранги каби сарғиш айлана,
Нуқра барг жийдалар маржони ёқут.
Сувлар тиниқ,

қумлар чўккан қорая,

Шимолдан қўзғалди шамол ва булут.

Силкинар баланд-паст дарахтлар шохи,

Шитирлаб тўкилар сариғ япроқлар.

Кенгайгандай худди дала ҳар ёғи,

Кўринар узоқдан уйлар, қишлоқлар.

Мардон олиб келар газета ва хат,

Қўлтиқ таёқ билан зўрға амаллаб.

Бригадир Даврон ота, ғарамдай баланд —

Пахта ортган, отин ҳайдар жадаллаб.

Қизлар бирдан бошлаб юборар қўшиқ,

Юраклар орзиқар...

Киприкларда чанг,

Умри бошлаб берар, овозлар ёниқ,

Пахтазорда янграр ҳазин бир оҳанг:

«Сочим нега ўсмайди,

Учида тумори бор.

Ёрим нега келмайди.

Кўнглида гумони бор.

Дилбаржон, дилбар,

Дилбаржон, дилбар.

Чироқ ёнар ёғ билан,

Душман ўлсин доғ билан.

Тўйиб ўйнаб-кулмадим

Ўзим суйган ёр билан...

Дилбаржон, дилбар

Дилбаржон, дилбар!

Мен кетаман элимга,

Белбоғ беринг белимга.

Олти ойда келарман,

Қараб туринг йўлимга

Дилбаржон, дилбар,
Дилбаржон, дилбар!

Оқ товардан кўйлагим,
Кўк тиканлар илмасин.
Ораламанг ўртоқлар,
Чаноғида қолмасин!
Дилбаржон, дилбар,
Дилбаржон, дилбар!

Ой нури танга-танга,
Ёрим йўлладим жангга.
Қай жангчидан қолишай,
Жоним фидо Ватанга!..
Дилбаржон, дилбар,
Дилбаржон, дилбар!»

Етиб келди Мардон,
Қизлар ўрашди,
Ҳеч кимга ҳам хат йўқ,
ошиб тушди дард.
Бирдан ҳамма маънос бўлди, бўшашди:
«Рихси хола ўғли Нордан қора хат?!»

Қуёш ранги каби сарғиш айлана,
Шитирлаб тўкилар сариқ япроқлар...
Кенг кўринар жимжит қадрдон дала,
Қатор-қатор уйлар, узоқ қишлоқлар...

ЭСЛАШ

Умри бугун сезар ўзини хушвақт:
Бизникилар жангда бошлабди ҳужум!
Шошар, ваъдаси бор!

Фурсат ғанимат!

Дала, қишлоқ, уйда тинмайди бир зум.
Пахта ортган қатор арава жилди,
Умри ўзи ёлғиз қайтди қишлоққа,
Ҳорган. Сочи тўзган, чанг эди бети,
Изғирин урилар бурун, қулоққа.
Мана...

Уша йили очилган кўриқ;

Қатор ёш новдалар, чала қолган боғ,
Шундан ўтса, уни йўқлар...

Қани?..

Йўқ?..

Бундан сўрар уни ҳар олтин япроқ.
Бирпас кезди мағрур тоқлар оралаб:
«Эндиги йил ҳосил қилар, қаралса!»
«Ток кўм,— деди раис унга эрталаб!»
«Новдалар бўй чўзиб, шохлабди роса...»
Утирди.

Уйлади эртанги ишни.

Кўз ўнгида турар қора, чўнг йигит...
«Соғ бормикан?...» — ўйлар тундаги тушни:
От устида деди:

«Бораман тез, кут!...»

.

... Чўлга уйлар тушди — кўчиб келган йил —
Эслади —

Завранинг тўйи кечаси

Қатор қувноқ қизлар, ясаниб

хил-хил,

Йигитлар ялласи ва қаҳқаҳаси...

Бирга қайтди тунда,

ой тўлган роса,

Лим косадай тошар муҳаббат дилда.

Ҳазил,

пичинг,

ваъда,

ишончга бўса.

Жўхори беқасами шигиллар елда.

Қиш. Қор.

У ўқиш деб Тошкентга кетди,

Аmmo тездан қайтди, бўлиб агроном.

«Колхоз боғи» дея югурди-елди.

Энди қайтмас?..

Езмас?..

Еинки тамом?..

Кенг уфққа боқар: бир гала зағча

«Қағ-қағ»лаб айланар қишлоқ устида.

Пардай ҳар томонга тўзонлар учар,

Қуёш ботар.

Осмон алвон тусида.

Йўлга чиқди, ташвиш чулғайди ўйин...
Бир арава пунктдан елиб чопарди.
Ажаб, аравакаш кичкина Турғун
Катталардай ўзин тутиб борарди.

Қишлоқ уйлар,
гирди чавра деворлар,
Учоқ, тандирлардан сапчир аланга.
Бўтабой қичқирар: «Молни олинглар!..»
Кўча тўлиб, тўзғиб келарди пода.

ЖУРАХОН ОПА

Клуб тўла одам. Қатор қиз-жувон.
Ҳамма шунда. Борар колхоз мажлиси.
Президиумда ана, Умрихон,
Завра.

Маҳкам ака —

мажлис раиси.
Вакил газетадан ўқир бир хабар,
Шу қишлоқдан чиққан ботир ҳақида...
Ҳамқишлоқлар тинглар ва қувонишар.
Ишончларин оқлар фарзандлар жангда...
Умри ҳаяжонда, кўзлари ёнар.
Уртада печь.

Шипда кўк давра лампа.
Тўрда ўтирарди бир гуруҳ чоллар,
Ана, отаси ва Жўрахон опа.
Дўстов ўқир. Ҳамма тинглайди жимжит.
— О, азамат!— деди кимдир орадан.
— Ур-е, лаънатики!..
— Яша, Собиржон!

Комил ота туриб кетади бирдан,
Тишда уриб ёғар лайлак қор ҳамон,
Ойнаклардан оқар томчи-томчи тер.
Ўқиб бўлди вакил, шу чоқ Умрихон —
Кўз ўнгидан:

Собир...

Жанг...

Ўтди бир-бир.

Қишлоқ хурсанд.

Жонланиш, дув гап...
(Гўё ҳамма кўрар жигар, ўғлини...)

- Бизнинг ботишимиз! Чакки эмас, заб!
- Урсин лаънати!..
- Тўксин хунини!..

Мажлис борар. Сайлов — сўнгги масала:
 Раис Йўлдош ака фронтга кетди.
 Маҳкамов, бошқалар сўзлаб барала,
 Иш охири энди сайловга етди:
 — Фозилова бўлсин! — аъзолар бирдак
 Маъқуллашди. Залда янгради овоз.
 Уй тўлиб, янгради бир нафас қарсак...
 Жўрахонга қўйган экан халқ ихлос!
 Узи яқин келди уялиб, базўр,
 Нон ёпгандай қизил тўла юзлари,
 Ғижим рўмол, узун духоба камзул.
 Аста эшитилди унинг сўзлари:
 — Хўп, ўртоқлар, бўлсам бўлайин раис,—
 Деди, секин силаб қошу кўзини,—
 Аммо менга кетмон тинч эди асли...
 Эрларимиз жангда!..

Бунда фақат биз —

Давлат таянгани...

Шундай эмасми?

Уч йил шу алпозда куну тун демай,
 Меҳнат қилдик; кетмас ахир, беҳуда.
 Роҳатдан ҳам кечдик, кўп ичмай, емай,
 Юртни сақлаб қолсак,

бахт бизга шу-да!

Бошланганча қолди колхозда кўп иш...
 Бир кун ўша кунга қайтиб етармиз!
 Ҳамманинг бағрини эзди бу уруш...
 Аммо кўрмагандай бўлиб кетармиз.
 Хўп, ўртоқлар, бўлай колхозга раис,
 Сизлар ёрдам беринг, ишончни оқлай.
 Шарт — бу йил гектардан берамиз ўттиз!
 Хўпми?

Хўп десанглар, мен ҳам бел боғлай!..—

Даврон ота сакраб турди ўрнидан,
 Соқол силаб, яқин келди столга.
 Йиғинни бир нафас ўтказди кўздан,
 Ҳамма жим бўлди-ю, термулди чолга.
 — Қизим, сўзларингнинг ҳаммаси тўғри,
 Бошланганча қолди колхозда кўп иш,

Тинчимиз бузмаса шум фашист — ўғри,
Сен-бизга бўлмасди бунчалик ташвиш...
Бу кунда йигитнинг ўрни майдонда.
Сиз ва биз —

таянчиқ!

Берайлик мадад.

Икки йил, бу не гап, қолдик армонда,
Планимиз саксон, тўқсон...

Бу уят!..

Дўстов ўқиб берди келиб райкомдан,
Эшитдингиз

Собир жангда...

Машҳур жаҳонга.

Езибдилар фалон колхоз, райондан,
Фарзандимиз!..

Бошим етди осмонга,

Маслаҳат шу: унга ёзайлик бир хат!

«Сиздек биз ҳам бу йил бардам ишлаймиз,
Соғ бўл! Душманларга ёгдиргил офат!
Биз бормиз! Колхозда суянчиғинг биз!»

Тишда уриб ёғар лайлак қор ҳамон.
Уй дим. Ойнаклардан оқар томчи тер.
Отанинг сўзини тинглар Умрихон —
Кўз ўнгидан

Собир...

Жанг...

ўтди бир-бир.

ҚАДРДОНЛАР

Тун. Землянка. Похол тўшалган сўри:
Қадрдонлар жамдир. Ана, Собиржон.
Еғ бочкадан бўлган «печь»нинг

гур-гури.

Тамаки бурқсийди. Тишда қор, бўрон.
Кеча бир хат олди у қишлоғидан,
Ватан сари элтар хаёл парвози.
«Колхозимиз бардам!

Кел!..»

Қулоғида

Ҳамон янграр эди Умри овози.
Сухбат қилар бунда соғинган диллар,
Ҳар бирида битмас ширин саргузашт...
Тинч меҳнат роҳати, серҳосил ерлар.
Барининг қалбида армон қатма-қат...
Бошланмишу бироқ қолганмиш чала,
Буларга қасд қилган фашист — касофат!
Уйлашар: «Уша кун келсайди яна!»
Аммо ёвни енгмай, бўлмас тинч меҳнат.
Собиржон ёнида мерган Соғиндиқ,
Тўла юз, қора кўз, миқти. Ақлли.
Қозоқ — йигит

оқин, ҳушчақчақ ва шўх,
«Қизжибек»ни айтар ёддан мароқли...
Ражаб — кўҳистонлик ўспирин тожик.
Разведкада чиндан йўқ бунинг тенги,
Қарчиғай чангалли, чаққон, югурик,
Тирик тутиб келди кўплаб фашистни.
Русча, тожикчани сўзлар аралаш,
Хат олмайди уч йил, хафа бўлади,
Ўзи шўтқор¹ жуда, ҳазил қилсанг, бас,
Барин унутади,

қотиб кулади...

Жон аямас иноқ бу дўстлар кўпдан.
Жангда донғи чиққан. Билар ҳатто ёв!
Улуғ Сталинград остонасидан —
Дунайгача етди кечиб сув, олов...

Светанко сўзларин тинглайди ҳамма,
Дардини у куйиб гапирар тинмай.
Чеккасида яра излари. Қотма.
Тамакини ўраб чекар пайдар-пай.
Севган Мариясини мақтайди у соз,
Суратин ёнида сақлайди ҳар он:
— Қирди фашист!.. Тирик кўмди у рўй-рост!
Ҳамма ёқни вайрон қилди у шайтон!
Ленин аталарди бизнинг колхоз, бой;
Черкасида илғор колхознинг бири.
Қир-пасти қоплаган серҳосил буғдой,
Кўрдингиз-ку олтин украин ери!..
Комбайн ҳайдардим. Ун қиз ортимдан

¹ Шўтқор — тожикча қизиқчи, ҳазилкаш.

Чувуллашиб йиғиб улгуролмасди.
Аммо Мариям-чи, ҳайрон қоласан,
Худди йигит: чаққон эди, толмасди.
Оқшом қишлоғимиз, худди байрамдай,
Янграр: Қўлтиқлашиб чиқардик боққа.
Гармонь,

Қизлар...

ўйнасак андай,

Кетар эди чарчаш биздан узоққа...
Ташқарида шовқин,

осмон гувиллар:

Душман калхатлари ўтар бўкириб.
Бирдан зениткалар ва пулемётлар
Ўт сочарди кўкни бутун тўлдириб.

С оғ и н д и қ

Қўрмагансан, дўстим, қозоқнинг юртин,
Украинангга тенгдир! Асл ер, асл!
Или Днепрдан кичикроқ, бутун —
Икки ёғи қишлоқ. Яйраб-яшнар эл.
Юрт тинч. Меҳнат билан машғул ҳар киши.
Яйловларда колхоз қўйи, подаси.
Оқ уй, ўтовларда яшаб колхозчи —
Ойда бир тўй қилса, келар чамаси...
Мариянғ мақтадинг, ёринг, эҳтимол,
Сулувлиқда асл, сўз йўқдир бунга.
Лекин Холбувишим — сиёқ гулжамол
Қизни тополмайсан ҳеч эл, ҳеч юртда!..
Уша йил колхозда экин салмоқли —
Ҳосил берди. Молга тўлганди бўзи.
Эл тўқ бўлса, энди дарё сиёқли
Тошар экан: роҳат деган шу ўзи...
Қиши улоқ, пойга, тўй устига тўй.
Орзу-ҳавасларнинг чеки бўлмайди!
Қозоқ қўноғига сўймас экан қўй,
Уят бўлар элда. Кўнгли тўлмайди.
Бир овул тўй берди. Бизни-да, айтди.
Оқ уй, ўтовларда Ленин чароғи:
Болдан тортиб норин — барини тортди.
Оқинлар дўмбира чертиб жирлади.
Маърака қизиги — ўлан, айтишув,

Бизнинг тўй шунақа завқли бўлади,—
 Қизиб кетди жуда ўлан тортишув...
 Тўрда, булбул каби сайради бир қиз,
 Бетидан нур томар, оппоқ, қора қош,
 Айтишувда ҳеч ким оломади гез,
 Обдан чечан экан, аммо ўзи ёш.
 Холбувиш дедилар уни ўланда,
 «Оқин қиз» аталар у Или бўйлаб.
 Эшитгандим илк бор кўрдим мен шунда,
 Маҳлиё бўлибман, қолибман ўйлаб...
 Мен-да Олатовда ўн йил қўй боқиб,
 Улан тўқиб, дилга жирни тизганман.
 Мақтанмайман, жўн гап, менам соз тортиб,
 Айтишувда кўп оқиндан ўзганман!
 Енгилганлар бош эгиб, ютди сўзини.
 Қайта жаранглади қизнинг овози,
 Кулиб менга аста тикди кўзини...
 Жаз ёпишди дилга ўлани, нози.
 Уланига жавоб қилдим. Мен енгдим,
 Жуда қизарди қиз. Қийқириқ, қарсак...
 Шу йил, сизга айтсам, шунга уйландим,
 Энди ўрта армон тўла бу юрак!
 Ун кун турдим, фақат ўн кун, дўстларим.
 Холбувишни ташлаб кела берганман.
 Уйи куйсин қонхўр бу Гитлер — ғаним
 Қўлларимга тушса, тилка қиларман!...
 Суҳбат қизир: ёнар аламли диллар,
 Ҳар бирида қанча ширин саргузашт.
 Уртада маслёнка — чироқ килкиллар,
 Фронт бўйлаб чўкар лаҳза сукунат...

С о б и р

Дўстларим,
 у куннинг нимасин дейсиз?
 Кўнглимизда ётар бир дунё армон!
 Чет эл деҳқонларин кўриб турибсиз...
 Колхоз учун арзир қурбон қилсак жон!
 Еримиз, сувимизнинг ҳеч миннати йўқ,
 Биз булардай, ночор яшарми эдик?!
 Энгил бут,
 вақт хуш,
 рўзгоримиз тўқ.

Дунё кезиб кўрдик,
 қадрига етдик!
Ким нолирди, айтинг?
 Албатта, ҳеч ким!
Қандай кунлар эди?..
 Ҳузур экан, а?
Узи қазган гўрга ёв ўзи қулар,
Энди яқин!..
 Кўражакмиз
 соғ бўлсак яна!
Мен ҳам колхозчиман. Ўқидим бир оз,
Боғдорлик мактабини қилганман тамом.
Колхозга ўн гектар боғ қилдим бир ёз,
Кўпга хизмат қилсанг, қолар яхши ном.

Ҳар хил меваларни ўтқаздим қатор,
Ўзбек турган жойда бўлмас қизил дашт,
Ўзбекистон ери —
 кўм-кўк
 боғ,
 гулзор...

Асли Фарғонадан кўчиб келганмиз,
Бу жой — Мирзачўлнинг пастки этаги.—
Янги ер, Сирдарё —
 эшитгандирсиз?

Тўқай ва нообод ер экан таги.
Ҳамма аҳил бўлди. Боғладик белни,
Ер очдик,
 жойландик
 ва эдик пахта.

Молу ҳол кўпайди. «Хўш энди, қани —
Боғ қилайлик!..» — дедик, — орзу ҳавас-да!
Қишлоқда Умрихон деган бир қиз бор,
Мариянгдай ишчан. Сулув қиз эди.
Колхоз йигитлари ўшанга хуштор,
Кўнгли менда...
 Тўйга мўлжал — куз эди.

Бирдан малъун Гитлер бошлади уруш.
Тинч эдик. Зормасдик тўкмоқликка қон!
Тўй ҳам қолди,
 боғ ҳам...
 Энди гўё туш.

У кундан кўнглимда бир дунё армон!..
Майли!..

Берлини ҳам қолмади узоқ.
Уруш деса, бир умр титрасин баттол!
Сўнгра тинчлик, меҳнат, роҳат-да, ўртоқ.
Шундайми, Бўронбой?
Тамакингни ол!

«СОВЕТ ВАТАНИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

1

Тонг ҳам отди.
Совуқ.

Ерлар музлаган.
Баданларни тилар аччиқ изғирин,
Ўрмон тумшуғида
Ўнгда кўринган —
Хиршова* устида бурқсийди тутун.
Чапда туман босган дарё кўринар,
Душман ростлатмайди қаддин взводга.
Бош устида тинмай ўқлар чириллар,
Хужум қилмоқ керак тепага — дотга!..
Взвод газаб билан силжирди олдин,
Ер қопланди гумбур, садо, даҳшатга,
Кўришди командирнинг ҳалок бўлганин..
Кўзлар ёниб боқди Собирга олға!
Эмаклади лойдан старший сержант,
Етар командири оғзи-бурни қон..
— Эҳ!..

Ачиниб, алам ичра
титраркан,
Қичқирди наганин кўтарган ҳамон:
— Мен командир. Дўстлар! Улиш, ё энгиш!..
Йигитлар жим: сиқди қўндоқни маҳкам,
Найзалар узилди ердан бир қарич.
Собир эмаклади йўлбарсдай бардам,
Ўнгда туман босган дарё кўринар.
Душман ростламайди қаддин взводга,

* Хиршова — Руминияда Дунай ёқасидаги аҳоли яшайдиган бир жой.

Бош устида тинмай ўқлар чириллар,
Буйруқ — ҳужум қилмоқ тепага — дотга!
— Пулемёт!
— Бўрон!
— Огонь!
— Амбразурага!
— Светанко, ёт!
— Соғиндиқ, от! Беш қадам ўннга!

Душман ери оғир, истеҳком ҳар қир,
Ортда қолди ёниб, озов она-юрт.
Шинеллар лой, қўллар ёрилган ва кир,
Эмаклар газабнок ҳар жангчи йигит.
Собир бир чуқурга ташлади ўзин,
Каскасини чертди бир ўқ жаранглаб.
Ўтдай ёниб, тикди орқага кўзин,
Қизил ракета учди кўкка париллаб...
— Олға! — қичқирди у, — взвод, ҳужумга!
Олға, дўстлар, олға, ҳур Ватан учун!
Граната портлар...
Ким боқди кимга,
Тепани қоплади тўзон ва тутун...

2

Румин уйи:
Уч немис унга ташланди.
Етиб келди ортдан Бўрон, Соғиндиқ.
Ҳовлида осие жанги бошланди,
Аламдан чиқарлик муштланди «жиқ-жиқ».
Пистолет ва пичоқ Собир қўлида.
Яна бир фашистга отилди йўлбарс.
Отди. Урди.
Ғазаб ёнар кўзида...
— Мана сенга, мана! Эй, фашист, нокас!..

Ўтиб борар полки, танк, машиналар
Ер-кўкни титратиб оқади ғарбга.
Ҳалок бўлган Бўрон чўзилиб ётар:
Кўза очик — тикилган мағриб тарафга!
Фашистдан қутулган бир румин хотин
Йиғлаб, осиларди Собир бўйнига.
Эри турар: ҳорғин, қоп-қора, озгин,

Қараб бўлмас унинг мажруҳ турқиға...
Майда болалари ориқ, яланғоч,
Ер лой, совуқ. Баргдай титрар бетоқат.
Хотин тинмай дерди: «хорош, хорош!..»
Севинчдан йиғлайди: озод оқибат.
Асирларни ҳайдаб чиқар Соғиндиқ:
Найза, қўндоқ билан итариб-ниқтаб,
— Турқинг қурсин, фашист, эй, «юқори ирқ!»
Ташлагинг келади шумларни мижғаб!..
Кўча.

Борар қўшин,

танк, машиналар
Ер-кўкни титратиб оқади ғарбга.
Жулдур кийинишган тўп-тўп одамлар
Хурсанд қарашади Дунай тарафга.

Қирғоқ. Пасту баланд тепалар қатор.
Жанговар савлат-ла турар голиб полк.
Ҳар ерда душманнинг машъум изи бор,
Мажақланган танклар,

замбарак ва тўп...
Оқар қўргошиндай қорайиб Дунай.
Чидам бўлса, қиш-ёз бўлмаскан фарқи!
Осмон элак —

ёғар қор ун элагандай.

Йигитлар шод!..

Халта тўла тамаки...

Командирга рапорт берди Собиржон,
Бошда каска, ўзин тутиб мағрур, тик:
— Гвардиячи палковник! Жанговар фармон —
Бажарилди! Дот олинди!..

Душманни енгдик!

— Собир!..

— Собир!..— дейишар қуrolдош дўстлар,

Ҳаммаси бир она ўғли сингари.

Ҳар бирида жангнома бўларли ишлар,

Ҳар бирида голиблик жангу жадали.

Полковник қучоқлаб, ўпди бетидан,

Честь берди:

Ташаккур эълон қиламан!

Тик қотиб тинглар полк. Старший сержант —
Деди:

— Совет Ватанига хизмат қиламан!

Оқар кўрғошиндай азимкор Дунай,
Чидасанг, қиш-ёзнинг бўлмайди фарқи!
Кўк элак —

ёғар қор ун элагандай.

Йигитлар шод...

Халталар тўла тамаки.

КОМАНДИР БУИРУҒИ — ВАТАН БУИРУҒИ

Полк штаби.

Кўранинг кичик бир уйи.

Стол, курси, қийшиқ бир скамейка,

Утирар полковник — полк командири,

Уйлар, чекар лабида эгма трубка.

Қомат ҳайкалсимон. Қошлари қалин.

Жиддий. Ҳаяжонда... Ташвиш ва хаёл,

Бош устида бурқсиб учади тутун.

Катта кўзларида бир ўй, бир савол...

Столда Руминия картаси.

Қоғоз.

Қоғозда беш хона рақамлар ёзиқ,

Телефон жаранглар, йўгон бир овоз —

Янграр: «Буюраман! Тезроқ, вақт зиқ!»

Пастда ўтирибди: старший сержант.

Юрак урар,

Кутар танбиҳ, ё фармон.

«Ажабо? Билмадим?.. Не бўлди экан?»

Талофат йўқ, взвод бардам,

соғ-омон?..»

Полковник яқинроқ келди-да, хушвақт,

Елкасини силади — яғриндор ва кенг.

Собиржон юзида қувонч, хижолат...

Бўйи — полковниги билан теппа-тенг.

— Аҳвол?

— Яхши — кулди командирига.

Уғли каби боқди унга отахон.

Сўнг бирдан бурилди, юрди нарига.

Ойнакда муз гуллари. Тишда қор, бўрен.

Ҳайрон қараб қолди старший сержант,

Қалби урар: кутар танбиҳ, ё фармон:

«Ажаб? Тушунмайман?.. Не бўлди экан?..»

Жангчиларим тугал. Қуроллар омон!»

Ташқарида:

— Тўхта!— қичқирди посбон.

— Қўмондон буюрди: «Ўтилсин Дунай!»

— Хўп бўлади!— қилди буйруқни такрор.

«Хўп бўлади!»— деди, кўзи ўнгига —

Келди дарё... тўлқин, қишнинг совуғи.

Сўрамади: «Қандай? Оғир?.. Мен?

Нега?..»

«Командир буйруғи — Ватан буйруғи!»

«Барибир жанг! Майли, якка эмасман.

Бажарамиз! Майли, сўз бир, қайтмасман!

Қўрқоқликдан ўлим яхши йигитга!..»—

Командир «Ўтилсин»дан бошқа демади,

Фақат қоматига тикилди узоқ,

Даҳшат... Оғир жанглар кутар, билади,

Қурбонсиз олинмас дарё, у қирғоқ...

Тишдан қор уради ойнак, эшикка,

Полковник трубкага солди тамаки:

— Рухсат беринг,— деди Собир,—

чекишга?

Шундай пайтда қўл келди тамаки, ёки...

— Марҳамат!— узатди халтачасини

Полковник. Аямас ҳеч нарса ундан.

Шошиб-пишиб очди флягасини,

Қилқиллатиб қуйди унга спиртдан.

Собир мағрур кулди. Бир сўз демади,

Полковник отадай тикилди узоқ.

Улим... ё ғалаба кутар, билади,

Қурбонсиз олинмас дарё, у қирғоқ!..

Иккинчи бўлим

ҚАЙТИШ

Собир борар сўқмоқ — майсазор йўлдан,

Елкасида шинель, солдатча этик.

Жангдан омон қайтди.

Худди Берлиндан,

Ана, ота қишлоқ. Борар мағрур, тик.

Осмон тиниқ. Баҳор. Ясанган водий,

Ҳар ёндан хушбўй ис келади анқиб,
Уриклардан оппоқ гуллар тўзгийди,
Кенг дала офтобда ётади балқиб...
Тўрт йил бу ерларни қўмсаб, соғинди,
Татимади бўғиқ қишлоқ, шаҳарлар.
Юрагида ғазаб,

шафқат қолдирди —
Айёр савдогарлар,

эрксизлар,

очлар...

Бу ерларни, бахтим, ҳақ-ҳуқуқим, деб,
Мана шундай мағрур юрмоқлик учун
Ботқоқ кечди,

юрди совуқда тўнғиб,
Аямай йигитлик юрагин, кучин!
Яраланди, қонга ботди неча бор,
Карпат, Будапештда, Вена, Берлинда —
Олдида бўлди доим!

Шу она диёр,
Шу дала, бўстонлар борди дилида.
Мана, тўлиб-тошиб оқар «Уринбой».
Кўприк.

Тўғон.

Гувиллар пастда шалола.
Собир борар, ўнгда, мана, оқар сой,
Атроф кенг пахтазор — қадрдон дала.
Қаршида оқ уйлар — кичкина қишлоқ,
Она қучоғидай очиқ, меҳрибон...
Воясига етказмай кетганди бироқ —
Кўкариб унибди

бу азият макон.

Йўл икки ёғида силкинар толлар,
Қишлоққа етганча бўйлаб ўсибди.
Колхоз боғи — ўзи эккан ниҳоллар,
Кўм-кўк бўлиб, ерни бутун тўсибди.
Трактор гуриллар. Айни қизғин иш.
Офтобда ялтирар кетмон.

Ашула...

Унга шивирлайди ҳар япроқ, ҳар қуш,
Маътал дастурхондай — турар кенг дала.

Завқи қайнар... Хаёлда кўрар Умрини:
«Қолган умрим сен-ла, ўтсин, вафодор!»

«Йўқ,— дейди нозланиб,— демайман сизни!»
«Мен сеники, дегандинг, кўришсак дийдор?»
«Дегандим! Хат ёзмай, қийнадингиз кўп».
«Тўғри, ўзим келдим. Сени деб келдим!..
Қийнаган душман-да. Сурдим, урдим хўб,
Бахтимиз қуёшдек —
мен олиб келдим!..»

Осмон тиниқ. Кўм-кўк ясанган водий,
Димоққа хушбўй ис келади анқиб.
Уриклардан оппоқ гуллар тўзғийди,
Кенг дала нур эмиб ётади балқиб.
Собир борар дадил қишлоқ йўлидан.
Кул ранг шинель, солдатча этик.
Жангдан ғолиб қайтди,
худди Берлиндан.

Юзи ёруғ,
Қишлоққа кирар мағрур, тик.

КАТТА ОИЛА

Оқшом.
Жам бўлишди қўшни, дўсту ёр.
Қучоқлаб кўришар ҳамма — ёш, қари.
Одам гавжум. Айвон келди энди тор,
Партком, Даврон ота, Жўрахон — бари,
Бир оила каби қадрдон булар,
Ҳамма кўрсатади ҳурмат ва эъзоз,
Қариндош, бир ўсган дўстлар, жўралар...
Қандай яхши. Висол пайти қандай соз!
Меҳнат жанг қиссаси узун, тугамас...
Қанча мушуқларга бердилар бардош.
Уғлин эсладими, чиқармайин сас,
Рихси хола йиғлар,
кўзларида ёш...

Собир эслар,
қарар

ишком,
уйларга;

Ўша эшик. Йўлак. Ўша ер, осмон,
Изланар атрофга — боқар дўстларга,
Кўринмайди фақат битта меҳрибон...

Она... Юрар эди йигиб-сидириб,
Ишдан чарчаб келса — гоҳ ош, гоҳ гўжа.
Аста уйғотарди тонг-азон туриб.
Далага элтарди қатиқ, нон, кулча.
Энди йўқ!..

Кўринмас.

Қайда онажон,
Уғлин бошларидан сочмайди танга?..
Тилаганди: «Ой бор ва келгин омон!»
Мана қайтиб келди, голиб Ватанга.

Мана, Умрихоннинг звеноси ҳам
Қўлларидан кетмон, ишдан қайтишар.
Қўзилардай суриниб ўтди супага.
Собир боқар хурсанд! Қалб қайнаб-тошар...
Гўё бошқа дунё очилди кўзга.
Чеккан машаққатлар топгандай якун.
Жонни фидо қилган кўпга — колхозга.
Бундай чевар қизни эл севар бутун.

Астагина кулиб боқади Умри,
Қишлоқ тўлиб кетган! Яшарган олам.
Ерин эл ҳурматлар! Ошар гурури,
Ёвни енгиб келди, ҳарна қилсанг — кам,
Қизлар кўз қирида қутлар Умрини,
Шодлик ичга сиғмас; кулди ниятлар...
Билишар бир-бирин қайғу сирини...
Энди бирин-кетин қайтар йигитлар.
Умри боқар, Собир, погон — формали,
Сал озган, қорайган лекин соғ, тетик.
Кўкрагида ёнар орден, медали,
Дунё бўлиб сўзлар,
гапирар етук.

Меҳнат, жанг қиссаси узун, тугамас,
Бердилар бир жаҳон мушкулга бардош.
Энди қанча бўлса орзу ва ҳавас
Меҳнат-ла етмакчи ҳамма ватандош!

СОБИРЖОН

Улар келди ота звеносига,
Ултиришди. Толзор. Ғириллар шамол,

Уста Нор гишт терар ГЭС биносига,
Атроф жимжит,
пастда гувиллар анҳор.

С о б и р ж о н

Омборчилик маъқул Нишон болага,
Ҳордиққа келдикми, опа, биз жангдан?
Энди кўрдингизми бизни? Бу, нега?..
Пишиб кучга тўлдик, мана, қайтадан!
Омон бўлсин ўша қадрдон кетмон,
Ота касб, бардаммиз ва ёшмиз ҳали.
Колхоз ўз жойимиз, эмасмиз меҳмон,
Иш қилайлик,

энди меҳнатнинг гали.

Камарини тортиб сиқди, тузатди,
Дилидаги армонин у очиқ айтди:
— Опа, ўзим эккан боғда ишлайман,
Меҳнат сингган!

Битта боғ ҳам керак-да.

Агар хўп десангиз, эрта бошлайман.
Ният шу, не дейсиз сиз Даврон ота?

Даврон ота Собирга тикилди узоқ
Гўё энди кўрар. Эслаганди чол:
Унинг жанг қилганин бутун бир қишлоқ —
Эшитиб, бўлганди ақллари лол.

Д а в р о н о т а

Гапи маъқул, қизим, хўп денг,
раҳмат денг,

Сўрабди — колхозим ўссин дегани.

Ун боғ ҳам оз,

чўлга нима деб келдик?

Ё Фаргона борамизми олма егани?

Иш кўп, бошдан ошган, Собиржон, асли:
«Уҳў!..» дейсан, бундай ўйлаб қарасанг,
Иқрор бўлиш керак! Ортадамиз ҳали,

Танқид қилишганда, биз деймиз аттанг.
Қўшни — «Навойи»,
кўр,
узоққа борма!

У ҳам колхоз,
бир йил келганмиз, ахир.

Сув танқис,
ер пастми, жойимиз торми?
Ундаймас, бу ишнинг вақтидир айни.
Собиржоннинг гапи маъқул. Бошлатинг!
Сўрабди — колхозим бўлсин дегани.

Ўн боғ ҳам оз,
Бутун чўлни яшнатинг,
Фарғонадан келсин анор, егани!

Боғ ҳақида яна анча гап бўлди,
— Шундай!— деди ўйчан Жўрахон опа,
Майда тишларини кўрсатиб кулди,
Сўнгра ишонч билан киришди гапга:
— Яхши ният! Тўғри, талаб ўринли,
Планни ўзгартди уруш гўрсўхта!
Сал-пал кўтарилсин пахта ҳосили,
Не қилсак ярашар, шунда колхозда.
«Навойи»ни дейсиз,

ишчи қўли кўп,
Биламан колхозга ўнта боғ ҳам оз.
Ушалардай бўлсак, кўрардингиз хўп,
Ишнинг шу томони ўйлатар бир оз.

С о б и р

Раис опа, жангда кунлар бўлдики,
Юз кишининг ишин ўн киши қилдик.
Тўплар шундай оғир; шундай ҳам зилки,—
Елкага кўтариб, тоғларга миндик.
Келганимдан бери айландим, кўрдим.
Етарликмиз,

Барин тайёр ҳисоби.
Буни менга қўйинг эплайман ўзим,
Маълум менга колхоз тулпори, ёби...
Чойхонага ахир битта киши бас,
Юнуспир ҳам одам, далага чиқсин.

Табелчи ҳам керак, ammo Мирсанд —
Ҳеч гапмас, бўшида боғда ишласин.
Тийининг огир усти, енгил остида —
Юрганларни!..

Барин тайёр ҳисоби.
Солдат бўлсин ҳар ким ўзин постида.
Менга маълум колхоз тулпори, ёби.

Маъқул кўрди ўйлаб гапни раиса...
Толзор. Сувнинг бўйи. Ғириллар шамол.
Уста Нор ғишт теради ГЭС биносига.
Атроф кўм-кўк.

Пастда гувиллар анҳор.

«СОЯНГ БОРМИ, ОҒАЙНИ?»

Колхоз боғи обод бўлар кундан-кун,
Меҳнат ювиб-тараб соларди сонга.
Собир, меваларни бутади бутун
Слётда мақтади, етиб районга.
Баҳром ота токни қилар парвариш,
Тегин чуқур қазиб ётқизди девол.
Уста Нормат кўрди: боғда жадал иш,
У ҳам келди, энди ёрдамга дарҳол.
Юнуспир ҳам шунда, аҳволи кўп танг,
Анча кундан бери кўнгли намошшом.
«Нега келдим? Нега? Эҳ, афсус,
аттанг?..»

Ўйлар,

томоғидан ўтмайди таом.
Кетмон сопи янги, темирдай қаттиқ,
Кўли пуфак-пуфак бўлиб қаварган.
Ер чопар, ҳаллослар, терга ботар жиқ:
«Менга нима?»

Эй сен, бригадир бўлган...»

Қашқа отдай ҳамма билар қишлоқда,
«Юнуспир» дейдилар ҳазилкашлари.
Кўнгли нозик,

аввал хафа бўлса-да,
Нима қилсин? — Кейин бари.
Ҳар ким бир нарсага ишқ қўяр. Бу рост!
Бироқ милтиқ, отга беради кўнгли.
Юнус беданага роса ишқибоз,

Ўнга қолса, қуш ҳам аталмас булбул.
Толди «тезотари», «салмоқи»си ҳам,
«Питбилдиғи» етар беш-олтитага.
Қалби жаранглайди, бўлади хуррам,
Дунё завқи шудир бу олифтага...
Аммо ўзи ювош, камсўз, феъли кенг.
Икки қиз жойлашар, тепадай кифти.
Ойша: «Юнус акам фақат менга тенг,
Тегар эдим ҳалол ишласа...» дебди.
Самоварни «пуфлаб» чиқди мўйлови,
Чойни эзиб билди, кучга тўлибди.
Бир нозик лаб кўрмай дўрдайган лаби,
Тенгқурлари, ахир ота бўлибди.
Кўринмас кўзига бу боғ, меваси,
Боғда қатор дарахт аста силкинар.
Ишга қовушолмас, келмас чамаси...

Бригадир Собиржон бу ёққа келар.

С о б и р ж о н

«Пир! деганда, дўстим, хафа бўласан,
«Мирини қўшиб айт дейсан, хўп, майли.
Мирлигингни ишда кўролмаёпман,
Шуми чопган еринг?

Шуми атайи?..

Ишми шу ҳам?

Жонинг борми танангда,
Ўйла соянг борми, оғайни сенинг?
Қара, колхозчилар гир айланангда —
Чумолидай ишлар,

ҳамма ҳам бир.

Инсоф борми? Колхоз аъзосимисан?
Токай кўланкада пашша тутасан?
Ишла,

бол аридай ўз ҳиссангни қўш,
Роҳат бўлар, терлаб, топган ҳар улуш!..

Мирюнус чўққайиб, чизиб қолди ер,
«Салмоқиси» бирдан сайради толда.

У қизарди, ёнди, босди қора тер:

«Шу чоқ «питпилдиғинг» қўй-чи, зормонда!...»
— Шуми нағманг? Қасбинг, топган ҳунаринг?

Боққа шу каммиди ҳали, оғайни?
Дўст ачитиб айтар...

Бил, фойдаг сенинг!
Энди кўрибманми сендай сатангни?
Боғни бир кўр, боғни! Юрагинг ачир.
Колхоз мулки! Бизнинг насва-нонимиз,
Сену мен қилмасак, ким қилар, ахир?
Колхоз дафтарида бордур номимиз...
Ваъда бердик кўпга, бутун бир қишлоқ
Ишониб топширди, умид қилади.
Бизда ҳам бор норма, ўйла-да ўртоқ!
Боғни эплолмасак, ҳамма кулади...

ПАХТАКОР ВА БОҒБОН

Умри турди.

Ойдин. Сув қуйгандай жим,
Сутдай оқ кўринар қўрғон деволи,
Ола сигир пишнаб, қайтаради ем,
Тўрда ота ухлар.

Учар хаёли;

Ўйида пахтазор, чанқоқ гўзалар:
«Шундай пайт хит қилар сувнинг этаги...
Чўлпон ота беғам! Ухлаб қолгандир?
Сув ҳозир гўзанинг айни кераги»

.....

Сўридан тушди: «Боришим зарур!»
Йигитлардай юриб кетди далага.
Кўклам ёмон келди,
совуқ, серёмғир.

Қайта экди,
меҳнатда етди вояга.

Қишлоқ пасти.
Пахтазор. Кўкда тўлин ой,
Гўзаларни силаб ўйнар шаббода,
Дала жимжит. Пастда шовуллайти сой.
Олам ухлар. Итлар товши ҳавода.
Қандай ҳузур қилиб олмоқда нафас;
Тўйган, кепчитилган юмшоқ марзалар,
Ҳар тупи райҳондай кўтарибди даст,

Оқариб кўринар дарахтлар, йўллар.
Чироқлар — отхона баланд томида.
Басма-басга сайрар тинмай булбуллар
Юқорида,

обод колхоз боғида...

Олга юрди. Чўчиб мингиллар аста,
«Гуп» этди ов милтиқ аллақайлардан.
Тўхтади.

Аланглаб у таажжубда,
Сув оқмасди қатор қамиш найлардан.
Увотга кийикдай чиқди йўргалаб,
Аммо ариқда ҳам кўринмади сув:
«Этак қурсин, гўзам шундай сув талаб,
Чўлпон ота қайда? Узи нима бу?»
— Чўлпон ота-а-а!..

—...

Атроф жим. Гўзани ўйнар шаббода,
Ойдин кулдай пайкал. Кўкда тўлин ой.
Жон кўринмас, итлар ҳурар атрофда.
Олам ухлар. Пастда шовуллайти сой...

Бирдан кифтга чиқди баркашдай кетмон,
Кетди елдай учиб сув қулоғига.
Нима кўрди,

ариқ чиппа кўмирган,

Сув лопиллаб оқар колхоз боғига.
Липа урди шошиб, шимарди енгин,
Сувга кирди: «Кўнглим тинчимани-я?
Сувчи бўлмай Чўлпон отамиз қурсин,
Долизарбда тепди ишнинг белига...»
Таниш овоз келди:

— Ҳорманг?

— Собир ака! Бу нимаси?..

Ҳали гап шуми?

Пахтаси қурсин, майли, дебсизда?

— Боғ-чи?

— Боғ-миш, боққа сувнинг эрта-кечи йўқ.

Собир кулар:

— Биздан хафа бўбсиз-да!

— Ишонганим...

— Бошлиқ ухламасин-да!—

Кетмонини баланд кўтарди Умри.

— Тўхтанг!

Чиқинг!

Ичди ҳамма қартангиз,
Сувдан тортиб олди. Лабларда кулги.
— Бизга ташлаб кетди Чўлпон отангиз,
— Алдаманг?...
— Қўямизми сувчи агар биз бўлсак!

Йигитни итарар кулиб ёниб қиз,
Белин маҳкам сиқар икки чўнг билак.
Юзларда тангадай ялтирар нурлар,
Чироқ ёниқ омбор баланд томида.
Басма-басга сайрар

тинмай булбуллар

Нурда чарақлаган колхоз боғида...

КУЧМА БАЙРОҚ

Кун иссиқ. Қилт этмас терак барги ҳам,
Хумдондай қизиган ер-кўк, айлана.
Сувлар илиқ. Палак барги сўлган, ҳам,
Аммо ҳузур қилар бундан кенг дала...
Дарахтлар тагида гужум соялар,
Қорли тоғ чўққиси товланар кул ранг.
Қўриқда ёзилиб ўтлар подалар,
Йўлда машинани қувар бўрсиқ чанг.
Чайла тепасида мусича «қур-қур»,
Толган капалаклар учар соялаб.
Парвоз қулундай, тутун — ёл бурқиб,
Поезд олисроқдан ўтар жадаллаб...
Колхоз миришкори, мана, олти қиз,
Умри звеноси қиларди чопиқ.
Ватанга ва халққа берган булар сўз,
Жўяклар лорсиллар, гўзалар бўлиқ.
Пайкал жим. Кетма-кет тушади кетмон.
Нега кенг далада қўшиқ янграмас?
Қуёш ўпиб иссиқ нондай қизарган —
Юзларда кечаги шўхлик кўринмас?..
Пайкал бўйлаб келар Жўраҳон опа,
Ёнлар шимарилган: кенг, оппоқ кўйлак.
Кунда қорайибди: Хушқомат. Тўла.
Қўлида газета, оқ кигиз телпак.
Ҳаммага меҳрибон. Ишчан Коммунист.

Меҳнатида унум. Халқда эътибор.
Сўзин икки қилмас ҳар йигит, ҳар қиз,
Умр тилар чоллар — беҳад миннатдор.
— Ютқизибсиз бугун, Умрихон, қизим,
Сизда тугамабди учинчи чопиқ?
Онахонлар олдин,

текширдим ўзим...

Тўртинчиси тугар — қолибди ёвуқ.
Ана, ғўза у-да, маржон-маржон, рост,
Тупда етмиш кўсак — ўзим санадим,
Бу ёғи билинар кузда, ўзар ким.

Умрихон елкасин қоқар раиса:
— Сиздан опкетишар кўчма байроқни!
— Йўқ бермаймиз! — Қизлар чувулар роса,
Раисага беришар улар сўроқни:
— Улар этакдами?
— Уялаб экканми?
— Чилпиганми?..
— Мана, бундай шарбат берганми?..

У м р и

Раис опа, ғўза бўлади, бундоғ,
Етмишмас, юздан ҳам кўп, ахир кўсак!
Кузда

битта тупдан тўлади этак,

Яхши экаң асли уялаб экмоқ.

Умри елкасига қоқар раиса:

— Куз биламиз!

Ҳозир олинар байроқ!

— Йўқ бермаймиз! — қизлар чувуллаб роса,

Опага беришар кетма-кет сўроқ...

Чайла тепасидан олинди байроқ,

Ҳилпиратиб кетар голиб Онахон.

Бу қизлар ҳам жуда ҳамжиҳат, иноқ,

Кўпга сўз берганди.

Бу бўлди ёмон!..

Дархтлар тагида ғужум соялар,

Тоғнинг чўққилари товланар кул ранг.

Онахон ерида байроқ ҳилпирар,

Умри боқар, киприкка қўнган юпқа чанг.

ҚИЗЛАР КУЛАДИ

Келар Собиржоннинг боғ бригадаси,
Қизлар ўртасида кетди пичинг, сўз.
«Тўйгами, бошдаги баркаш нимаси?»
(Баҳром ота, Нормат, орда Мирюнус.)
Кулиб чевар қизлар: уради кетмон,
Юзларида упадай тупроқнинг гарди.
Аллақайда сайрар тинмай саратон,
Яноқлардан оқар тер марвариди.
Кутиб олди ана Жўраҳон опа,
Саватларда узум, олма, шафтоли.
Кулар, терисига сиғмай раиса,
Обод бўлаётир унинг колхозии...
— Биз эшитдик,— деди Собир,—

Умрихон

Чарчаганмиш, ишда орда қолганмиш.
Боғда Мирюнусни кўриб Ойшаҳон:
«Хашарга ёрдамга келинг»—

деганмиш.

Мана келдик, опа, қайдан тушамиз?

— Кулма, ҳой Умрихон қани, ҳой

қизлар!..

— Биз келдик, Ойшаҳон,— кулади Юнус,—

Чиқиб олма енглар,

дам-пам олинглар.

Қизлар гул-гул ёниб уришар кетмон,
Юзларда упадай тупроқнинг гарди.
Аллақайда сайрар тинмай саратон,
Яноқлардан оқар тер марвариди.

Д а в р о н о т а

Сув сепилган ҳовли. Уртада супа.
Дала кўринади, дарвоза очиқ.
Ҳамма ёққа салқин тушарди аста,
Чирқиллар садада бир гала чумчуқ.
Даврон ота ўтирар чордона қуриб;
Совчи ҳангомасин сўзлаб чолига —
Қумри хола «босволди» ярмини кесиб,
Коса қилиб қўйди чоли олдига.
— Яхши,— деди ота,— жавоб беравер!

Қизинг рози бўлса,
мен рози, майли.
Яхши йигит, маъқул — оламга татир...
Тенги, Умрингга мос!
Бўлсинлар бахтли!
— Яхшиликка яхши-я, аммо, отаси,
Олиқ-солиғи бор. Вақти бор сағал...
Елғизимиз...

Бордир орзу-ҳаваси,
Кўргилик мол-мулкин бутасин аввал.
— И-е,— деди ота, чақчайди кўзи,
Қўл артди, мўйловин силади тез-тез:
— Кимдан кам?

Асл меҳнаткаш ўзи!
Армиядан келган. Эпчил, ғайратли.
Колхозим деб, кўп деб, беради жонин,
Кўриқни боғ қилди.

Бу ёғи тинчлик...
Обруйли. Халқ севар. Не дейсан тагин?
Сен тушганда, менда нима бор эди?
Салимвойнинг тўнин кийдим никоҳда.
Ҳаммасини кўрдик, колхоз ёр бўлди...
Бундоқ кун бор экан бизга дунёда!
Пешонаси очиқ,

жонкуяр, илдам.
Куйиб меҳнат қилар! Ақлли. Бас-да.
Бахт берсин, қолишмас ундан Умринг ҳам,
Булар кўрган ҳар кун — орзу-ҳавас-да.
Бер жавоб! Мен берай олиқ-солиғин,
Колхоз омон бўлсин иқболларига.
Шукур, маъмурчилик. Не керак тагин?
Кўмиласан иккисининг топган молига...

БОҒБОН ВА ТАБЕЛЧИ

Собир уч оёқлик нарвон устида —
Олма бутар. Қўлда пўлат даст қайчи.
Белин ушлаб қараб туради пастда
Семиз йигит — ҳамма билган табелчи.

Боғи бу йил обод, ўсди, кенгайди,
Мевалар қад чўзиб, кўтарди қомат.

Меҳнат қилсанг ерға, зое кетмайди,
Ҳосили ҳам мўл-кўл,
меҳнатда омад.

Омбор битди.

Машинага йўл тушди кенгроқ.

Кўклам дориланди.

Чопилди қанча.

Эрта кўклам, арава, машина бўлиб,
Тинмай қатнаб турди қора шомгача...
Собир ҳам тинчиди.

Куч олди қайта,

Меҳнат устун қилди обрў, қўлини.
Ерига етишди.

Мард Даврон ота

Сўзда турди — қилиб берди тўйини...

Туриб уч оёқлик нарвон устида —

Олма бутар. Қўлда пўлат даст қайчи.

Белин ушлаб, жавоб кутарди пастда

Сариққина йигит — эски табелчи.

— Табулчи керакмас менга, Нишонбой!

Одам тугал.

Ўзим бригадир, боғбон.

Бари қўлдан келар...

Менга қара, ҳой!

Чиндан ишлайсанми?

Ол қўлга кетмон! —

Нишонбой безрайиб турарди пастда,

Собир нарвондан тушди индамай:

— Омбор қўл келмади...

Тер тўк,

бўлмаса!

Юрасанми энди эгардан тушмай?..

Бултур, биринчи йил ҳосил берди боғ,

Ўттиз тонна олма, узум, резавор.

Шунча даромаддан чиқмади чатоқ?

Сен омбордан!..

Борми виждон, ор?..

Гудунгласа ҳамки Нишонбой ҳарчанд,

Бўлмади. У аста бошин қашиди.

Собир олмаларга тикилди хурсанд.

Қайчиси навдада

«ғирт-ғирт» ишлади.

— Бор, Даврон отанинг бригадасига!

Пахта бўлсин,

унда

ишла тер тўкиб.

Кузда иш кўпаяр бизда ҳам ука,

Тўғри бўлсанг, олай ҳисобчи қилиб!

ФАРҲОД ГЭСИ

Тонг саҳардан гавжум қишлоқ кўчаси,
Карвон жўнар бугун Фарҳод ГЭСига.
Кулги...

Қулоқ йиртар карнайлар саси:
«Хо-хо-хо-хо» янграб

басма-басига.

Доира қўлдан-қўлга ўтиб даранглар,
Узун соч, билаклар майин тўлқини...
Йигитлар шўхлиги.

«Урра», қарсақлар,

Дилда ҳаёт завқи, севги ёлқини.

Саҳар тамом бўлди Ойшахон тўйи...

Ажойиб тўй берди.

Хурсанд меҳмонлар:

«Юнусда ялқовлик ҳали оз-моз бор...»

«Ойшахон пишиқ қиз, йўлига солар»

Пахтазор ортидан қуёш мўралар,

Клуб тепасида қути учган ой.

Бўғот, дарахтларда қизил шуълалар,

Чойхўрлар олдида узум, қуюқ чой.

Қатор аравалар, олдда машина —

Лиқ тўла қиз. Отлар чайнайди сувлиқ.

«Навий»,

«Пахтакор»дан келади яна

Уч машина одам.

Бўлади тўлиқ.

Собир ўйлар: «Фарҳод -- иккинчи офтоб,

Ватан нурга тўлиб бўлади обод.

Завод,

Фабрикалар,

минглаб хонадон

Унинг томиридан олар қон-ҳаёт.

Канал Мирзачўлнинг кўксин чок қилиб,

Сирдарё сувини келтирар бизга.

Янги ерда

шаҳар,

қишлоқлар бўлиб.

Ҳар ён чароғ,

чароғ —

ўхшар юлдузга.

Керак энди бундоқ оппоқ уйларга

Электр печь,

ўчоқ,

сим тегирмонлар.

Машиналар «Фарҳод» билан қирларга

Донни сепар, ўрар,

янграр адирлар.

Пахтазор ишлари бўлади енгил,

Лекин одамзодсиз иш бўлмас, албат.

Битмас ҳосил берар ҳар қанақа ер.

Электр —

Лениндан бизга саодат.

Утмишдан чолларда умид ва армон:

Кўрмаган ёруғ кун хира рўшнойи.

Мана Даврон ота шунчалик шодон,

Йигитлар сафида турар шайланиб.

— Ботир йигитларим, ҳой оппоқ қизлар!

Сиз келганча пахта оппоқ очилар...

Бўш келманглар асло!

— Яхши биламиз!

Эрта тонгдан — гавжум қишлоқ кўчаси,

Қуёш кўкдан боқиб бўлди ҳангу манг.

Бирдан кўтарилди қизлар яллasi,

Кенг далада янграр қувноқ бир оҳанг:

Ҳайдар кокилинг узун,

Ювиб тарагин, ёрим.

Дангаса деб койима,

Менга қарагин, ёрим.

Катта канал бўйида

Бўйингни кўриб қолдим.

Кўрмасам бўлар экан,

Ишқингда куйиб қолдим.

Ёрим, суяман сизни,

Пахтакор дейди бизни.

Кўпчиликка сўз бериб,
Унутманг ваъдангизни.

Богимизда сўри бор,
Шу сўрининг тўри бор.
Дангасага тушганнинг
Манглайида шўри бор.

Орден олибсан, ёрим.
Сен Ватан урушида.
Мен ҳам орденли бўлдим
Колхозимиз ишида.

Гулзор қилдик чўлини,
Билдик бахтнинг йўлини.
Кўзимизга суртайлик
Бахтимизнинг гулини.

Коммунизм йўлини
Социализм очади.
Богига кирар бўлсанг,
Баҳри-дилинг очади.

Карвон жилди олға,
кўтарилди чанг,
— Хайр, Умрихон!
-- Собир!
-- Хайр, Жўрахон опа!
Тонгда чиққан қуёш бўлди ҳангу манг,
Карвон,
карвон
борар Фарҳод ГЭСига!

КўНГИЛДАГИ КўЛДАН КЕЛСА — ҲАММА ИШ БИТАР

Богнинг йўли бугун жуда серқатнов,
Икки-уч бор келди Жўрахон опа.
Тонгдан Даврон ота, Собиржон икков —
Югулар идора,
дала, қишлоққа.

Кеча тушдан бери,
Райондан чиққан
Рассом сув бўйида расм солади.
Қишлоқ муаллими — Мукаррамахон
Шиорли алвонни тортиб осади.
Пахтазорда терим. Звеноларда
Кўринади чош-чош пахта хирмони.
Қатор учиб борар

пункт йўлида,

Юртга совға ортиб байрам карвони.
Томорқада ёздан бери тик қотган,
Олтин жўхорилар қилибди ёнбош.
Полизда қовунлар кўрпасин отган,
Кузга кўксин берган ҳар увот, ҳар рош.
Қатор-қатор тутлар тагида кўм-кўк —
Кўлдай кўринади бўлиқ карамзор.
Дала атлас каби яшнар ранг-баранг,
Осмон — ҳали мовий,

ҳали беғубор.

Боғда суви лим-лим кичкина ҳовуз;
Супада гиламлар, скамейкалар.
Супаларда патнус безар уч-тўрт қиз,
Қараб Даврон ота иш ўргатади:
— Чаросдан қўш, қизим, ҳар гулда ҳар ис,
Хусайни, кишмишдан — ҳар кимнинг таъби...

Гулсуной, қовунни

катта-катта кес!

Қани, уста, буни олинг!

Собир, бўл!

Собир, сават-сават ташийди мева,
Югурар дам боққа, дам омборига.
План тўлган!

Эрта байрам, тантана!

Маъмур кунлар келди яна диёрга...
Оқ сурп ятак кийган, бошда чуст дўппи.
Савсар шойи қийиқ. Хироми этик.
Боғда ўтиришган йигитлар кўпи —
Шундай кийинишган — ҳаммаси бирдек.
Оқшом. Қуёш ботган. Уфқ лола ранг.
Тераклар учида янги туққан ой.
Муздай шамол эсар,

йўлда чўккан чанг.

Қушлар «чурқ-чурқ» истар бир қўналға жой.

Эрта байрам!

Мана, бошланди йигин,

Меҳнат дастурхони ўртада тўла,

Колхоз боғи тўккан ноз-неъматин:

Узум,

шафтоли,

нок,

турли нав олма.

Қўшни колхозлардан меҳмонлар ҳам бор.

Дарахт тағларида тўп-тўп болалар.

Электр нурларин қучган олмазор.

Дилда улуғ айём шодлиги ўйнар,

Тинч юртда меҳнатнинг бошланган даври.

Давра кўрки бўлган жасур йигитлар

Кўриб, оналарнинг тўлади бағри,

Кеча ёвни енгиб қайтган солдатлар.

Кўзни тортар чаман қизларнинг тўпи,

Лўппи юзлар, беллар,

ранг-баранг атлас.

Бахтидан шод энди буларнинг кўпи,

Ҳижрон буткул битган,

ушалган ҳавас...

Ана, Умри, гулдай очилган юзи,

Товланар электрнинг ҳафиф нурида.

Соддалаб яқунлар раиса сўзин.

Кул ранг костюм кийган, сўзлар минбарда:

— Ҳамма гап шу!

Шундай...

Хуллас, ўртоқлар,

Октябрдир — ғамдан бизни қутқазган!

Минг бор миннатдормиз жонажон падар —

Доҳий Ленин,

Партиядан!

Бахтга етказган!

Гувва турди ҳамма. Шиор ва қарсақ

Садоларин ёяр шамол далага.

Жўрахон ҳам хурсанд,

деди баландроқ:

— Дўстлар! — яна жимлик чўкди

ўртага, —

Аммо ишларимиз ҳали бир талай,

Планлари кўпдир бизнинг колхознинг,

Қандай эди бу ер?
Тўқай...
Шўр...
Бу жой —

Янтоқзорди...
Қақроқ чўл эди ўзи!
Энди кўзингизга ойнадай равшан,
Мумкинмиқан чўлда боғ, бўстон битса?
Тўғримикан «Ер паст бўлади» деган.
Мумкинмиқан ҳосил юзгача етса?
Бари мумкин!

Фақат

Тер тўк ва жон чек!
Боболардан қолган битта мақол бор:
«Қийинни енгмасанг — бўлмас тириклик!»
Ана шундай,

ҳали иш кўп, улуғвор.
Ҳали бу ёғимиз шундай тўқайзор,
Тоқай айланамиз шу кафтдай жойда?
Дорихона керак.

Мактаб

энди тор.

Яна қанча ишлар бордир планда!..
Бориб келдим кеча «Тонг» колхозига,
Шаҳар, шаҳар дейсан,

ҳавасинг кетар!

Партия оталик қилмоқда бизга,
Дилдаги қўлдан келса — ҳамма иш битар.
Қарсак ва соз янграб,

айтилди шиор:

— Бор бўлсин Партия!

— Совет Ватани!

Янграб кетди нурни қучган олмазор,
Осмон — юлдузларнинг ёниқ чамани!

1947. Август — сентябрь, Тошкент

ОНА ҚАЛБИ

БАҒИШЛОВ

Онажон! Кўрмадим нури висолинг,
Аммо унутмадим бир дам, меҳрибон,
Уйимда яратиб жонли тимсолинг,
Қалбимда муқаддас сақлайман ҳамон.

Эрта ташлаб кетдинг... У иссиқ бўсанг
Тафтидан лабларим айрилди бехос.
Аммо оналарин бағрида ўсган —
Уғиллардан ортиқ қўйганман ихлос.

Эсимда, боласин қўшни оналар
Тиззасига олиб эркалатганда,
Кўзим суқли боқар, юрагим ёнар,
Ажиб бир жимирлаш кезарди танда...

Кимнидир излардим — топа олмасдим,
Кимнидир кутардим — бўлмасди дарак.
Йиллар ўта берди... ўсди бўй-бастим,
Англадим — беҳуда бўлмоқ жонсарак.

Кўзим ўхшар эмиш сенинг кўзингга,
Ўхшашлигим бормиш фаҳмим, тусимда.
Сўзим ўхшар эмиш сенинг сўзингга,
Демак, қалбинг тепар менинг кўксимда...

Сен туфайли кўрдим қуёш, оламни,
Сен туфайли бахтим ва шодиёнам,
Сутинг, меҳринг билан бор этдинг мени,
Сенгадир, аввало қалбдан шукронам.

Бу ихлос — самимий виждон, жонимда;
Марҳумлигинг учун эмас, меҳрибон!
Шундай фарзандлар ҳам борки жаҳонда,
Тирик оналарни койитар ёмон...

Йўқ, сени мен асло хафа қилмасдим,
Ғамга қалқон бўлиб тутардим сийнам.
Умринг узайтсин деб ҳар бир нафасим,
Қалб бўлиб турардим, олганингда дам.

Кўзларинг бесабаб мени кутмасди,
Толган юрагингга бўлардим ёлқин.
Ташвишим манглайинг чизиб ўтмасди,
Боиси бўлмасдим сочларинг оқин...

Истасанг, кўрганлар ҳайрон бўлмаса,
Кўтариб юрардим бошда бир умр.
Белингга қуввату, қўлингга ҳасса,
Бўлардим шаънингга фахр ва ғурур.

Хижолат тортмасдинг мен туфайли, рост,
Бу катта онамиз — она-Ватан ҳам!
Ахир, бу бахт — ҳамма оналарга хос,
Ҳаёт маъноси ҳам шу бир сўзда жам.

Бу ихлос — самимий виждон, жонимда,
Марҳумлигинг учун эмас, азизим!
Шундай фарзандлар ҳам борки жаҳонда,
Тирик оналарин ранжитар ўзи...

Чин фарзанд ўзида нима муқаддас —
Сиз меҳри учун берар, майли жон.
Бор менда муқаддас қўшиққа ҳавас,
Шу кўкимда балқи, эй нури жаҳон!

I

Супачага ўлтирди она,
Ҳозир эккан гулларга боқди.
Аммо бирдан хаёли яна
Кўз ўнгида дарёдай оқди.

Шу дарёда кетди у сузиб...
Бир нуқтага тикилиб узоқ,
Қўлидан лой сидириб, узиб,
Бармоғида қилар юмалоқ.

Яшнар баҳор...
Кўм-кўк ҳамма жой,
Товланади наврўзи — олам.

Боқмас,
Гўё шу юмалоқ лой —
Кенг оламини қилган мужассам.

У ўзидан тамом беҳабар,
Майин шамол эсарди секин,
Бошида шу савол айланар:
«Бугун яна кечикди Эркин!..»

Утди унинг келиш вақтидан,
Икки соат, ҳатто уч соат.
«Яна санқиб кетди, афтидан!..»
Борган сари бўлар бетоқат.

«Мажлис борми институтда?
Йўқ, бепарво юриш-туриши!..»

Уқ теккан бир қушдай шу пайтда
Кўкдан ерга бир нарса тушди.

Чўчиб бирдан кўз очди она:
Ерда ётар қуш палапони,
«Чий-чий»ларди у қўрқибгина,
Муздай ерга қўйиб бир ёнин.

Қайдан етиб келди «Олапар»
Думин силкир унинг олдида.
«Кет!» деб она югурди жадал,
Палапонни ердан олди-да,

Ҳовучига солиб термилди...
Тез-тез нафас оларди мургак.
Илиқ кафтда кўзлар юмилди,
Дук-дук урар мунчоқдай юрак.

Она кулиб аста силарди,
Қалбдан тўкиб меҳри, ҳиссини:
«Қўрқма, ширин, қўрқма, деярди,
«Олапар»га бермайман сени!»

«Айт-чи, ширин, қаёқдан келдинг?
Нима қилиб юрибсан бунда?
Боғлардами, қаёқда эдинг?
Кутмайдими онанг уйингда?»

«Ё билдирмай, ундан сўрамай,
Кенг боғларга учай, дедингми?
Катталардай яйрай, кайф сурай,
Гулни тезроқ қучай, дедингми?»

«Уйда онанг топмаса шу он,
Бечоранинг не кечар ҳоли?
Онасини қийнаган ёмон!
Сенда — унинг кўнгли, хаёли».

«Ундай қилма, ташла бу ишни,
Онанг сени интизор кутар.
Қандай юриш, қандай учишни
Вақти билан сенга ўргатар...»

.

Қушнинг иссиқ палапонини
Қўйди чиқиб аста инига.
Сўнгра ювди қўлин лойини
Ва сув қўйди эккан гулига.

Шу чоқ бирдан эшик очилди.
Кириб келди у кенжатоғи,
Онасининг севинчи келди,
Папкасида тўла китоби.

Она тўймай боқар ўғлига,
Лабларида майин табассум.
Ёқимтсў ҳис тўлар кўнглига,
Бола каби яйрайди маъсум.

Жамолига қараб тўймайди:
Қоп-қорадир кўзи ва қоши.
Меҳри қалбдан тошиб ўйлайди:
Иўқ дунёда бунинг ўхшаши.

Овқат қўйди.
Ейишар бирга.
Қандай яхши она таоми?
Иссиққина ва ширингина,
Ичган сари яйрайди жони.

— Ойи, акам келмадими?
— Йўқ.
У жонимни ўртади бутун.
Билолмайман, қорни очми, тўқ,
Қаёқларда юрар узун кун?—

Афсус қилар сўраганига,
Бошқа савол бермас кенжаси:
«Туз сепгандай яра устига,
Бу саволи унинг нимаси?»

Хонасига кириб кетади,
Дарс тайёрлар — ишлари тигиз,
Она яна узоқ кутади...
Осмон тўлиб чарақлар юлдуз.

II

Она қалбин битди ороми,
Хаёли ҳам топмади қарор.
Тун қолади дераза ромин...
Тугаганди тоқат ва мадор.

Уғли келди,
Кирди айвонга.
Бир чеккага отди папкасин.
Гурс ташлади ўзин диванга.
Бошлади у яна «нағмасин»

Бир кекирди, тупурди полга,
Боқди кайфли кўзларин сузиб.
Ва қарамай она ҳолига,
Эркаланди ёшлиги қўзиб...

Музлаб кетди она бадани,
Юзи бирдан оппоқ оқарди.
Тош қотгандай ҳисси ва тани,
Бир нуқтага совуқ боқарди.

Бир ёт оғриқ кирар жонига,
Чидаёлмас. Унгми ёки туш?
Тинч ва маъмур хонадонига
Кириб келар бегона ташвиш...

* * *

Кечирасиз, ўқувчим! Бирдан
Бошлаб қўйдим дostonимни сал,
Фазилатхон, Фозилжон билан
Керак экан танишмоқ аввал.

III

Композитор бизнинг Фозилжон
Ҳақиқатан, хассос санъаткор.
У соз чалиб тебранса чунсон,
Юракларда қолмайди губор.

Кўнглидаги энг ширин ўйлар —
Пардаларнинг нафис садоси
Ва ёқимли оҳанглар, куйлар —
Ҳаётининг завқи, маъноси.

Дунёдаги барча афзаллик —
Акс этгандай ёруғ кўзгуда
Меҳнат, роҳат — барча гўзаллик —
Кўринади шу қўшиқ, куйда...

Жондан ортиқ севар, унингча:
Ҳеч нарса йўқ — унга яраша.
Гўё инсон умри бўйича
Шунга мафтун — шу куй деб яшар.

Ўрта бўйли, буғдой ранг, қувноқ,
Истараси иссиқ, мулойим.
Қайнаб турар завқ билан доим,
Шундан баъзан кўринар шўхроқ.

Ярашади шўх қулишлари,
Гаплари ҳам самимий, содда.
Унинг оппоқ, маҳкам тишлари —
Гапирганда ва кулган онда.

Садаф каби тортар кўзларни
Соғлом танли нозик табиат.
Учратди у қанча қизларни,
Фазилатхон ёққанди фақат...

Фазилатхон — бир муаллимнинг
Севимли ва энг кичик қизи.
У ажойиб қиз эди. Унинг —
Ёруғ туққан эди юлдузи.

Ақл, одоб, боғида яшнаб
Япроқ ёзди, ўсди бу раъно.
Отанинг пок уйида бошлаб
Камол топди унда ҳис, маъно.

Қоп-қорадир камон қошлари,
Оппоққина бодом қовоқлар.
Мафтун этар тек қарашлари,
Қора кўзлар — ёнар чироқлар.

Гўзаллик —
У — қош, кўзданми-а?
Бу эҳсондан кўп қиз баҳраманд.
О, ундаги оташ жозоба
Ўзига хос, йўқ, унга монанд.

Бу жозоба унда мужассам;
Нигоҳида йилт этиб ёнар,
Ёноғида нурдай товланар;
Ҳаёсида ярқираган дам.

О, умидинг ёришган тонгдай,
Юрагингга тўлар ёруғ нур.
Овози-чи, майин оҳангдай,
Жон-жонингга бағишлар ҳузур.

Марҳум она қилди парвариш!
Уй қарашу, гул экишгача,
Салом бериш, қандай сўзлашиш,
Китоб ўқиш, иш тикишгача.

Аммо ёшдан бўлди кўнгилчан,
Ҳар нарсага куйиб ёнувчи;

Ноҳақ койиш эшитса пича,
Кўздан бехос оқарди томчи.

Шу қиз бўлди Фозилжоннинг ҳам
Танлагани — севиб қолгани.
Шу гул бўлди, бир гўзал кўклам
Шу гулзордан хоҳлаб олгани.

Йўқ, у, гулдай ва беихтиёр
Даста бўлиб кирмади қўлга.
Ўз дидига топди лойиқ ёр,
Ўзи севди, ёқди кўнгилга.

Ширин ўтди келин йиллари,
Ўз бахтидан мамнун минг ҳисса:
Ҳаётингда армон бўларми —
Бир-бирингни жондан севишсанг!..

Бир йил ўтгач, чертди қалбини
Катта шодлик — оналик ҳисси;
Яна равшан қилди таъбини,
Яна гул-гул очилди ҳусни.

Бу оналик ҳиссин туйганда,
Унутди у ҳусни — камолин;
Бу бурч нури дилга қуйганда,
Оналикда — кўрди иқболин!..

IV

Қор ёғмоқда...
Бу ёруғ уйда
Жом атрофин олишган қуршаб:
Шиша каби тип-тиниқ сувда
Чақалоқни чўмилтиришар.

Гўдак йиғлаб — ким қутқазаркан?
Сув қуйганда энтикар бирам.
Жажжигина панжаси билан
Жом четига ёпишар маҳкам.

Қараб турар Фозилжон шодон,
Хотинида кўзи, ўйлари:

«... Узингмисан, о, Фазилатхон,
Қовушибди бунча қўлларинг!..

Сутга чайган оқ билакларинг
Гўдагингга жон фидо айлар,
Ушалгандай соф тилакларинг
Бунча аяр, бунча авайлар?

Яқинда ёш келинчак эдинг,
Ўйнар эдинг беташвиш, беғам...
«Эплолмассан, келмас уқувинг —
Бола кўрсанг!— дер эдим,— эркам!

Йўқ, билмабман сени, жонажон,
Топдим мен-да янги фазилат:
Ёр бўлиши мумкин ҳар жувон,
Она бўлиш — яна катта бахт!»

... Қараб турар кулиб Фозилжон,
Дам авайлаб қуяр илиқ сув.
Яп-яланғоч мурғаккина жон —
Чиндан унинг боласими бу?..

Кўпин кўрган ёш болаларнинг,
Конфет берган, қўлин ушлаган.
Аммо бу-чи, энг сараларнинг
Сараси!— Йўқ бунга ўхшаган!

Эслар, бундан бир ҳафта аввал
«Тез ёрдам»да кетганди она.
У тонг билан югурди жадал,
Очилмаган туғруқхона...

У ён-бу ён юрарди тез-тез,
Кўлда пакет, бир ўрам нарса.
«Кўз ёрдими? Уғилмикан, қиз?
Ўзи соғми — шуни тез билса...»

Қабулхона гавжум, паришон,
Ҳаммада бир орзу, тилаклар.
Ҳамма кўзда бир хил ҳаяжон,
Гўё бир хил тепар юраклар.

Бу кўк эшик қачон очилар?
Шу томонда ҳамманинг кўзи.
Эрта тонгда дастлаб ким чиқар,
Нима бўлар биринчи сўзи?

Оқ фартукли семиз ҳамшира
Чиқиб келар, қичқирар фақат:
«Қиз туғди, қиз!»—

Бир йигит шоша,
Унга берар тугунча ва хат.

Чиқиб қолди Мукаррамахон,
Ҳамшира қиз — қўшни келини.
Кулар эди жуда ҳазилвон,
«Аввал чўзинг севинчисини!»

.

Ўғил экан! Қувониб кетди,
Суюнчисин берди уялиб.
Гўё катта муродга етди,
«Раҳмат!» деди қиз қўлин олиб.

Ота бўлди, унинг ўғли бор,
Улғайгандай шу топда бирдан,
Ғижирлайди товонида қор,
Қалби тепар севинч, ғурурдан.

.

Мана ўғли ётар тўшақда,
Чўмилди у. Кўзи йилтирар,
Оппоққина момиқ йўргакда
Она кўксин излаб интилар.

Ота бўлиш — ҳаётда зўр бахт,
Уни бирдан тўлиб кетгандай.
Сезар ўзин масъул ва хушвақт,
Камолотга бирдан етгандай.

Ўғли ётар, баҳори буғдой —
Кулчасидай юзлари лўппи.
Балқиб ётган ёрин момуғдай
Ёноғидан бир севиб ўпти.

Гуллар порлар, чаманлар кўркам,
 Беғуборди осмон, уфқлар.
 Чумак урган чиллакилар ҳам,
 Шод чириллар бола чумчуқлар.

Ёш болалар сувда, қирғоқда,
 Гаштин сураб иссиқ ёз ойин,
 Капалаклар яйрашиб боғда,
 Эмиб юрар гулларнинг болин.

Уйлар хушбўй, ойнакларидан
 Мўралайди гуллар, чечаклар.
 Фавилатхон «Кел!» дер наридан,
 Эркинжони борар эмаклаб.

Упиб, титраб бағрига босар,
 «Еб қўяйми!» дейди суйгандан.
 Бола гулдай кафтида ўсар,
 Ажрамайди бир нафас ундан...

Эрта тонгда қуёшнинг нури
 Уфқларга берганидай ҳал:
 Пок юракда оналик меҳри
 Туғиларкан боладан аввал.

Қалб тагида униб ва яна
 Тепиб-тепиб шу қалбни кун-тун,
 Сўнгра уни олмадек ўйнаб,
 Бир умрга қиларкан мафтун.

Она меҳри нима? Боладир,
 Шодликлардан ортиқ шодлиги.
 Бола деса, қалби ёнади,
 Бола фақат унинг борлиги.

Кулдиради, ўзи кулади,
 Юрагида завқ тўлиб тошар,
 Табиатан бола бўлади,
 Фақат, фақат шуни деб яшар.

Уғли бехос йўталса, бағри —
 Эзилади ва кайфи учар:

Градусник бўлиб лаблари
Упа туриб иссигин ўлчар.

Анқир эмиш боладан хушбўй,
Ҳидлагани ҳидлаган гулдай.
Завқи қайнаб, узоқ тун шу кўй
Ухламайди қараб бутунлай.

Яп-яланғоч ўтқазиб қўйиб,
Қатта қилиб олдирди расмин.
Олтин рамга солди у суйиб,
Уйга кирди бошқача ҳусн.

Она бағри — юмшоқ пар тўшак,
Билаклари — ёстиқ бошига.
Шу иккиси бўлмаса, бешак,
Келмас роҳат бола қошига.

Она чидар. Тун узоқ. Толар.
Бир ёнбошда ётиб турса ҳам.
Билаклари уюшиб қолиб,
Баъзан қалби дук-дук урса ҳам,

Қимирламас. Қаттиқ йўталмас
Қийналса ҳам ўзининг жони;
Бирпасгина мизғиб олса бас,
Бузилмасин бола ороми...

Уғли пиш-пиш ухлаб кетган чоқ,
Ширин ўйлар суради яна:
Орзулари ёруғ бир чироқ,
Она қалби унга парвона.

...Катта бўлса, ширинтой бўлса,
Кийинтирсам, ясатиб қўйсам.
Қобил бўлса, мўминтой бўлса,
Ақли бўлса, бўй-басти кўркам.

Бўлса — чаққон, ишчан ва зийрак,
Ҳар бир ишга келса чамаси.
Уғлинг борми, ҳа, бор, дегундек,
Кўрганларнинг келса ҳаваси.

Эрта тонгда қуёшнинг нури
Уфқларга берганидай ҳал:
Пок юракда оналик меҳри
Туғиларкан боладан аввал:

Қалб тагида униб аввало,
Тепиб-тепиб шу қалбни кун-тун,
Сўнг олмадек ўйнаркан бола,
Отиб қуйи, қилиб ҳавола...
О, қиларкан бир умр мафтун.

VI

Аста куйлаб рояль чалади,
Завқи тошиб уйда Фозилжон.
Қатор садаф тугмачаларни
Бармоқлари босади чаққон.

Енида жим қараб қолади
Кенжатоғи тийрак Алишер.
Нарироқда расм солади
Тўнғич ўғли Эркинжон ҳозир.

Рояль чалар у завқи қўзиб,
Юрак куйин созига қўшган.
Қалин сочи бошида тўзғиб,
Қулоқлари устига тушган.

Кўзларини юмади андай,
Тебранади у борган сари:
Гўё хушбўй гул ҳидлагандай,
Қимирлайди қоши, лаблари.

Пироварди бармоғи илдам
«Ганг... нг...» эткизиб қўяди нуқта.
Бошин ушлаб ўйланиб бир дам,
Яна бошдан чалади қайта.

Бу куйни у шу тонг тугатди,
Қайта чалар, қилар жарангдор.
Шу чоқ — унинг ғоят шод пайти,
Завқдан қайнар шунда санъаткор.

Истар, бу куй берсин акс-садо
Эшитувчи жонида янграб,
Қулогидан кетмасин асло,
Юрагида турсин жаранглаб.

«Баҳор» дея атади куйни,
Баҳор каби енгил жаранглар.
Бир хушнудлик тўлдирад уйни
Юксалганда нозик оҳанглар:

Бир жарангдан кўзинг ўнгига
Келиб турар беғубор осмон.
Бир тиниқлик кирар кўнглига,
Бир енгиллик сезади инсон.

Бир жарангдан ранг-баранг гулшан —
Гулларини силкир шаббода.
«Чаҳ-чаҳ»лайди булбуллар хурсанд,
Қўшиқ, шодлик кезар дунёда...

Бир жарангдан раққоса қизлар
Кўз олдингга келиб жонланар.
Узун сочлар, анордай юзлар...
Атласлари ҳилпираб ёнар.

Бир жарангдан киши дилига
Ғайрат тўлар, жасорат тўлар,
Қувват берар асаб, белига
Ва меҳнатга, мақсадга йўллар.

Бу жаранглар сиғмас шеър, гапга
Сўздан чиқмас унинг ташбиҳи:
Қўшиқ бўлиб жойлашар қалбга
Гўзал юртинг — халқингнинг ишқи...

Бармоқлари югурар илдам,
«Ғанг...нг...» эткизиб қўяди нуқта.
Хаёл суриб туради бир дам,
Бошдан куйин чалади қайта.

Завқдан қушдай енгил қўзғалар,
Гўё қалби боғлаган қанот.
Алишерни опичиб олар,
Чопар кишнаб, ўйнайди от-от...

VII

Бир йил бўлди Фазилатхон ҳам
Ишлар «Горький» фабрикасида.
Ишчи бўлди! Ахир, кимдан кам?
Зўр бурч сезар ўз елкасида...

Икки йилки, эри — Фозилжон
Узоқдадир — фронтда, жангда.
Хаёлига келтирган замон,
Кўринар у шинелда, чангда...

Бир йил турди Фозилжон кетгач,
Уйда — ўзи, икки боласи.
Деди: юртга зўр ташвиш етгач,
Нега тегмас унинг фойдаси?

Ҳунари бор — яхши чевар-ку,
Баъзилардай қолмади гангиб.
Девордаги рамга бош эгиб:
«Раҳмат, ойи!»— деди аста у.

Ишонч билан борди фабрика,
Ишга кирди — қўл келди ҳунар.
Шундан бери тиккани-тиккан,
Ишга ўдоғ, камсухан, лобар.

Бир суратдай қолди эсида,
Эри билан хайрлашган кун:
Алишерни олиб иссиқда —
Вокзалгача чопди шу йўсин.

Хайрлашди...
Тутди ўзини,
Аммо алам ичини ерди.
«Ёшим ювган сўлгин юзимни —
Қалбда олиб кетмасин», дерди.

Талпинарди ўғли Алишер
Отасига отиб ўзини.
Бир аламини сезган шекилли,
Упар унинг ғамгин кўзини.

— Хайр,— деди Фозилжон,— соғ бўл!
Ҳаммада бор бу ғам, бўшашма!

— Мендан тинч бўл...

— Жонгинам?..

— Оқ йўл...

Эҳтиёт бўл ўзингга, шошма...

— Болаларга қара, Фазилат...

— Кутдирма кўп, ёзгин тез-тез хат!—

Поезд жилди. Ҳамма вагонга
Боқар «қий-чув» ва йиги, фарёд,
Соя ташлаб турди перронга.
Поезд ғойиб бўлгунча кушод.

Сўнг кўзидан сел оқди дарҳол,
Қалт-қалт титрар, бемажол, касал.
Ёнида у кўрди — бир аёл —
Йўлга боқар гўёки ҳайкал.

.

Ушанга ҳам бўлди икки йил,
Йигирма йил ўтгандай — узоқ;
Кунлар узун,
соат мила-мила —
Имилларкан шошмай муттасил,
Сезмасканмиз тинч бўлсак бироқ!
Цех...
Ишчилар кўпи — хотин, қиз,
Гоҳо бирдан чиқарар шовқин.
Ҳеч тиним йўқ, иш жуда тигиз
Сменага қолганди яқин.

Шу пайт бирдан унга яқинроқ
Келди Лидия Петровна — мастер.
Кузатди-да ишин, секинроқ
Деди:
— Синглим, ишингни бас қил!

Бориб дам ол,— қилди у хитоб,—
Керак бўлдинг тунги сменага;
Уч кун бўлди Фароғат бетоб,
Қолди унинг иши ҳам сенга.

Бу ишларга кўниккан ҳамма;
Сарфлаганди бутун бор кучин.
Бир оз малол келса ҳам, аммо,
«Йўқ» демади иш — бахти, бурчи.

Фақат деди:
— Болаларимни —
Кўриб келай, тинчитиб келай!—
Майли, опа, очар баҳримни —
Фақат меҳнат — тун бўйи ишлай.

* * *

... Она ёлғиз, уйин супуриб,
Аста-аста қилар хиргойи.
Хаёлларни нарироқ суриб,
Ташвишларни унутар гоҳи.

Кичик стол: ювилган, доғ йўқ,
Вишиллайди электр чойнак.
Тўрт-беш ёнғоқ; (шакар йўқ, ёғ йўқ).
Илингани шу икки гўдак.

Шу пайт келар ширин Алишер
Мактабидан: «Салом, ойижон!»
«Айнанайин, ақллим, шерим»—
Она бўлар унга гиргиттон.

Шошиб кирди мана Эркин ҳам,
Тугмалар йўқ, энгил-бош тупроқ.
Минг хархаша у билан ҳамдам —
Бирга кирар — уйга кирган чоқ.

Ташланади аввал укага.
У бечора қўрқади зир-зир.
— Мен танлаган ёнғоқни нега —
Олиб қўйдинг, қўйиб қўй, ҳозир!

— Мана ёнғоқ, ол, қанча олсанг,
Ойи, қаранг, Эркинингизга?
— Ўлдираман агар бермасанг!—
Бир шапалоқ урар юзига.

Эрка ўсди тўнғич — доимо
Гўдакликда нима истаса,
Нима керак, нимайки деса,
Ойижони қилди муҳайё...

Алишери шўх эмас ортиқ,
У хархаша қилмайди мудом.
Бўлмади у ортиқча тантиқ,
Эшитмайди ортиқча дашном.

Иккиси ҳам онага бирдек,
Дудаманинг икки ён тиги!
Унта бўлса — ўрни ҳам бўлак,
Қирқта бўлса — бўлак қилиғи!

* * *

... Икки бола қувишар боғда,
Эркин қўли тўла сарғиш лой.
Алишерга етолмай доғда.
У қочару қичқирар «Ойи!»

— Нима дейсан унга, ҳой, қўй, бас! —

Қичқиради она айвондан
— Ҳайкалини соламан бирпас —
Ўтирсин, айт.

У қочар ёндан.

Шўхликларин она кечирар.
Ғами қочар улар келган дам.
Қалб тугуни гўё ечилар.
«Уф-ф-ф» деб ерга ўтирганда ҳам.

Эркин бўлар зўр ҳайкалтарош!
Кеча қилган «Солдат ҳайкали»
Найзабозлик жанги маҳали...
Кўзларида ғазаб ва оташ...

Қўшни қизлар бўлар натуршчик¹ —
Ноилождан — у ёлворган чоқ.
Аммо улар туришолмас тек,
Зерикишар — чидолмас узоқ.

¹ Н а т у р ш ч и к — ҳайкални солиш учун ҳайкалтарошнинг олдида ўтирувчи киши.

Боғ айланиб қувишар, ана,
Эркин тутар, йиқитиб муштлар.
— Қўй уни, кел,— чақирар она,—
Мана менинг бюстим ишла!

У суратга тушгандай жим — лол
Ўтиради ўғлига қараб.
Бир челақда гипс ёки лой,
Ўғли эса ишлайди яйраб.

Тарашловчи пичоқ қўлида,
Қуш қараши қилади тез-тез,
Хурсандлиги тошиб дилдан
Онасига айтар илиқ сўз.

Ана шундай нозик пайтида
Она ўғлин юрагин титар:
— Бу ишингдан менга не фойда?—
У онасин алдаб юпатар:

— Катта бўлсам, ҳайкаллар ясаб,
Обераман туфли, кўйлақлар.
Уйлариингга шойи, беқасам —
Юмшоққина кўрпа, тўшаклар.

— О, унгача мен яшармидим?
Она синар ўз эркасини.
— Ундай дема, қўй, жоним ойим,
Мен ўлгани қўймайман сени!...

— Ундай бўлса яхши бола бўл!
Уруш битди. Отанг ҳам қайтар.
«Боланг ёмон бўлса, дейди эл,
Тинканг қуриб, дармонинг кетар!»—

Она порлоқ бир умид туяр,
Меҳри тошар сахий қуёшдек;
Чарчаб келар, ўғлин тўйдирар,
Яна унга бўлар натуршчик...

Бола — унинг шодлиги, кучи,
Шулар — унинг ёруғ матлаби:
Ҳаёт сари йўлламоқ учун
Кўприк бўлса рози шу қалби!

VIII

Утиб кетди йилларнинг кўпи...
Еруғ залда Фозилжон юрар,
Тўхтаб қолар бир ерда — ўйлар...
Қўлларида узун хат чўпи.

Омон қайтган оқсар у пича,
Юзларида ўзгариш озроқ.
Аммо боқар жиддий, фикрчан,
Чакка сочга оралаган оқ.

Тўлишган оз-моз. Қуйилган,
Анчагина босилган дами:
Бу ҳол ёки ижод, ўй билан
Доимо банд бўлганигами?
Тинч меҳнатга кўникди дарров,
Юрагида ўти бор, ахир!
Шопен куйин поймол этган ёв,
Глинкани қилганда таҳқир.

Эўр санъаткор Гёте бюстин
У падаркуш қилганда вайрон,
Чайковский, Пушкиндай устун,—
Доноларга қилганда бўҳтон,
Улуғбекни, Тагор, Ли Бони
«Ирқи паст!» деб бақирган йиллар,
Шу ўт — янчай дея, вабони —
Ғазаб бўлиб ёнди ловуллаб...

Ҳужумларга кирди неча бор,
Яраланди... у қилди бардош.
Узди ўқлар ҳамда чертди тор,
Сози бўлди жангга оҳангдош.

Қанча куйлар яратди сўлим,
Шўх ялалар ва кантаталар.
Тинч меҳнатни қилиб тараннум,
Юрт кўкида эрта, кеч янграр.

— Йўқ, булар оз, дейди, ҳамиша,
Куй севади — меҳнатсевар халқ!
Меҳнатини роҳатга қўша
Қўшиқ, куйдан олар шавқу завқ...

Куй меҳнатда инсоннинг ёри,
Терни елиб ўтган шамолдай,
Хоргин юздан қувсин губорин,
Куй етказсин қалбин камолга!

Ана шундай фикри...

У истар:

Ана шундай яралсин куйлар.
Қалби шундай куйларга мустар,
Роҳат унга — бу азоб, ўйлар.

Хаёлида: саҳна, опера...
Най сасини илғайди қалби.
Жўр бўлади дуторга арфа
Ва рубобнинг майин оҳанги.

Шу пайт бирдан тош теккан шиша —
Каби чил-чил бўлар хаёли.
Эсга ўғлин ташвиши тушар,
Иши қолар!.. Кетар мажоли.

«Мен бастакор!..
Йўқ-йўқ, ким бўлмай,
Ахир яна отаман, ота!
Болам тўғри йўлга йўлламай,
Қарамасам — бу нуқсон катта...

Ношуд бола қиларкан мулзам,
Ороминг ҳам кетаркан талай;
Баъзан битта кичик қалбни ҳам
Олар экан сендан бутунлай...»

IX

Тамом! Келинг, азиз ўқувчим,
Гапни кесдим — бўлсин деб созроқ —
Эркинжоннинг бахтин ўйловчи
Қалблар билан танишдик озроқ.

... Она ҳоли кўп аянч, лекин:
Ана шундай бир куни яна,
Қоронгуда зўрга туртина,
Кириб келди маст-аласт Эркин...

Музлаб кетди она бадани,
Юзи бирдан оппоқ оқарди.
Тош қотгандай ҳисси ва тани,
Бир нуқтага совуқ боқарди.

Шу чоқ қалби берарди садо:
«Кутганингу умидинг шуми?
Сени бутун қилар у адо..
Орқайиним, дедингми, шуни?»

Бир ёт оғриқ кирар жонига,
Чидаёлмас. Унгми ёки туш:
Тинч ва маъмур хонадонига
Кирган каби бегона ташвиш.

«Йиллаб орзунг нимайди, она?
Тилаганинг терс ўгирилиб,
Юрагинга отган ўқ бўлиб,
Жонли ғамдай турибди мана».

Сезди ўзин мушкул ғуссада,
Бир дард бағрин чуқур ўйгандай.
Дунёда энг севган нарсадан
Биров маҳрум қилиб қўйгандай.

— Қўй, ойижон, хафа бўлмагин,—
Онасининг елкасин қоқар.
Она назар ташлайди ғамгин
Ва умидсиз кўз билан боқар.
Жони ачир:
— Овқат ейсанми?
— Йўқ емайман, керакмас овқат.
— Нима дейди, кўрганлар сени?
Келтирасан бизларга уят..
— Нима уят, ичиш уятми?
Биров билан ёқалашмасам,
Чўнтагига қўлим солмасам,
Тўғри юрсам — сенга иснодми?
— Ёмонликнинг боши — ичкилик;
Биров билан ёқалашмоқ ҳам,
Бузилмоқ ҳам, ҳаддан ошмоқ ҳам,
Ҳар жиноят — каттами-кичик!
— Тўғри!..

Демак, ўгит қиласан?
— Ешлигингни нобуд қиласан!
— Бўлди, қўй-чи!
— Нега қўяман?
— Хўп деяпман, тавба деяпман...
— Субут борми, гапингда сира?
Хароб бўлар бу йўлда киши,
Емон кунинг кўргандан кўра,
Болажоним, ўлганим яхши...

... ..
— Қайда эдинг?
— Вечерда эдим.
— Қандай вечер?
— Вечер-да, танца...
— Танца — майли!
Ичишганинг ким?
Бўлмайдими ичмай ўйнаса?
— Уртоқларим...

— Қандай ўртоқлар?
Фикри зикри ўйин, ичкилик?
Ажралмасанг улардан агар
Оқибати бўлади хунук...
— Уртоқларим яхши жудаям,
Ўз лабзига тикади жонни,
— Ҳали ёшсан, соддасан, болам,
Ажратмайсан яхши-ёмонни.
Отанг кўрса бу аҳволингни,
Нима дейди, болам, ўйлаб кўр.
Кўп яширдим сир-асрорингни!
Битди менда ҳаловат, ҳузур —
«Ҳимм.. м... м» — деди-ю аста чўзилди,
Ечмади у костюмини ҳам;
— Тур, жойингга кириб ёт энди,
Ҳаво тунда бўлар бунда нам!..

Х

Чарчаб чиқди уйдан Фозилжон,
Қулоғида чолғулар саси.
Кун нурида яйрар боғ, майдон...
Мана, ўғли устахонаси.

Ҳамма ёғи ойнакор, ёруғ,
Пастда оқар пишқириб анҳор.
Қизил гулнинг гунчалари чўғ
Каби порлар — ўнг томон гулзор.

Кирган замон у ҳайрон қолди!
Ашёларнинг усти доғ ва чанг.
Афсус билан хаёлга толди,
Бирпас турди бўлиб ҳангу-манг...

Чала ётар ҳайкал ва бюстлар,
Пичоқ, гипс ётади чангиб.
Даванг юзлар, беўхшов кўзлар
Боқар эди унга қийшайиб.

Деворда бир кичик лавҳага
Қараб қолди Фозилжон узоқ:
«Эркин ўзи чизганмикан-а?
Дуруст бунда деталь ва бўёқ.

...Қирғоқ. Бахмал каби майсалар...
Ялпизлардан бурқсийди хушбўй
Ва кўм-кўк тол кўкка чўзган бўй,
Шамол аста барглари силар...

Мавжлар узра қуёшнинг нури,
Ялтирайди — қамашар кўзлар.
Чўққиларда оқ булут кезар...
Она юртнинг сўлим бир ери.

... Ана ҳайкал, бу — «Пахтакор қиз»,
Қараб қолди ота ҳайратда:
Меҳнат, офтоб чиниқтирган юз,
Сийнасида бир қучоқ пахта.—

Бу ҳайкалга ва у лавҳага
Қайта-қайта қаради узоқ:
— Эркин ўзи ишладимикин-а?
Дуруст бунда деталь ва бўёқ.—

Аммо бунда топмади фақат:
Шу ҳунарга қизгин иштиёқ.
Ўз кучига ишонч, қунт, меҳнат,
Буларсиз йўқ санъатда равнақ!

XI

Фазилатхон кириб қолди-ку,
Эркин кўрди диққат ва ўйчан.
Билмагандай назар солди-ю,
Деди унга бепарво:

— Бунча?..

— Ҳой, боланинг райига бормоқ —
Оқибати яхши бўлмайди.

Керак қаттиқ тиймоқ, койимоқ,
Қаранг, ахир, булар нимади?

— Нима қилдим? Ахир ўз болам,
Сутим, меҳрим сингган, севаман?

— Менда меҳр йўқми, жонгинам?

— Йўқ!

Тузалмас қуруқ дўқ билан!

— Ким севмайди ўз боласини —

Табиатда — қандай махлуқот?

Ахир, қўнғиз ўз қаросини

«Оппогим» дер!

Биз-ку, одамзод...

Она меҳри — боқмоқ, кийгизмоқ,

Қуруқ севмоқ эмас — булар кам;

Ҳаёт тупроғида айни чоқ

Кўкартирсин уни чинакам.

Кўпин кўрдим эркатоёларни —

Югурик ҳаёт аравасида;

Келолмади бирга талайи,

Ортда тушиб қолдилар аста.

— Сиз доим банд...

Битди бардошим.

Болам, уйим бор демайсиз ҳеч.

Қай бирига етар бир бошим,

Очиқ айтсам, бу гап энди кеч...

— Бун кўринг, қандай чиройли

Чизган унинг кичик лавҳаси

Мана, қаранг, бу қиз ҳайкали...

Одам бўлсин дейман, онаси!

Бу ҳам меҳнат. Кўп оғир меҳнат!

Оғир меҳнат келтирар камол.

Фақат шунга кўниксин шу вақт,

Йўқса унга бўламиз завол.

Бир синфда икки йил қолди,

Яна бир йил ўтди беҳуда.
Тўғри, энди бўй етиб қолди,
Бир ўқиш-ку, қилсин-да уdda.
Кеча бордим институтга,
Яхши кўрган ўқитувчиси
Айтиб қолди юзимга тикка.
Нималарни ўйлар у ўзи?
«Истеъдодли!»— дейишар бари,
Сиз ва мендек куйишар худди:
Аммо билим, севган ҳунарин —
Ургатишга йўқ эмиш қунти...

— Майли, келсин, гапиришинг, кўринг,
Лекин қаттиқ тегманг кўнглига!..
Унда қолмас кўнглим ҳузурин,
Алдаб-сулдаб солайлик йўлга.
— Йўқ, алдашлар, эркалатишлар
Вақти ўтган. Кескин гап лозим!
— Йўқ, керакмас, йўқ, ўчакишар...
Барин айтиб қўяман ўзим.
— Мен айтсам-чи?

— Қаттиқ тегасиз...

Безиб уйдан кетиб қолади!..
Ота бирдан қуриб тинкаси,
Анграйганча уйга толади...
Ношуд бола қилади мулзам,
Қолмас сенда ҳаловат, ором.
Баъзан битта кичик қалбни ҳам
Тортиб олар сендан батамом.

XII

Алишер дарсини тайёрлаб бўлиб,
Оёқ учи билан кирди ётоққа.
Чироқни ёқмади. Аста тортиниб,
Каравотга ётди, чўзилди чалқа.

«Ойим тинч ухласин, ётсин бемалол»—
Эҳтиёт қимирлар каравотида.
Дарахтлар учида гувиллар шамол,
Баҳор келишидан дарак бермоқда.

Имтиҳон топширар. Ётишмас вақти,
«Ҳаш-паш» дегунча кеч кириб қолар.
Бу йил имтиҳонлар жуда ҳам қаттиқ,
У институтни бу йил тамомлар.

Бу кеча Канашнинг «Уруғлик чигит»—
Деган китобини яна ўқиди.
Бу китобдан ҳар боб, ҳар ёзилган бет,
Ҳар сатридан меҳнат сирини ўқди.

Бултур тажрибага борган пайтларда
«Норпой» совхозида кўрганди ўзи:
Кекса миришкорлар айтган гапларга
Жуда монанд эди бу олим сўзи.

Бу ҳам шу соҳага бел боғлаб кирар,
Мақсад, фикр-зикри, интилгани шу.
Коллегиясида ҳар нав чигитлар,
Пахтазорда ўтар ҳаттоки туши...

Ётар кўзин юмиб Фазилатхон ҳам
Она бечорада уйқу қаёқда.
Кўзин чарққа очар: кўчада қадам,
Ё уйда бир нарса тиқ этган чоқда.

Қалби икки ўтнинг оралиғида:
Эрининг сўзига қулоқ солсинми?
Усиб балогатга етган чоғида,
У жигар-бағридан ажраб қолсинми?

Болам ҳали ёшдир. Нима кўрибди?
Она шўри экан бундай болалар...
Йўқ, ёшлик қонининг қайнаган пайти,
Бир-икки йилдан сўнг қуйилиб қолар...

.

Отанинг дўқига очдирмайман лаб,
Шундай уришганда бир-икки марта!
Бола бечоранинг авзои айнад,
«Кетиб қоламан»га тушганди ҳатто...»
«Уф» деб ағдарилди, турди ўрнидан.

Ойнакдан кўчага узоқ қаради:
— Ёт, ойижон, ухла, хавфланма ундан,
Трамвай ётган йўқ, келиб қолади.—

Алишер беради онага таскин,
Келмас эди шу чоқ асло ўзига:
Турса, қайдан бўлса, топса акасин
Бир шапалоқ урса унинг юзига.

Унинг бебошлигин кўриб ўсди бу,
Бола учун чеккан она азобин.
Шунданми, ёшлиқдан маҳрам бўлди-ю,
Бирга чекар она ғам, изтиробин...

— Ётаман, айланай, сен ухлай бергин,—
Деди астагина касалга ўхшаб.
Эртага дарсинг бор, дамингни олгин,—
Каравот четига ётар ёнбошлаб.

Ваҳимали хаёллар қамрар онани:
«Машина босдимми... Биров қасдига...»
Бирдан чўчиб кетар, музлар бадани,
Сесканиб туф-туфлар аста кўксига.

XIII

Дам қаҳқаҳа, дам ашула, куй...
Тинмай янграр данғиллама зал.
Кўринар бу икки қават уй
Кўчадан ҳам серҳашам, гўзал.

Асл моллар ҳаддан зиёда...
Бугун яна улфат бунда жам;
Ана тўрда, кўк креслода
Ўлтирибди қаҳрамоним ҳам.

Таниб қўйинг уй эгасини:
Бакенбардли йигитча — Саттор.
Соч қоплаган пешанасини,
Шошиб сўзлар,
боқиши айёр.

Бу бир пулдор одам ёлғизи,
Ресторанга бошлиқ отаси.
Канда эмас: ҳар куни базми,
Ҳар йил тўрт бор именинаси.

Уқир у ҳам институтда,
Тор, яшил шим ва кул ранг пиджак.
Кўк габардин макинтош кифтда,
Сирти ялтир — қуруқ стилияг.

Ботинкаси каучук тишли
Ва ранг-баранг костюм — ками йўқ,
Шағиллайди чўнтакда пули,
Хоҳлаганин қилар: гапдон, шўх.

Чарм папка бурчидан ушлаб,
Вестибюлга кирар пурвиқор.
У, камтарин ёшларга ўхшаб,
«Салом-алик» қилмас, унга ор.

...Кечирасиз, азиз ўқувчим,
Ўрни келди, ота-оналар.
Икки оғиз керак сўз айтай,
Йўқотмасдан ҳикоям учин:

— Қарамаймиз, баъзан боламиз —
Билан узоқ бўлар орамиз.
Важ қиламиз вақтни, ишни,
Бир кун тўсат ҳайрон қоламиз
Сезиб унда бегона ҳисни...

Бўлар ялқов, худбин, асабий,
Серхаражат ё ўйинқароқ,
Гоҳ ўйлаймиз: «Нима сабаби?»
Уни излаб топмаймиз бироқ.

Ана шунда кутмаган они
Ота кўрмас: йўқ кўз қароғи.
Баъзан эса, шўрли онани
Куйдиради фарзанднинг доғи...

Фарзандлар бор, (бари эмас тенг),
Хурсанд ота-она, эл-диёр.

Хушёр, қобил бу фарзандларнинг
Оталари қандай, бахтиёр!.

...Зал гумбури ҳаддан зиёда,
Бугун яна улфат бунда жам:
Юқорида, кўк креслода
Ўтирибди қаҳрамоним ҳам.

Нима бўпти. Оддий ўтириш
Дерсиз, ёшлар ўтказар хушвақт!
Ўқиш, ҳунар, келажак турмуш —
Тўғрисида қилишар суҳбат...
Йўқ, ундаймас!

Тун оққан, саҳар...
Қуйилмоқда турли-туман май.
Кўк ва қизил нозик қадаҳлар,
Жаранглайди тўлиб пайдар-пай.

Тебранади қўшалоқ бошлар,
Кеч оқшомдан этмоқда давом,
Бир жуфт, ёниқ бир қўшиқ бошлар,
Иккинчиси қилмоқда тамом.

Диалоглар ундан пойма-пой:
«— Мен Аҳмадни ёмон кўраман.
Шоир эмиш...»
«— Сен билмайсан...»
«— Бўлди, ҳой Нуртой...»
«— Сен жим тур-чи»
«— Бўлди, ғўдайган!»
«— Эй, кетайлик, эртага ахир...»
«— Бўлганича бўлар, қўявер!»
«— Ҳов, инженер бўлмоқчи Холиқ»
Мен ҳеч нарса бўлмайман...
Хохха!..

Таниб қўйинг уй эгасини,
Бакенбардли қора қош Соқи.
У куйлайди «Кўрдим бир қизни» —
Ашуласин, қошларин қоқиб.

Улфатларга кулиб сўз отар
Аскиялаб уни Мирвали.
Буни сезиб кибраи Саттор
Мирвалига боқар заҳарли.

Оталар бор, қалбдан фарзандин —
Севмас ёки севолмас, балки:
Ҳам билолмас ўзганинг дидин,
Аммо уни бузгани чакки...

Ана бизни содда Эркинжон,
Уриштириб ичар ва жўшар.
Саттор билан бир тану бир жон,
Ашулага овозин қўшар.

Унг ёғида дўндиққина қиз,
Бу — Дилбархон, худди бир пари.
Ҳозир фақат кўриб олингиз,
Танитарман келганда гали.

Ҳозир фақат чўғдай юзларин
Кўриб олинг — ёқут лабларин.
Сузилувчан сархуш кўзларин,
О, эшитинг қаҳ-қаҳаларин...

Тун оққани аллақачонлар,
Байрам эмас ёки тўй эмас.
Саттор ўйнар ва чапак чалар,
Ешлик ва пул унга писандмас.

..Кузатмаймиз, баъзан боламиз —
Билан бўлар узоқ орамиз,
Важ қиламиз вақтни, ишни.
Бир кун тўсат ҳайрон қоламиз,
Сезиб унда бегона ҳисни...

XIV

Чой олдида ака-укалар
Бугун бирдан қизишиб кетди.
Бири ўчар ва бири ёнар,
Бири суву, бири ўт худди.

Тутақарди Алишер баттар,
Бўлмаса у жуда ҳам оғир,
Акасига бу кунга қадар
Бир ёмон сўз демаган, ахир!

— Гуноҳларинг англа ва ўкин.
Бу ҳулқингдан қайтмасанг, ишон,
Катта талант бўлишинг мумкин,
Яхши одам бўлишинг гумон!

— Сени ўзинг ким бўлар эдинг!
Катта олим бўлиб кетдингми?
Мени кимга кўряпсан тенг?
Е ақлсиз гумон этдингми?!
Сен нимани тушунар эдинг?!
Санъат қайда,

агроном қайда?!
Узингга қил, укам, ўгитинг,
Қанча бўлса, ўзингга фойда...
— Мумкинми буни тушунмаслигим!
Тинч сақламоқ ўсган хонани,
Рози қилмоқ ота-онани —
Тушунаман — ҳаётий бурчим...
Бемехр у санъаткор ўғил
Она учун бўлса ҳар кун ғам;
Агроном бўл, тракторчи бўл,
Яхши бўлсанг — хурсанд она ҳам.
— Бўлди, жаҳлим чиқарма менинг.
Бир меҳрибон ўзинг бўлибсан.
Ким бўлмайин, аммо ойимни
Мен жонимдан ортиқ севаман!..
Сен бунақа сева олмайсан.
Сенда бўлмас бунақа юрак.
Сен ўзингни доно англайсан,
Йўқ, нодонсан, сен ҳали гўдак.—

Борган сари ёниб, тутақиб,
Кўзин қисиб сўзларди Эркин.
Йўқ, олмабди Алишер таниб
Акасининг бунақалигин...

Энди билди, бундоғ ўйласа,
Эрк берибди у газабига:
Ҳа, хашак ҳам қаттиқ пуфланса,
Баланд чиқар ундан, аланга...

— Нега эса, юрасан ёмон?
Куйдирасан ичиб ойимни?
Бу гапларинг — ҳаммаси ёлғон.

Ишонтирмоқ бўласан кимни?
Ачинаман фақат ойимга.
Сени севар,
О, билсанг эди...
Сен кеч келган тунлари унга
Боқиб бўлмас!

Ғамлари ейди...

Бир минут ҳам тинчлиги бўлмас,
Бутун уйда бўлмайди ором.
Бу йўлдан қайт, ҳаддан ошма, бас,
Ичкиликка бўлиб қолма ром!—

— Кимнинг нима бўлишлигини,
Қутиб тургин, эрта кўрамиз!—
Жаҳл билан деди.— Эркин тез
Қаттиқ ёпиб чиқди эшикни.

Она унга дуч келса шу чоқ,
Сумкасида тўла хариди.
Кўрди ўғлин бир оз хафароқ,
Ҳайрон бўлиб ўғлига деди:

— Ҳа, айланай, нима бўлди, айт,
Нега бунча бузуқ авзойинг?
Сенга қаймоқ олиб келдим, қайт,
Чой ичиб кет, ўргилсин ойинг!—

Олиб кирди қайтариб уйга,
Алишер ҳам турар диқнафас.
— Бирор нарса дедингми бунга?
Бирпас уйда йўқ бўлдимми, бас!..

— Йўқ ҳеч нарса,— деди Алишер,—
Нима дердим, унга, ойижон —
Онасини аяйди ахир.
Унинг дардин қўзғамоқ ёмон.

Жим маъқулла Эркин ҳам буни:
Индамади ҳам, кулмади ҳам.
Севмай бўлмас бундай онани,
Қандай сахий ва қандай кўркам!

Ултирарди Фозилжон ғамли,
 Қовоқ солиқ. Жиддий ўйга банд.
 Қаршисида тик турар ўғли,
 Ҳозиргина бир ёқдан келган.

Унг ёнига ўтқизди уни
 Ва тикилди бошдан синчиклаб.
 Ечмоқ истар эски тугунни,
 Аммо излар гапга бир сабаб.

Ҳақиқатан кенг ота бағри:
 Ўглин ортиқ эркалатмас ҳам.
 Гоҳо уни койийди оғир,
 Гоҳ дардига бўлади малҳам.

Баъзи ота-оналар каби
 Қилмас ўғли доим ҳафақон.
 Туша берса босқоннинг зарби,
 Чўнг харсанг ҳам бўлади талқон...

Бола — парда эмас, тор эмас,
 Зарбдан титраб чиқарса оҳанг;
 Тор ҳам инграб узилади тарс,
 Нохун тинмай қилиб турса жанг.

Ота сезар унда сўнгги дам
 Узин севиш ҳисси ўсганин.
 Бу фазилат ёмонмас! Одам —
 Узин севмай, севмас ўзгани!

Мана ўғли — деганларича,
 Хушбичимли, кенг елка, қулоч.
 Лабларида қора мўйловча
 Ва бошида ўрдак нусха соч.

Шими сарғиш, пиджаги кўкдан,
 Қуйиб қўйган каби ярашар.
 Кўк галстук оппоқ гуллари
 Қимирласа, йилт этар, яшнар.

Ҳавас билан боқди Фозилжон:
 Қаранг, қандай яхши ўғли бор...

Аммо бирдан қалбин тепди қон
Ва кўзларин босди бир ғубор:

Кўриб қолди бехос — ўғлининг
Бармоғида йилтирар узук...
Гўё ўғли шу ялтир чўғнинг
Орқасида қолиб кетгандек —

Туюлди-ю, сўради ота:

— Бу нимаси?

— Ҳеч нима... — узук —

Бу жавобдан ёнди у баттар.

Жаҳлин босиб кесатди:

— Тузук!..

Бақирсинми? Йўқ, Нима десин?

Ота жиддий туриб боқади.

— Ҳали ёшсан, бир студентсан...

— Нима қипти?

Ҳамма тақади...

— Ҳамма?! Кимлар?!

— Ким бўларди, ўртоқлар — ёшлар...

— Ешлар бўлса, биз ҳам биламиз,

Бачканамас улар!

Бу ишлар

Ярашмайди!..

— Сиз тушунмайсиз!.. —

О, отанинг юраги уриб,

Қон «гуп» этиб урди бошига,

Ирғиб турди. Қошин чимириб,

Аста келди ўғлин қошига.

— Тушунамиз биз ҳам анчайин!..

Ёш бўлганмиз бизлар ҳам! Бироқ

Узук эмас, манглайни ажин,

Бармоқларни безаган қадоқ.

Билим, ҳунар орттирайлик деб,

Мактабларни қурганмиз аввал.

Ёвғон ичиб юпун кийиниб,

Ёв билан ҳам жанг қилдик дангал.

Бу қўллар-чи,

Бу нозик қўллар,

Йўқ, меҳнатга беролмас бардош.
Ундан парча узолмас булар!

Ешлар борки, қуруқ ва нўноқ,
Халқ улардан нима олади?
Кайф-сафога қўйса иштиёқ
Яна шу эл, ким уялади?

Ахир, азиз бу она тупроқ —
Қўриқлаши кимга қолади?!
— Унчаликмас, секинроқ сўзланг —
Жавоб қилди Эркин бепарво,—
Бўладими бари бир йўла?
Уйнамоқ ҳам керак-да гоҳо.

— Ҳар куни-ку?
Аввал ҳунаринг —
Эгаллаб ол,

санъат, у серрашк;
У хоҳламас юракнинг ярмин,
Барин унга беришлик керак!

Ота бир оз босди ўзини,
Сўзлай деди насиҳатомуз;
Секинлатди у овозини,
Аммо жаҳли бор эди ҳануз!

— Уқи, ўйна — ўз вақти билан.
Еш эмассан, унутма, ўғлим,
Шу вақтдан изла, белгила,
Эгаллай бор, ҳаётда ўрнинг.

Учиб ўтар ёшлик, сол разм,
Бир кун, ахир вақти келганда,
Ортга қараб назар қилганда,
Кўрсин унинг порлоқ изларин.

Санъаткор дер: ишим, ҳис, туйғум
Бир юракка бориб етдими?
Е илтифот кўрмай, ўзи жим
Бир чеккада қолиб кетдими?

Боқ атрофга, боқ илгарига,
Узганларга бўлгин елкадош.

Соядаги нимжон гулларга
Келиб нурин сочмайди қуёш.

Бу халқ, бу юрт улуг ва гўзал,
Санъат учун илҳом ва ҳаёт.
Шу ватанни жондан сев аввал,
Саъваткорга шу севги — қанот.

Шу севгидан — Беҳзод, Навоий
Рембрандт, Репин — ва барча улкан
Санъаткорлар шу учун олий —
Шу дарёдан сув ичганидан!

Бусиз ижод йўқ, ўғлим, зинҳор,
Майли, шоир ё ҳайкалтарош,
Рассом, майли, ҳофиз — хушовоз,
Майли, раққос, майли, бастакор.

Қанча кучли севсанг ватанни,
Шунча ёнар санъатда юрак;
Аро йўлда қолдирмас сени,
Интилишинг бўлса соф, юксак, —
Сўз қайтармай тинглади Эркин
Ва индамай қўзғалди...

Аmmo —

Ота билмас сабаб нимайкин:
Нега ўғли ҳамон бепарво?

Уйлаб қолди ҳовучлаб бошини,
Яна баттар диққати ортди.
«Айб ўзимда — тиймадим яхши...» —
Афсусланиб чўзиқ — «уф» тортди.

«Газетага тушдим уни деб,
Мажлисларда гап бўлдим кўп бор.
«Тавба»сига мен қолдим панд еб!..
Тез олдини олишим даркор!»

У «Бақирманг» дедими менга?!
Отасига?.. Бу қандай одоб?
Тушунмасман эмиш дидига?..»
Борган сари бўларди хуноб.

XVI

Йўлга тушди она эрталаб,
У не ташвиш ва не тилакда?
Ўз-ўзига уқтиради гап,
Шошиб борар асфальт йўлакда.
Елғизоёқ кўприкдан аста —
Ўтиб олди. Паришон хаёл...

Қора пиджак, сариғ атласда,
Бошларида оқ шоҳи рўмол.
Эрта кузак, муздек шамоллар
Чимдир она ёноқларини.

Девор оша силкинган толлар
Сочар кифтга япроқларини.
Шошиб борар, бир оз асабий,
Атрофига қилмас эътибор.

Алланарса пичирлар лаби,
Ҳар қалайдир бир ташвиши бор.
... Қайга шошдинг яна, онажон?
Ким чақирди сени саҳарлаб?

Кўзларингда тўла ҳаяжон,
Айта қол-чи, яна нима гап?
Ёки бирор туш кўриб бехос
Сенга таъсир этдими ёмон?

Бунча туйғун, бунча ҳам хассос,
Бунча сезгир кўнглинг меҳрибон?..
Ёки яна у бевош, ўғлинг
Гапларингга кирмаяптими?
Яна бедор ўтдими тунинг,
Айтганингга юрмаяптими?

Чора излаб борасан кимга?
Югурасан бунчалар қистаб?
Ёки ўша мушкул дардингга
Борасанми бир даво истаб?

«...Бирдан ўчиб онанинг ранги,
Зинали уй олдига етди.

Нега тез-тез уриб юраги,
Оёқлари бўшашиб кетди?

Ойнакларга қаради она,
Замаскалар кўчган, ўйилган.
Дарпардалар сиртидан яна,
Газеталар тўсиб қўйилган.

Зиналардан секин чиқди у,
Қалб уришин боса олмасди.
Ортига бир қараб олди-ю,
Қўнғироқни икки бор босди.

Мана эшик очилди аста,
Пайдо бўлди бир моҳи талъат.
Узун бўйли, сатанг либосда,
Тўпиғига етарди халат.

Буни дарров таниди она,
Жуда ўхшар эди қизига;
Соҳибжамол... устига яна
Бўёқ суртган қоши-кўзига.

* * *

Танишишди. Аҳвол сўрашди,
Бирпас жимлик чўкди орага.
Ўз гапини қайдан бошлашни
Билмас эди она бечора.

«Бу ким бўлди экан?»—

Шу савол —
Кўнглингиздан ўтди, ўқувчим,
Майли, сизга буни мен дарҳол
Таништирай етганча кучим.

Сарвқомат, бу тенгсиз гўзал —
Она ҳамдир — бу соҳибжамол.
Бундайлар ҳам учрайди баъзан.
Таниш-билишларсиз, эҳтимол.

Инобатхон деган шу киши,
Қаранг ҳали юзлари тиниқ.

Сочларида битта оқи йўқ,
Аммо қирқдан ошгандир ёши.

Эри борди унинг — инженер,
Қад-қомати келишган, оғир...
Муросаси келишмай, охир
Бир йил ўтмай, кетиб қолди эр.

Бунинг фақат чиройи эмас,
Унча-мунча овози ҳам бор:
Саҳналарда чертиб у дутор,
Санъатни ҳам қилганди ҳавас...

Томошабин қизиқди бошда:
Беҳис янграр фақат танглайи.
Чурқ этмасди, аммо юраги,
Учқун чиқмас ҳар қандай тошдан...

Санъатидан ким ололди завқ!
Маълум эмас! Аммо шаънига,
Ашуласи ва оҳангига
Латифалар тўқиб юрди ҳалқ.

Ҳеч қаримас, ўзгармас туси,
«Инобхон» деб машҳурди элда.
Ишлар ҳозир қай бир артелда,
Уйи тўкис, йўқ ками-кўсти.

Бир қизи бор биринчи эрдан,
Сизга маълум ўша Дилбархон,
Ҳақиқатан, ҳусни бир жаҳон,
Кўринмас у ҳозир бу ерда.

Она қизни кўп марта кўрган
Ўз уйида Эркини билан.
Тукдор пайпоқ, узун қўлқопи,
Кетмас ҳамон кўзи ўнгидан.

«Иноб» кўзи синчков ғоятда,
Ҳар кўнгилга бўлади калит.
Ун йил олди катта алимент,
Токи вафот этгунча ота...

Қаршисида бу онайизор
Кўринарди жуда ҳам содда.
Ҳаяжондан юзлари анор,
Кийимлари ихчам, озода.

У баайни ҳуркак бир кийик
«Иноб» узмас тик қарашини;
Бу юздаги нур, мусаффолик
Қўзғатганди унинг рашкини...

— Дилбархоннинг ойисимисиз?
Уйда йўқми ўзлари?

— ГУМга —

Бир нарсага кетганди, қизим,
Бирор ишиз бормиди унга?
— Синглим, қизиз — ақллигина
Чиройли ҳам, лобар, хуш одоб.
Эркинжоннинг онасиман!..

— А... а... а? —

Дея бирдан очилди «Иноб» —

Иккаласи топишган, иноқ,
Бир-бирини кўрмай туролмас,
Уғлингиз ҳам чиройли, оппоқ,
Қўш олмадай бир-бирига мос.

Оталари композитор-а?
Музикага ўч-да, қизим ҳам.
Французча куйлар... қурғур-а!
Санъатчиман, опа, ўзим ҳам, —

Она боқар гўзал аёлга:
Табиатнинг сирин билмайди,
Нега бундай ҳусни жамолга
Баъзан лойиқ ақл бермайди?..

— Мосликлари... хўп яхшику-я!..
Ҳали ёш-ку?!
Ичишганлари,
Ҳар кун бевақт юришганлари —
Ўйлайманки, ҳали ножўя!
Ота-она кўп ташвишдамиз,
Адо бўлдим, ишонинг, синглим.

Ҳар кимники ўзига азиз,
Икки ёқдан гапирсакмикин?..

Дилбархон ҳам гап-сўз бўлмасди,
Бирор ёқдан бахти очилар.
«Иноб» энди гап тингламасди,
Ёниб кетган аллақачонлар...
У бақирди:

— Нима деяпсиз?

Насиҳатга келдизми ҳали?
Бунча қолоқ хотин экансиз,
Уйнаб олсин ёшлик маҳали!

Нега қизим гап-сўз бўларкан,
Тутиб олдизми сиз бир ерда?
Гапга қаранг... эй она бўлган...
Уят-пуят борми ҳеч сизда?

Жўнанг!—

Олди у сумкасини.—
Илинжим йўқ композиторга!—
У тутатди папиросини,
Она тушган эди муз терга.

Ловулласа қанчалик «Иноб»,
Она босар шунча жаҳлини.
Аммо унга қилгандай хитоб
Вазмин тўқар сўзнинг заҳрини:

— Бизда уят нима қилади?
У сизда-да, сизда, сингилжон!
Мен ким? Сиз ким? Эл-юрт билади,
Аммо бола — менга ширин жон!..

Она турди секин ўрнидан,—
— Хўп, кетаман, мени ҳайдаманг!—
У ҳамлакор шер бўлди бирдан
«Иноб» боқар бўлиб ҳангу манг.

— Билар фақат бола ўстирган,
Уни севган!
Бола — кўз нури.
Уйингизга мени келтирган —
Яна ўша боланинг меҳри!

Тушунарсиз, деб янглишибман,
Берган экан аммо қошу кўз,
Кўҳликкина фарзанд ҳам берган.
Аммо меҳрни бермабди, эсиз!

Она чиқиб кетди кўчага,
Ҳаяжондан титрар бағри-да!
Куймаганди қалби бунча ҳам,
Гўё бирдан ўн ёш қариди.

— Оналар бор, туққан фарзандин —
Севмас ёки севоламас балки;
Ҳам сезолмас ўзганинг дидин,
Аммо уни бузгани чакки!..

XVII

Беш-ўн кунки, ўйчан Эркинжон,
Шашти тушган; кайфи йўқ, диққат,
Қилмишига бўлар пушаймон,
Ўз-ўзидан бўлар хижолат.

«Нима бўлди? Мана Сатторни
Ҳайдадилар институтдан.
Эргашмайман уларга зинҳор» —
Виждон уни ёқар ўтида.

Ўз уйини энди кўргандек:
Ҳамма нарса кўнглига ёқар,
«Биз ҳам бунда бормиз» дегандек
Икки кийик гиламдан боқар.

Шкаф, диван ва стол чироқ,
Ўз ўрнида — ўз маъносида;
Кечагина уй тинч, ҳам ёруғ,
Қалин гилам ҳар жилосида —

Бир маъно бор, бир гўзаллик бор.
Ҳамма ашё тоза, саранжом,
Йўқ ойнаклар, полларда губор,
«Гулдай қўлинг бор-да ойижон!»

Уйғонади у кериб кўкрак,
Кўрпа тоза, чойшаблар оппоқ.
Тонгда тайёр, ювуғлик кўйлак,
Оқ дастрўмол ва янги пайпоқ.

Ойижони ғамхўр жудаям,
Билмабдими бунчалик ҳануз?
Булар учун бир бор бўлса ҳам
Айтдимикан бирор илиқ сўз?

Яхши бола асли Алишер,
Усиб борар ақли ва онги.
Катта бўлиб қолди у ҳозир,
Гаплари ҳам маъноли, янги.

Фақат битта ўзи бемаза,
Отасининг гаплари тўғри.
Тан олмади кўп бор ўзига,
Йўл қўймади, балки ғурури?—

Ҳар кун шундоқ саволлар билан
Қилар уни виждони сўроқ.
Гўё энди ўзига келган,
Кўркам эди ҳар нарса, ҳар ёқ...

Бу саволлар чиқди эргашиб,
Ҳамдам бўлди бугун йўлда ҳам.
Институтга боради шошиб,
Жавоб кутар қадам-бақадам:

«Мақсад фақат менда шумиди?
Енгилтаклик... улфат ва ўйин?
Йўқ керакмас, ичмайман ҳар кун.

Ким бўлмоқчи эдим, хоҳишим:
Машҳур уста бир ҳайкалтарош!
Гўзаллиги билан ҳар ишим —
Асрларга беролсин бардош.

Отам ҳақдир: бу нозик санъат
Талаб этар бутун юракни.
Мана камроқ бердим унга вақт,
Енгилтаклик сўндирар завқни.

Севардим у завқни ҳар маҳал —
Хаёл ундан айрилмас эди.
Чўнг ҳайкаллар, гўзал лавҳалар
Тушларимдан аримас эди.

Бир лавҳа, ё шакл яратиб,
Утқизган кун шод эдим бирам;
Уйда гипс ётади қотиб,
Сўниб борар кун-кун ҳафсалам.

Нима бўлди?... Мана Сатторни...
Ҳайдадилар институтдан?..»
Ўз-ўзидан у қилади ор,
Виждон уни ёқади ўтда.

«Шу мажлисда сал қолди... бай-бай...
Комсомолдан ҳайдалишимга.
Бор — ижодда обрў ҳар қалай,
Доғ бўларди менинг шаънимга...»

Биров сўзлар ичидан шунда:
«Хов Эркинжон, қўрқма булардан.
Уйна... Ичгин... кайф сургин-да,
Ахир, сенинг каминг бор кимдан?»

Йўқ, дейди у кутар, битта йўл:
Уқиш, ҳунар — зарури менга!
Оиламга, халқим, юртимга
Бўламан мен муносиб ўғил!»—

Шу хаёлда институтнинг
Фойесида кўрди ўзини.
Ҳар кунгидай кулги ва гурунг,
Йигит-қизлар ўради уни.

Уни ҳамма ҳурматлар бунда:
Обрўи бор, қобил, кўнгли оқ...
Шуни ўйлаб ўтди кўнглидан:
«Нега бўлди булардан узоқ?»

XVIII

Ана шундай тутди бир зайл
Сўнги кунлар ўзин Эркинжон.
Кўнгли ҳам тинч, руҳи ҳам енгил,
Диққат бўлмас, қийнамас виждон.

Ҳавас билан келар ўқишга,
Гўё бунда шодлик кутади.
Лекцияга ё кириб ишга,
Ҳайкалларни пардоз этади.

«Қаҳрамон»ни ясар неча кун.
Бу бюстда не кам, не ортиқ?..
Гоҳ ўзи ҳам бўлади мафтун
Қаршисида ҳайкалдай қотиб.

Уйда бўлар бўш вақт кеч кирса
Баъзан борар кинога, қалга.
Гоҳ бўлади кеча, гоҳ танца,
Югуради тепага — залга.

.

У айланар қуш каби енгил,
Қиз — шеригин элтар беозор.
Музикадан завқ тўла кўнгил,
Ярашиқ бир гурури ҳам бор.

Айниқса у «полька» чалинса,
Жуда гўзал бир тус олади.
Қизни қучиб мағрур айланса,
Ҳамма унга қараб қолади.

Ана шундай ўтарди кунлар,
Эркинжон ҳам ўзидан хурсанд.
Аммо, баъзан кайф сурган тунлар
Эсга тушса — қолади қўмсаб.

Биров сўзлар ичидан шунда:
«Шу бўлдими бир умр ишинг?
Уйна... ичгин... кайф сургин-да,
Утиб борар ахир, ёшлигинг!..»

Тошеври ол, у зўр санъаткор,
Ҳар кун кўрсанг — юрар кайф тароқ.
Ҳа, сенда ҳам катта талант бор,
Ушалардан ўртак ол, ўртоқ!

— Йўқ,— деди у,— ярашмас ҳали,
Бундай тунлар кўпдир олдинда.
Аммо бир кеч фонтан ёнида
Учраб қолди шошиб Мирвали.

— О, Эркинжон, бормисан, ўртоқ,
Керак эдинг бугун сен менга.
Ўртоқлардан сўрадим, бироқ
Бормоқчийдим ҳатто уйингга.

Юр, юр, кетдик!

— Қайга?

— Бир ерга!

— Йўқ, бормаيمان.

— Ноз қилмасанг-чи?

— Қўй, ўртоқжон, мени қийнама!

— Одаммисан, гапга кўнсанг-чи!

У тортади, кайфи бор пича,
Қарамайди Эркин раъйига.
Қулоғига аста пичирлаб
Маъқуллайди у ҳамройига.
Қош қорайган, Хадра. Майдонда
Узоқ муддат тортишди улар.
Фонтан... Баланд бино томонда
Улар ҳамон тортишар, кулар...

XIX

Она бугун кеч оқшомгача,
Келиб қолар, дея кўз тутди.
Ётди. Аммо қоқмади мижжа,
Вақт ярим кечадан ўтди.

Нима бўлди яна Эркинга?
Туппа-тузук бўлиб қолганди.
Гап кор қилмас бўлибди унга,
Бўлганича бўлибди энди...

Саёқ юриш зарарларини
Билган девдим, англаган девдим?
У гапларнинг ўйлаб барини
Уққан девдим, фаҳмлаган девдим?..

Яна ўша сатанг қиз Дилбар
Айлантириб олдим бошин?
Нима қилай, ўзига зарар,
Билмас экан она хоҳишин!

Ётар яна бир дамгина,
Ағдарилар у ён-бу ёнга.
«Келмадимми? Келмадимми-а?»—
Уйга кирар, чиқар айвонга.

«Келиб қолар», дея Фозилжон
Босар унинг ҳаяжонини.
Ўзининг ҳам юраги бежо,
Ундан баттар қийнар жонини...

Алишери кетганди жўнаб
Тажрибага. Қишлоқда эди.
Отасига гапин маъқуллаб,
Кўча-кўйдан хабар олдириди.

Уйлар жимжит. Соат зарб билан
Урди икки кўнғирогини.
Она бирдан, сочи тўзғиган,
Ишқаб чиқди қош-қовоғини.

Босинқираб уйғонган эди.
Кўзларида чала уйқу бор.
Халатини кийди, ўранди,
Тишга чиқиб акс урди уч бор.

Йўлга чиқди. Ел эсар ғув-ғув,
Бирпас турди совуқда, лойда.
Ҳаял ўтмай пайдо бўлди у
Машинанинг тўхташ жойида.

Катта кўча. У турар титраб,
Паркка қайтди сўнгги трамвай.
Вагонларга боқар мўлтираб,
Бўм-бўш эди унда ҳамма жой.

«Такси» ўтар баъзан ғизиллаб,
Қарамайди, тўхтамайди ҳам.
Икки одам тушди «дизел»дан,
Бунда ҳам йўқ... йўловчилар кам.

Ҳамон кутар... у турарди тик,
Қуюқ жимлик чўқарди аста.
Уғли келаётган шекилли —
Бўлар олган ҳар нафасида..

Истаб чиқди Фозилжон шошиб,
Қўлларида электр фонарь.
Зах ёмғирга энди қоришиб,
Жуда қаттиқ бўраларди қор...

* * *

Она тонгда уйғонди беҳол,
Мисдай қизиб ёнарди тани...
Кўз очди-ю, сўради дарҳол!
«Келдими у, Эркинжон қани?...»

Еноқлари чўғ бўлиб ёнар,
Қовоқлари тортганди юпқа,
Тез-тез баланд у нафас олар,
Лорсилларди устида кўрпа.

Бош устида турар Фозилжон,
Манглайига кафтини босар.
У ўзини йўқотган чунон,
Оромидан қолмаган асар.

«Сабр қилгин, ҳозир келади»—
Сўзи чиқмас чўчиб сийнадаң:
«Она қалби сезгир, билади:
Шодликми, ғам»— кўп бор сиңаган,

Хайриятки, бирдан шу онда
Уғли келди — эшик тақиллар:
Йўқ, эшигин қоқди азонда
Кутилмаган бир нохуш хабар...

Эркинжонни, ўқувчим, кеча
 Қолдиргандик кечки майдонда.
 Мирвалининг куч, хоҳишича
 Гойиб бўлди улар бир онда.

Кўп вақт ўтмай, бир ўтиришга
 Боришади иккаласи ҳам.
 Аммо Эркин бир бор кўришда
 Англаганки, танишлари кам.

Аммо Саттор бўлган жуда маст,
 Кўзлари паст сузилиб кетган,
 Мирвалини сўкар, қилган қасд,
 Ҳайдалишин кўраркан ундан...

Бир-икки бор босиб қўйишгач,
 Мирвали ҳам енгил, бетоқат.
 «Қўй-қўй»лашиб ғурра туришган,
 Авжга чиққан сўкиш, ҳақорат...

Охирида чидолмай Вали
 Бир шапалоқ урган зарб билан
 Ва эшикни кўрсатиб унга:
 «Чиқ Эркатоё, бу ердан!»— деган.

Жаҳли чиққан кайф билан Саттор —
 Яна баттар қутурган шу чоқ.
 Кўзларини қоплаган ғубор,
 Мирвалига урган уч пичоқ...

.....

Кайфи учиб титраган қалт-қалт,
 Нима қилиб қўйганин кўрган.
 Аммо кўрқоқ, эркатоё номард:
 «Мен урганим йўқ»— деган турган.

У яширган чигал учини,
 Хўш, ўқувчим, сиз, биз-ку ҳушёр
 Бошқаларга жиноятчини
 Аниқламоқ, топмоқлик даркор.

Тонгда келган бу нохуш хабар,
 Тоғдай тегди она қалбига.
 Узи бетоб, ўт бўлиб ёнар,
 Қандай чидар унинг зарбига?

— Қарамаймиз! Баъзан боламиз —
 Билан узоқ бўлар орамиз:
 Важ қиламиз вақтни, ишни.
 Бир кун тўсат ҳайрон қоламиз —
 Уйда кўриб бегона ҳисни...

Ана шунда кутмаган они
 Ота кўрмас — йўқ кўз қароғи.
 Баъзан эса, шўрлик онани.
 Куйдирарди фарзанднинг доғи...

XX

Ойлар ўтди...
 Она касалманд,
 Қаравотда чалқанча ётар.
 Озиб кетган, қолмаган дармон,
 Дарди оғир, кун-кундан баттар.

Кўзин очмас, овқатдан қолган,
 Нима бўлар бир қошиқ шўрва?
 Буни ҳам у доктор буюрган,
 Ичиришар қисташиб зўрга.

Биров кирса, шув этар қалби:
 Уғлидан бор на хат, на хабар.
 Юрагига ўт тушган каби,
 Бутун бағри ўртанар, ёнар.

Кўзи чўккан ранглари синиқ,
 Қани, у соф латофат, ҳусн?
 Ҳар замон у дерди хўрсиниб:
 «О, Эркинжон? Ойинг ўргилсин!»

Баъзан асга қултум сув сўрар,
Атрофига қилмас эътибор...
Бошда қараб Фозилжон турар,
Ғижимида кўкиш дастрўмол.

Алишер ҳам шунда. Қайғули...
Онасига тикилар маҳзун.
«Селекцион станция»дан у
Келганига бўлган анча кун.

Ота турар маъюс ва ўйчан;
Доим узоқ хаёл суради:
Кўз олдига уйда кечган
Қувноқ кунлар келиб туради:

Ҳазил, кулги... орзу-ҳаваслар..
Уйда тўлган шодлик, музыка..
Демак, умр шамолдай эсар,
Ўз ҳукмини бермасдан бизга?

Радиоми ва ёки ўзи
Созда шўхроқ бир куйни чалса.
Фазилатхон яйрарди шу зум
Кулиб-кулиб ўйнарди роса.

Қани ўша нозик табассум,
Қани ўша меҳрибон юзлар?
Мана энди каравотда жим —
Ётар беҳол. Юмилган кўзлар.

Оғирлашиб боради бутун,
Кеча келди касалхонадан.
У ерда ҳам ётди анча кун,
Умид йўқми энди онадан?..

Йўқ мумкинмас! Виждоним ҳақи,
Ҳеч мумкинмас!— дерди ўзига,—
Усиз менга йўқ ҳаёт завқи,
Усиз бўлмас, илҳом музыка!..

Қаранг, шундай кунлардан бир кун
Қуриб келди бирдан Эркинжон.

Нима бўлган, уй ичи сокин?
Қани она, азиз меҳрибон?..

Алишернинг мунгли тусига
Қараб бўлмас, юмди кўзини.
Сўнгра ҳўнграб она устига
Бағри билан отди ўзини.

— Оҳ, ойижон! Мана мен келдим,
Гуноҳсизман, йўқ менда гуноҳ...
Меҳрибоним, мен энди билдим,
Гуноҳқорман қаршингда аммо!..

Йиғлади у, шундай йиғлади...
Йиғламаган бундай ҳеч қачон.
Ёш аралаш тўйиб қаради!
Она ётар чалқанча, бежон.

Салқиб тушган пастки қовоқлар,
Манглайда ҳам ажин зарблари.
Сочда ҳам кўпайган оқлар,
Очиқ эди қақроқ лаблари —

— Кўзингни оч, мана келдим, кўр,
О, соғиниб келдим меҳрингни!
Кўзингни оч, тур, ўрнингдан тур;
Йўқ, ўлгани қўймайман сени!—

... Кўрдингизми, азиз Фарзандлар,
Гулдай нозик онанинг қалби.
Қалтис шўхлик уни тўздирар
Шамол каби, қаттиқ дўл каби.

Севинг, севинг сидқи дил билан,
Ёмон бўлсин, демайди зинҳор.
Соғлик, мардлик бахтингиз билан,
Бўлар у ҳам шоду бахтиёр...

Тушми-ўнгни... таниш овози
Қалбдан сезиб кўз очди аста.
Ҳаётдан ғоятда рози —
Бўлган каби боқарди хаста.

Қучиб ўпмоқ истаб ўғлини
Қимирлади бўлмади мажол.
Эркин қучиб озгин бўйинини
Лабларига юз қўйди дарҳол...

Ажаб! Тонгги шафақдай гўё
Юзларига жило қўнади.
Кўзларида нур бўлди пайдо,
Киприкларин қайтиб юммади...

XXI

Яна баҳор, чаман боғларда,
Янги либос кийган табиат.
Бунда кўнгил қирғоқларидан
Тошар шодлик, тошар муҳаббат.

Эру хотин анҳор бўйида,
Сухбатлашар мақтаб бир гулни.
Фазилатхон соғайган жуда,
Бугун унинг туғилган куни.

Қараб турар Фозилжон кулиб,
Ташвишларни унутган она!
Бугун тагин ҳуснга тўлиб,
Ҳам яшариб кетгандай яна...

Кимдир уйда ойнакни очиб,
Пол ювади, уйни йиғади.
Баъзан Эркин шу уйда шошиб,
Дам айвон, дам тишга чиқади.

Севги билан боғланган диллар
Бўлиб кетди жуда қадрдон.
Бунда бирга кечирган йиллар
Қанча бахтни қилдилар эҳсон.

Висол берди буларга ҳузур,
Ҳижронга ҳам бердилар бардош.
Хонадони тўкис ва маъмур,
Мана бошга нур сочар қуёш.

Унда орзу куйлари бардам
Учса юртин шонларга буркаб.
Хонадони ҳозир ва сўнг ҳам
Файзга тўлиб, турса гуркираб.

Ҳаммасига у боқар мамнун,
Бари тинчлик, меҳнатнинг файзи...
Гуллар қийғос очилган букун,
Қайнар завқи, тўймайди кўзи.

Тиниқ осмон юзин тўсолмай,
Югуришар паға булутлар.
Шамол юлқиб ҳолига қўймай.
Улар юпқа докасин йиртар.

Шунда, булут момиқ қўйнига
Қўлин солиб қучади қуёш;
У чирмашиб қуёш бўйнига,
Кумушланиб балқийди ювош...

Адир усти ям-яшил гилам,
Водий тўла қушлар нағмаси.
Тоғлар тинглаар мағрур ва кўркам,
Бошларида оқ тақияси.

Оқар анҳор, шўх малла мавжлар
Ел силаган қумдай товланар:
Қатор олтин қўнғироқчалар
Бири тўлиб, бири айланар.

Урик кирар олтин тусига,
Олчаларга ёқутнинг ранги.
Ишкомларнинг баланд устига
Урмалайди тоқларнинг занги.

Баҳслашади бир гала чумчуқ,
Бир-бирини тингламас улар.
Балки, ҳар кун боғларда учиб,
Татиган ўз лаззатин сўйлар?

Боғдан боққа учиб юради,
Енғоқларга қўниб зарғалдоқ;
«Умр боқий!..» деб қичқиради,
Демак, унинг жуда кайфи чоғ.

Ҳар нарсада бир музика бор.
Ҳар нарсада нафис бир оҳанг.
Фозилжоннинг қалби гўё тор,
Жаранглайди бўлиб ҳамоҳанг.

.....

Шу чоқ эшик очилар аста,
Алишери кирар ҳовлига.
— Уғлим, бунча соғинтирмасанг!—
Она юрар истиқболига.

Елкасидан чанглари қоқар!
— Нега бунча озибсан, айт-чи?
Онасига у кулиб боқар:
— Сиз семириб кетибсиз! Яхши!..

Кўклам... ишлар келар кетма-кет,
Тинчлик борми селекционерга?
Ўзим топган янги нав чигит
Бу йил энди экилди ерга.

Тутқизар у бир бойлам совға,—
— Қутлуғ бўлсин, туғилган куниз!
— Жонгинангдан ойинг садағал!
Илинибди ойингга кўнглинг.—

Бирга-бирга уйга киришар,
Зал безалган — меҳмонга тайёр.
Неъмат тўла турли идишлар,
Не истасанг ҳамма нарса бор...

Ойнак тўлиб киради қуёш,
Чорлар сизни оппоқ диванлар.
Вазаларда турли гуллар чош,
Деворларда гиламлар порлар.

Фозилжонни улармас, бирдан—
Мафтун қилди кирган маҳали:
Уй тўрида кўк шоҳсунадан
Қараб турган она ҳайкали...

Ҳамма боқди бориб яқинроқ,
Худди, худди онанинг ўзи;

Қайрилма қош ва бодом қовоқ,
Соф чеҳраси меҳрибон кўзи.

Ёнбошида ўспирин бола,
Узоқларга улар тикилган!
«Ҳаёт йўли мана шу!»— деган —
Каби мағрур турарди она.

«Балли, ўғлим!»— қутлади ота,
Эркинжонни ўпди онаси.
Бу обида — гўзал санъатда
Камолотнинг бир намунаси...

Ўтган санъат кўрғазмасида
Олган эди биринчи ўрин.
Онасининг имениниясига
Совға қилиб келтирган бугун.

Бунда унинг ақли, зеҳни ҳам
Ва бахти ҳам порларди беҳад,
Онасига ҳурмат, меҳри ҳам
Ва юртига бўлган муҳаббат.

Ҳамма боқар,
Зал ундан порлоқ,
Худди, худди онанинг ўзи:
Қайрилма қош ва бодом қовоқ,
Соф чеҳраси, меҳрибон кўзи.

Ёнбошида бир жасур бола,
Узоқларга улар тикилган!
«Ҳаёт йўли мана шу!» деган —
Каби мағрур туради она!..

1958 йил, февраль — март

А. С. ПУШКИН

ЭЛЕГИЯ

Бепарво йилларнинг сўнган шўх дами
Сархуш бош оғриғи каби азобли.
Худди шароб каби у кунлар ғами,
Қанчалик эскирса, шунча зардобли...
Йўл оғир. Истиқбол бўронли уммон:
Меҳнат, қайғу ваъда қилади ҳамон.

Аммо, истамайман, дўстлар, ўлишни,
Истайман, қийналиш, фикр қилишни.
Кўраман: зўр ғовға ғамлар ичрадир,
Ташвишлар ичрадир мен учун ҳузур.
Гоҳ бўлиб куйларга мафтун, осуда
Хаёлларим узра мен тўкаман ёш.
Балки, шу ишқ, умрим ғамли сўнгида
Боқар ёр алвидо табассуми-ла.

СИНГИЛ ВА АКАЛАР

Икки эман дарахт ўсганди қатор,
Булар ўртасида бир нозик арча.
Ўсган эман эмас — икки оғайни.
Ўсиб — улғайишиб бирга яшарди:
Бири Павел эди, бири Радула,
Булар ўртасида — сингил Елица.
Акалар севарди ёлғиз сингилни,
Унга чин юракдан бўлиб меҳрибон.
Бир куни бир пичоқ тақдим этдилар,
Ўзи зарҳалланган, қини кумушдан.
Ранжийди янгаси — у ёш Павлиха,
Қайин эгачига қилади ҳаеад.
Дейди Радуланинг хотинига у:
«Овсин, менга қара, қадрдон сингил,
Эшитмаганмисан шундай бир ўтни:
Уни эзиб ичган киши дафъатан —
Ўз туғишганига кўринсин ёмон?»
Радула хотини беради жавоб:
«Худо ҳақи, опа, қадрдон овсин,
Билмайман бундайин иримли ўтни,
Билганда ҳам сенга айтмасдим асло.
Акаларим шундай мени ҳам севган,
Менга ҳам хилма-хил совға беришган».
Мана, отхонага борди Павлиха,
Тўриқ отни сўйиб қонин оқизди,
Қайтиб келиб деди ўз эрига у:
«Синглингни севишинг ўзингга бало,
Совғалар берасан унга беҳуда:

Ұлдирибди сенинг тўриқ отинғни».

Павел Елицани қилади сўроқ:
 «Бу нега? Айт менга, айт, худо ҳақи»

Синглиси ёш тўкиб, жавоб беради:
 «Мен эмас, акажон, жувонмарг бўлай
 Ва ёш ҳаётимиз ҳаққи — қасамёд!»

Ишонар, ҳеч нарса демас акаси.
 Мана кўм-кўк боққа кирди Павлиха,
 Шартта кўк лочиннинг бошини узди,
 Қайтиб келиб деди ўз хўжасига:
 «Синглингни севишинг ўзингга бало,
 Совғалар берасан унга беҳуда:
 Мана ўлдирибди кўк лочинингни».

Павел Елицани қилади сўроқ:
 «Бу нега? Айт менга, айт, худо ҳақи?»

Синглиси ёш тўкиб жавоб беради:
 «Мен эмас, акажон, жувонмарг бўлай
 Ва ёш ҳаётимиз ҳаққи — қасамёд!»

Бу гал ҳам ишонар акаси такрор.
 Қоронғи кечада Павлиха секин
 Қайин-эгачисин пичоғин олди,
 Узининг нораства ёлғиз ўғлини
 Олтин бешигида сўйиб ўлдирди.
 Эрталаб югуриб борди эрига,
 Йиғлаб, фарёд солиб, сочларин юлди.
 «Синглингни севишинг ўзингга бало,
 Совғалар берасан унга беҳуда:
 Мана, ўлдирибди ўғлимни у,
 Агар ишонмасанг бу гал ҳам менга,
 Бориб кўргил унинг зарҳал пичоғин».

Сакраб турди Павел шу замон, дарҳол,
 Елица уйига югуриб борди!
 Синглиси тўшакда ухлаб ётарди,
 Бошида осиглиқ зарҳал пичоғи.
 Қинидан суғириб қаради Павел,
 Пичоқ бўялганди қип-қизил қонга!
 Силтаб тортди қизинг оппоқ қўлидан:
 «Худо ургур сингил, бу нега, айтгил,
 Отхонада тўриқ отни ўлдирдинг,
 Боғда кўк лочиннинг уздинг бошини,
 Энди боламизни сўйибсан, нега?»

Синглиси зор йиғлаб жавоб беради:
 «Мен эмас, акажон, жувонмарг бўлай»

Ва ёш ҳаётимиз ҳаққи — қасамёд!
 Агар ишонмасанг менинг онтимга,
 Олиб чиқ, майлига, тақир далага,
 Боғлагин югурик отлар думига,
 Улар судрасинлар оппоқ танимни,
 Садпора қилсинлар, розиман, майли».

Синглисига энди ишонмас ака:
 Олиб чиқди уни тақир далага,
 Югурик отларнинг думига боғлаб,
 Судратиб ҳайдади отларни қувиб.
 Унинг томчи қони томган ҳар ердан
 Қирмизи лолалар, чечаклар унди.
 Беғуноҳ ва оппоқ тани устида
 Каттакон бир Черков бўлди намоён.
 Шундан бир оз фурсат ўтгач, Павлиха
 Бир оғир касалга бўлди мубтало,
 Тўққиз йилча давом этди шу касал,
 Бутун суягидан ўтлар кўкарди,
 Бу ўтга ин қўйиб ёвуз илонлар
 Кундуз кўзин сўриб, тунда ётарди.
 Илон Павлихани қийнарди шундай,
 Охири эрига ялиниб деди:

«Арзим эшит, тўрам, мени олиб бор —
 Қайин эгачимнинг черкови томон:
 Зора, шифо топсам мен ўша жойдан».
 Эри етаклади черковга томон.
 Яқинлашар экан оқ уйга улар,
 Бирдан у черковдан чиқди бир овоз:
 «Келма, бу томонга, эй ёш Павлиха,
 Бўлмайди сен учун бу жойда шифо».
 Овозини эшитгач, бу ёш Павлиха
 Ялиниб-ёлворди ўз хўжасига:
 «Тўрам, худо ҳақи, сўрайман сендан,
 Олиб борма мени оқ уйга, тўхта!
 Югурик отларнинг думига боғлаб,
 Кенг тақир далада судрат мени ҳам!»
 Хотиннинг арзини тинглади Павел,
 Югурик отларнинг думига боғлаб,
 Кенг, тақир далага қўйиб юборди.
 Унинг томчи қони томган ҳар ердан
 Тикан, қичитқонлар ўсиб чиқарди.
 Унинг оппоқ тани қолган ўринда
 Ажойиб, катта бир кўл бўлди пайдо,

Тўриқ от шу кўлда сузиб юрибди.
Унинг орқасида зарҳал бешик ҳам;
Бешикнинг устига кўк лочин қўйган,
Унда норасида гўдак ётибди;
Боланинг бўғзида онанинг қўли
Ҳамда аммасининг зарҳал пичоғи.

М. Ю. ЛЕРМОНТОВ

Д...ГА СТАНСЛАР

I

Айтолмайман асло сенинг номингни,
Хатто ёзолмайман мен қоғозга ҳам:
Унинг ҳар ҳарфида яширинган гам —
Садолари ўртар менинг жонимни;
Ўйла, қанча огир бу сўзни, жоним,
Ўзгалар оғзидан эшитмоқлигим.

2

Ким берган уларга ҳуқуқ ва имкон
Муқаддас умидим ўйин этмоққа?
Ўзимда йўқ илож унга етмоққа,
Наҳот, ўзгаларга бу бўлса осон?
Улар ҳам, мен каби васлингдан, ҳайҳот,
Жаннатларни излаб топганлар? Наҳот!

3

Итоаткорона тиз чўкаман, рост,
Бошимни эгмадим ҳали ҳеч кимга:
Хонлик — бу фақат қўрқоқларга хос
Ва буңдан кейин ҳам бошим бўлмас ҳам.
Хаттоки, тақдирнинг қаршисида ҳам!

4

Аммо, ҳамма кўрсин, бош эг, десанг, бас,
Фармонинг бажариб, қалбим хўрлармаң.

Ешлик онтларини бузган бўларман,
Ҳамма онтни, аммо севги онтинмас!
Майли, дoston қилиб юрсинлар мени,
Сени деб шу кўйга тушганлигимни...

5

Ширин табассуминг кўрганим онда
Завқу шавққа тўлиб тошганди қалбим.
Шунда, даставвал мен ўйлаган эдим:
Бунга монанд лавҳа йўқдир жаҳонда!—
Билмаган эканман, ёш тўла кўзлар
Юлдуз тўла гўзал осмонга ўхшар.

6

Бу кўзларга тўймай боққаним кезлар
Ўйлар эдим: бахтим нақадар порлоқ!
Менга тобе эди чиндан ўша чоқ,—
Илоҳий учқунлар чақнаган кўзлар...
Сендаги бор нарса — муқаддас, гўзал,
Менга эса, булар — жонимдан афзал.

7

Ҳаттоки, дунёни бағишлаб, жонон,
Агар бизни этмоқ бўлсалар хуррам,
Мен шу шоҳларга хос салтанатни ҳам
Бахт дея олмасдим мутлоқ, ҳеч қачон.
Салтанат ҳақида ҳар ерда эртақ,
Бахт эса — танҳолик кўкартган чечак.

8

Эслайсанми, ойни, у ойдин тунни,
Хилват айвончада туриб юзма-юз,
Чуқур хаёлларнинг бўлиб мафтунни;
Танҳо жамолингдан узмас эдим кўз.
Қандай ширин эди у кунлар руҳга,
Бир кечани бермасман мангу умрга.

Муҳаммад қабридан топиб олинган
Анчайин туморни азиз деб билган,
Фақирга этаклаб тутинг олтин, дур,
Дунё мулки унга сочса ҳамки нур.
У ўз эътиқодин буза олмайди,
Буларнинг бирига назар солмайди.

* * *

Қоронғи кўчадан тунда ўтсам жим,
Ҳаво булут бўлса, увласа бўрон,—
Ҳимоясиз, бемор, бемакон дўстим,
Кўлаганг қаршимда бўлар намоён!

Дилозор бир хаёл мени эзади,
Ёшлигингдан толе севмади сани:
Отанг фақир ҳамда бағри тош эди,
Эрга чиқдинг, аммо севиб ўзгани.

Толеингга яхши чиқмади эринг,
Қаттиққўл, беодоб экан муттаҳам.
Маҳкуми бўлмадинг ва чидаб кетдинг,
Бироқ, ялчимадинг менга тегиб ҳам...

Эслайсанми, бир кун мен бетоб ва оч,
Жуда маънос эдим, ғамгин, бедармон.
Уша ўзимизнинг совуқ, яланғоч —
Уйда дийдирардим, босиб ҳаяжон.

Эслайсанми, хира уйга томчилаб,—
Сачрарди туйнукдан ёмғир тун-куни,
Йиғларди ўғилчанг, қўллари музлаб,
Иситардинг илиқ дамингда уни...

Тинчий олмади у, чинқирар эди
Қўнғироқ чалгандай... Қуюларди тун.
Узоқ йиғлади-ю, гўдагинг ўлди...
Йиғлама, шўрлигим, бекор бўлма хун!

Қайғу ва очликдан эртага биз ҳам
Худди шунинг каби ўламиз, аён.
Хўжайин лаънатлаб, олар уч тобут,
Бирга олиб бориб қўяр ёнма-ён...

Бурчак-бурчакларда турардик маҳзун
Едимда, сен беҳол, рангларинг сўлгин.
Яширин ўйларинг сочарди учқун,
Қалбинг курашига ясардинг якун.

Мен мудрай бошладим. Аста кийиндинг,
Ясаниб-тусаниб чиқдинг жим шу дам.
Бир соатдан кейин тобут келтирдинг
Ва отангни кечки хўрагини ҳам.

Очликни бир нафас ҳайдадинг нари,
Қоронғи уйчада ёқдик жинчироқ.
Ўғлингни тобутга ётқиздинг шу чоқ...
Тасодиф қутқазди бизни? Ё тангри?

Сен оғир, ғуссада эгган эдинг бош,
Мен-да сўрамадим бирор нарса ҳам.
Фақат термулардик — кўзимизда ёш,
Қайғу ва ғазабда ёнарди танам...

Энди қаердасан? Эй, бахтсиз гадо,
Даҳшатли курашда ҳалок бўлдингми?
Оддий йўлни ўзга кўрдингми раво
Ва машъум тақдиринг сени енгдими?

Ким қилар ҳимоя? Сени одамлар
Даҳшатли ном билан атар, бегумон.
Фақат менда бунга нафрат ловулар,
Ловулару сўнар бефойда шу он!..

МУСА ЖАЛИЛ

БИР НАСИҲАТ

(Инсонлик тўғрисида)

Кўп кўрганман филдай кишиларни,
Кенг кўкракли, темир баданли.
Аmmo кўргим келар меҳнатда —
Киши бўлган асил одамни.

Ким хоҳламас кучни, темир синса
Ва сув чиқса босган изидан.
Нима фойда, кучинг филдай бўлиб,
Ишинг келса чумчуқ тизидан?

Пок виждоннинг излари қолсин,
Нима ўтса сенинг қўлингдан!
Кучлигинг билан ғурурланма,
Инсонлигинг билан ғурурлан!

Қадамингда — ҳақиқат, ақл,
Эўр қалб изин кўрсинлар ҳар он.
Қилич эмас, ҳақиқат билан,
Ростлик билан кучлидир инсон.

Худди ерда ётган тўнкадай,
Яшамагин нафсиз — ҳаётда.
Маяк бўлиб ёнсин ҳаётинг
Узингдан сўнг келар авлодга.

Ишлаб турган темир зангламас,
Увоқланмас ўт кўрган лой ҳам;
Иш кўрсатган эрни эл унутмас,
Қабридан ҳеч аримас қадам.

9 ноябрь, 1943

ИШОНМА

Сенга мендан хабар берсалар,
«У йиқилди чарчаб»,—десалар.
Йўқ, ишонма, жоним!
Бу сўзни —
Дўстлар айтмас, яқин кўрсалар.

Байроғимга қон билан ёзган
Онтим ундар олға боришга!
Ҳаққим борми ҳеч қоқилишга,
Ҳаққим борми чарчаб-ҳоришга?

Сенга мендан хабар берсалар,
«У Ватанни сотди» десалар.
Йўқ ишонма, жоним!
Бу сўзни —
Дўстлар айтмас, сени севсалар.

Юртдан кетдим — юртни, сени деб,
Мен курашдим қонли ҳар дамда.
Юртни, сени қўлимдан берсам,
Нима қолур менга оламда?..

Сенга мендан хабар берсалар,
«Муса ўлди энди»—десалар,
Йўқ, ишонма, жоним!
Бу сўзни —

Дўстлар айтмас, мени севсалар.
Тупроқ кўмар танни, кўмолмас
Утли қўшиқ тўлган кўнглимни,
«Ўлим» дейиш мумкинми, ахир,
Енгиб ўлган бундай ўлимни?

20 ноябрь, 1943

бир вақтда ётқизаман тўшакка.

Гарчи, узоқ тунлар

ёки саҳарлар,
улуғвор уйқуда кўз юмиб ётган
буюк инсон оромин бузмай,—
аста-аста ўтиб Қизил майдондан
Москва-Река соҳилида тургим келса-да.
Ёки бир оқил китобнинг ёруғ нурида,
Ундан то тонггача кўзимни узмай,
узоқ тунни қисқартиргим келса-да.
Майли.

Ярим йилки, ўпа олмайман.
ёримнинг лабларин

ва на қўлларин.
Қисқасин айтганда, бусиз ҳам равшан
кечирмоқдадирмиз ҳижрон кунларин...
Лидия Ивановна,

менинг оқила дўстим,
бажармоғим керак буйруғингизни,
биламан,

акс ҳолда, айтганингиздай,
менинг юрагим

ёрилиб кетади қўл гранатдай.

Тушунаман.

Шудир ўғил бола гап.

Аммо, эса, бир бор десангиз менга:

Шодлик,

ғазаб

зарар менга — тамакидан ҳам,

Уйқусизликдан ҳам у — зарарлироқ.

Аммо, эй меҳрибон докторим, ахир,

қандай шодланмайин

СССРда

Коммунизмга

Фақат бир нафаслик йўл қолганин кўриб?

Е,

шу йил апрелда Францияда

коммунистларнинг —

сайловда кўп овоз олганин кўриб?

Ғазабланиш —

сенга зарарли, дейсиз.

Қандай ғазабланмай,

у ёқда эса

она юртим қалби бир тўда разил —
оёғи остида ҳарсиллаб ётса?

Қандай хафа бўлмай,

қора кўз доктор,
қандай ғазабланмай, ахир, у ерда
менга кўрсатмаслик учун ўғлим Мамедни,
кўрсатмаслик учун унинг онасин,
разиллар қилиғин ўйлаганимда?

Аччиғланманг, дўстим,

қисқасин айтсам:
шафқат юзасидан мен учун қилган —
барча меҳнатингиз

бекор кеткизсам.

Лидия Ивановна!

Мени қўрқитманг.

Барибир, мен

денгиз соҳилидаги
қуруқ савлат тўккан бир қоя каби
лоқайд яшайман, деб сўз беролмайман.

Бу, ахир — юрак.

Эшитяпсизми,

қандай уришини —

гуп-гупин, сасин?

Ғазаб

ё шодликдан портласа агар,
қўйинг, доктор, майли,

майли, портласин.

А Р А З

Кеч киришин узоқ кутасан ёзда,
Томдан жуда секин тушади оқшом...
Тўғриси,
Бу гал ҳам аразимизда
Мен ҳам айблиман,
Айбли сен ҳам.

Аямадик ҳатто энг аччиқ сўзни,
Тилга нима келса, тик айтиб солдик.
Охир, жазоладик ўз-ўзимизни:
Икки дим хонага қулфланиб олдик.

Биламан, сен ёлғиз ғамгин ва жиддий
Сузган булутларга боқасан бесас...
Бундай кечлар, ахир, кўп эмас энди,
Умрининг ўзи ҳам унча узунмас!

Севишар бир-бирин кишилар, аммо
Худди биз сингари севишганлар кам...
Балки, ошиб-тошган. шу мулк доимо
Эҳтиётсиз қилган бизни жудаям!

Эркак ғурурини ҳурмат этаман.
У менинг дилимдан топган тийран жой...
— Жоним! Боқ, осмонда сузар тўлин ой!..
Оч, жоним!—
Ойнакни аста чертаман.

* * *

Холироқ кўчадан иккимиз аста
Утиб борар эдик. Ер лой, тойганчоқ.
Бирдан, муъолишда чироқ остида,
Меҳринг тошиб, мени истадинг суймоқ...

Шу чоқ қаршимиздан шўх студентлар
Чиқиб ногоҳ бизни кўриб қолишди...
Кулгили кўриндик, шекилли, улар
Ортдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб қолишди.

Тахминан, уларнинг гапи шу бўлди:
«Бундай аҳмоқлар ҳам бўлади тақир!»
«Ростдан! Ёш бўлса ҳам ўзи майлийди...»
«Хотини ҳам унча ёш эмас, ахир!»

Заб жаҳлинг чиқдимми улар сўзига?
Нима ҳам дер эдик? Ёшлар ҳақлидир.
Улар тўғри айтар, менинг юзимга
Ёшлик ҳисси билан назар сол бир қур.

Майли, кечирайлик, ёшлар кулгисин,
Улар бизнинг завқин қаёқдан билсин!
Киши кексармайди! Бу сирни улар
Бизнинг ёшимизга етганда англари!

СИЛЬВА КАПУТИКЯН

СЕН МЕНИ УНУТОЛМАЙСАН

Сен кетдинг...

Аммо, мен биламан, жоним.
Жилмайман бир қарич сенинг ёнингдан.
Биламан, сен билан биргаман доим,
Ўраб олгандирман ҳар томонингдан.

Мен сенинг уйингман ва намунангман,
Сен яшайсан менинг тимсолим бўлиб.
Ўхшашлигим сенда кўпки, биламан,
Бошқанинг ўхшаши сиғмас суқилиб.

Қанча-қанча хотин кўзига боқма,
Барида кўрасан менинг кўзимни.
Мен сенга дунёда ягона — тоқман,
Кўз очсанг, кўрасан фақат ўзимни.

Кимнинг овозини эшитмаки сен,
Қулоғингга кирар менинг товушим.
... Боғда япроқ бўлиб тегишаман мен,
Тунда рўпарангдан кетмас қарашим.

Кечин уйга қайтиб келасан, шунда
Уйланасан яна завқимга тўлиб;
Мен тураман — папирос тутуни бўлиб,
Е ойнангда, юлдуз бўлиб қаршингда.

Йўллар узоқ бўлсин етмоққа сенга,
Барибир, қалбингга бориб кираман.

Ҳилпираб тегаман ойна пардангга,
Бекитсанг — бўрондай ушлаб тураман.

Кучинг етмас, мени ҳеч қуволмайсан,
Уйингга кирганман.

Шуни англаки,
Шеъринг, ёзувингга аралашаман,
Бутун турмушингга кираман, балки...

Сен мени мутлақо унутолмайсан!

УЗБЕКИСТОН

Хаёти беғубор, эй мовий диёр,
Жуда оғир менга сендан айрилмоқ.
Сайраб боғдан-боққа учган қушларинг
Чорлайдилар, мурод — бир боғда бўлмоқ.

Ажойиб ҳислар-ла қайтаётирман,
Кўм-кўк қарагаю қайинзоримга.
Ҳар кўрганда яшил ўрмон гулини,
Қиринг бинафшаси тушар ёдимга.

Шимол бўронидан елиб майишган —
Қайин новдаларнинг тагидан ўтиб,
Соғиниб эслайман кўм-кўк майсангни,
Қор ва совуқларни бирпас унутиб.

Чаманда гулларинг юлдуздай порлар,
Кишилар бу ҳақда бежиз демаган:
— Ўзбекистон ерин бир кўрган одам
Умр бўйи кўмсар, унутмас экан!

Сен мени асрадинг, уй бердинг, яна —
Куёш ва нонингдан қилдинг баҳраманд.
Унутмайман асло сўнги дамгача,
Эй, Шарқнинг бўстони, дилимга пайванд!

УМРИМ ҚУШИҚЛАРИ

(Автобиография, хотира ва шеърят
соҳасидаги тажрибалардан)

Мана уч-тўрт йилки, хасталик орқасида, уйда ўтириб қолдим. Хасталигимнинг кўпгина сабабларидан бири қаттиқ ижодий иш эканини билсам ҳамки, уни тамомила тарқ этганим йўқ. Ўзимни дарддан ҳоли сезган ҳар нафасда шеърятнинг муаттар шабадаси димоғимга урилади, юракка завқ беради, тилимга шеър келади.

Шоир юраги тўхтамагунча куйлашдан ҳам тинмайди, унинг қалби уришдан тўхтаган пайтдагина шеъри ҳам кесилади, деган кўп йиллик тушунчам тўғри бўлиб чиқяпти. Баъзан икки дардни (жисмоний ва шеърят дардини) бирга қўшиб тортишга ҳам тўғри келиб қолади.

Бу хасталикда, тўғрироғи, ярим нафас олиб яратилган шеърларимни газета ва журналлар ўз саҳифаларида эълон қилиб, кўнглимни кўтарадилар, дардни енгиллаштиришга кўмаклашадилар. Аслида, шоир учун шеър ёзиш, уни ўқувчилар назар-эътиборига етказишдан ҳам кўра завқлироқ нарса борми ўзи дунёда!..

Шеърятга тушуниб, энди яхшироқ ижод қилай, деган орзу остонасида ногоҳ касалликка дучор бўлиб қолишим руҳимга қаттиқ таъсир қилади, бу дунёнинг ёзилганидан ёзилмаган гапи кўпроқ эканлиги намоён бўлади.

Онда-сонда бўлса ҳам матбуотда босилиб турган шеърлар, айниқса радио ва телевидение эшиттиришларини эшитган ва кўрган кўпчилик шеър шинавандаларининг ҳақиқий аҳволимдан хабарсиз эдилар, албатта.

Бир кун туш пайтида телефон жиринглади. Журналлардан бирининг ходими ўша журналда «Биография ва хотира» деган бўлим очилганини, шу бўлимга автобиогра-

фиямни ёзиб беришимни илтимос қилди. Хаёлимдан журнал ходимининг айтган сўзлари чиқмади. Шоир одам учун бир-икки илиқ сўз кифоя: завқдан тўққизинчи осмонга учади; бир-икки совуқ сўз унинг дилини пора-пора қилиб юборади. Бу ҳам менинг ўз табиатимда мавжуд хусусият... Унинг «Ўз ўрнингиз бор», «Шеърларингизнинг мафтуниман» сингари илиқ гаплари мени бирдан кўтариб юборган бўлмаса ҳам, кўнглимга гулгула солди.

— Нима қилиш керак?— ўз-ўзимдан сўрадим.

Ўз-ўзимдан сўрашнинг сабаби, яқинда бир адабиёт-шуноснинг ўзим ҳақимдаги мақоласини ўқиган эдим. Бу истеъдодли танқидчи шеърларим ҳақида илиққина фикр баён қилган эди. Менинг ижодимни танқид қилган ўринларда, жуда ерга уриб юбормаган бўлса-да, мақтаган жойларида танқидчининг ҳаяжон билан айтган гаплари ҳам деярли йўқ эди. Балки, ўзинг ҳақингда ёзилган мақола ўқиганимда шундай туюладигандир? Ёки танқидчининг йўли шудир?

Йўқ, менимча, ундоқ ҳам эмас, бундоқ ҳам. Бу истеъдодли олим ва танқидчининг яқинда иккинчи бир ёзувчи ҳақида ёзган мақоласини ўқиб, унга қойил қолдим. «Тасанно!» дедим. Бу мақолани ўқирканман, танқид жанрида «лирика» бўлишини биринчи марта кўрдим. Унинг бу мақоласи ҳақиқатан ҳам лирика эди. Унча катта бўлмаган бу мақола улуг Навоийнинг «Сенга» шеъри ва Фурқатнинг зўр ҳаяжон ва маҳорат билан ёзилган «Бир қамар сиймони кўрдим балдан Кашмирда» ғазали қадар шавқ бағишлади менга. Шу сабабдан мен мақолани «лирика» деб атаяпман.

Аmmo мен ҳақимда унинг катта мақоласи ўта танқидий бўлмаса-да, лекин совуққонлик билан ёзилган эди. Балки қозонда бори чўмичга чиққандир?..

Бу гаплардан сиз: «Ўз шеърлари ҳақида шоирнинг ўз ишончи, ўз қатъий фикри йўқ экан-да!» деб ҳам ўйларсиз. Йўқ, ундай эмас, ўз шеърларим ҳақида умуман ҳам, айрим-айрим ҳам, ўз мулоҳаза ва фикрларим бор, лекин бундай вақтларда, яъни обрўли, катта бир танқидчи шеърларингга шахсий қарашларини очиқ айтиб кўргандан кейин, довдираб қоларкансан киши.

Ҳар ҳолда, бу мақола менда шундай таассурот қолдирган эдики, умуман, мен ўз шеърларим билан фахрланишга унча арзимаганроқ кўриндим ўз кўзимга.

Ана шуни ўйлаб, журнал илтимосини рад этдим.

Журнал ходими ҳам бўш келмади.

— Сиз кичкина одам эмассиз энди. Сизнинг шеърларингиз ҳақида, айниқса, ёшлар жуда ҳам ижобий фикрда,— деди. Унинг жасорат билан айтган бу гаплари менинг ҳам журъатим қоматини тиклади, руҳимни кўтариб юборди. Яхши шеърларим кўз ўнгимдан бир-бир ўта бошлади. «Йўқ, мен ҳақиқатан ҳам унча бетаъсир шоир эмасман!» деб юбордим ўз-ўзимга ишонч билан!

Шундан сўнгигина бу ишни жиддий ўйлай бошладим. Тўғриси айтсам, бу шоир менинг кўнглимга кириб олиб, шу дамдан эътиборан савол-жавобга тута бошлади. Бу қўлингиздаги қиссамни ёзиб тамом қилмагунимча у мендан узоқлашмади. Қоқинсам, мадад берди, иккилансам, маслаҳат.

Шеърнинг туғилган дақиқасидан бошлаб, шеърхон қўлига етганича кечирадиган даврини содда қилиб муфассал гапириб беришимни сўрарди у.

Бу менимча, ҳар шоирда ҳар хил бўлса керак. Чунки ҳар бир шоир ўзи мустақил бир субъектдир, яъни шоирларнинг табиатлари, тарбия ва турмуш тажрибалари, билим ва маданият савиялари, айниқса, ақл ва фаросатлари, ҳис ва туйғулари, ниҳоят, қизиқиш ва завқланишлари бир хил эмас, балки ҳар хилдир.

Турмушда мени завқлантирган нарса бошқа шоирга унчалик таъсир қилмагани каби, бошқа шоирга илҳом берган ҳаётий ҳодисага менинг ақл-фаросатим етмаслиги мумкин.

Ана шу сабабдан, дунёда қанча шоир бўлса, уларнинг ижодий йўллари ҳам шунча кўп ва ранг-барангдир. Мен демоқчиманки, шеърят ҳақида нима ёзмай, қандай тажрибамни намоиш қилмай, ўз ижодимга боғлиқдир. Буни ҳамма вақт унутиб қўймаслигингизни сўрайман, азиз ўқувчим.

Гапнинг бошида шуни айтайки, менда шеър ҳамма вақт тўсатдан туғилади. Бошқача қилиб айтганимда, столда кўз юмиб, пешанани ушлаб ўтирганимда эмас, аҳён-аҳёнда, яъни кутмаган вақтимда туғилади шеърим.

У ғойибдан туғилмайди, албатта! Шоир қалбида эскидан, яъни анчагина вақтдан бери бу шеърнинг гавҳар донаси, яъни уруғи мавжуд бўлади. Унга аллақандай бир шарпа урилади-ю, уруғни жонлантириб юборади.

Масалан, «Бўтакўз» деган бир шеърим бор. Билмасангиз керак. Бу гул баъзи хотинларнинг чиройли кўзига ўхшайди.

Бўтакўзнинг қораси кўк, киприклари қоп-қора ва узун бўлади.

Боғда бўтакўзни биринчи бор кўрганымда, муҳаббат ҳақида бир шеър ёзиш ниятида кўнглимга жойлаб қўйдим, яъни шеър уруғини ташлаб қўйдим. Бу уруғ менинг юрагимда пайт пойлаб узоқ ётиб қолди.

Бир куни боғда булбулнинг ёниб сайраётгани қулогимга кирди. Гул ошиғи булбулнинг кўзи ўша «Бўтакўз» гулига тушмадимикан, деган шоирона хаёл бошимдан ўтди. Тўсатдан юракка урилган бу шарпа ҳалиги севги ҳақидаги шеър уруғини ундириб юборди. Шеърни ёзиш нияти туғилди.

Сиз, балки, ўша заҳоти бу шеър туғилиб, қоғозга мукамал тушди, деб ўйларсиз. Мутлақо ундай эмас. Бунда, фақат шу шеърни ёзиш ниятигина туғилди!

Ният туғилиши билан, уни шеърга айлантириш учун ҳис ва туйғу, ақл ва фаросат, билим ва тушунча ва бошқа шу кабилар бирдан ҳаракатга келиб, юракка ёрдамга шошиладилар.

Ҳаммадан олдин ақлим: «Бу шеър билан шоир одамларга нима демоқчи, нимани ўргатмоқчи», деган масалани ўртага қўйди, яъни бу шеърдан мақсад, гоё нима? Ана шунда шеърнинг бадий фикри туғилади. Яланғоч фикр ҳам ҳали шеър эмас, шеър бўлолмади, албатта.

Мен бадий фикрни, яъни асосий мақсадни ақл ва фаросат ёрдамида аниқлаб олганимдан кейин, унга бадий тасвирлар излайман, бошқача қилиб айтганда, унга хилма-хил, ранг-баранг бадий либос кийдираман. Бу ярашиқ либосни топганча ҳам анчагина кунлар ўтади, хаёлнинг кирилмаган кўчалари, сўзнинг гул терилмаган чаманлари қолмайди. Унисидан биринчи, бунисидан иккинчи кийимни топиб, фикрни кийинтираман, безатаман. Булар устига, бошқа биронинг шеърига ўхшаб қолмаслиги ҳаракатини ҳам қиламан. Ана шундагина янги бир шеър худди янги бир фарзанд каби дунёга келади.

Ундан кейин шеърга пардоз бериш ишларини, сўзларни алмаштириш, бўёқларни қуюқ ва суюлтириш, вази ва қофиялардаги сакталикларни тугатиш ишларини бажараман ва ҳоказолар.

Шеър умумий дафтарда уч-тўрт кун дам олгач, уни оққа кўчираман, редакциялардан бирига тақдим этаман. Бу ташвишлардан қутулиб, ҳурматли шеърхон ёки бирор мунаққиднинг фикрини кутиб юравераман.

Раҳмдил ва оқкўнгил шеърхонлардан баъзилари шеър

босилиб чиққан кунни ёки эртасигаёқ ўз таассуротларини билдириб, хурсанд қилишади, уларга самимий ташаккуримни билдираман, албатта. Аммо мунаққидлардан бирор илиқ фикрни тезгина эшитиш осон иш эмас.

Шеър менинг тажрибамда ана шундай мураккаб жараённи босиб ўтади. Бу биргина шеърга қанча кун, қанча ой кетгани дафтарга маълумдир.

Ҳозирги бизнинг замонда, ҳамма шоирнинг шеърлари ичида икки гуруҳ шеърлар — юрак амри билан ижод қилинган шеърлар ва редакциялар буюртмаси билан ёзилган шеърлар гуруҳи бўлиши мумкин. Юрак амри билан ёзиладиган шеърнинг илҳоми; редакция буюртмаси билан ёзиладиган шеър илҳоми билан уйғунлашиб кетса борми, шеърнинг султони туғилади. Лекин ҳар гал шундай бўлавермайди. Бу баъзан одат тусига ҳам кириб қолади.

Мен иккинчи гуруҳга мансуб бўлган шеърларни ёзишга одатланиб қолганман, лекин буюртмаларни ҳам, агар шунга ўзимнинг тайёргарлигим борлигини сезсам, шу мавзуга оид етарли маълумотим бўлса, фикр ва туйғум ёрдамга келса, ўз вақтида бажаришга ҳаракат қиламан. Лекин бу жуда қалтис бўлиб, шоирга улкан шодлик, чексиз ўқинч келтиради,— кеча «боладим» деган шеъринг, бугун газетада ўқилгач, ўзингга ёқмайди. Хижолатпазлик!..

Юрак амри билан ёзиладиган шеърларнинг илҳомини ҳам ташқаридаги бирор куч эмас, шу ҳаёт, шу ҳаёт ҳодисалари беради, албатта. У юракка гоҳо фикр бўлиб, гоҳ факт ҳолида келиб қиради. Бу ҳол, балки ҳар кимда ҳар хилдир. Менинг шахсий тажрибамда шеър дилда шу икки йўл билан туғилади. У, сен мутлақо кутмаганинг вақтларда, эрталабми, кечми, ярим кечами, йўлдами, уйқудами, хурсандлик вақтингдами, қайғули ва ўта ғазабнок вақтингдами, соғлиқдами, касалликдами, бари бир хоҳлаган вақтида тасодифан содир бўлади.

Энди гап, ана шуни маҳкам ушлаб ола билишда: у яшиндай ялт этади, ақлинг ва ҳиссингни ёритиб юборади. Уни ушлаб қола олсанг, шу ёруғлик юрагингда ярқираганча қолади. У шеър қушига айланиб, учиб кетгандан кейингина сўнади. Бу сўниш ҳам вақтинча, яъни янги шеър нури яна ялт этганга қадар давом этади.

Фикр ҳолида мияга кириб келса, энди уни шоир ифода-лаб бериш йўлини излай бошлайди. Масалан, мен туғилган фикрни шеърга айлантиришга киришаман. Шу лаҳзадан бошлаб менда ором тугайди. Юрак бутун вужудимни шу

ишга сафарбар этади, кўзим ундан бошқа нарсани кўрмайди, қулоғим шундан бошқа нарсани эшитмайди, ўзим билан ўзим овора бўлиб қоламан.

Дастлаб жиддийлашаман. Буни мен атайлаб қилмайман, табиатимга қаёқдандир бир вазминлик келиб чўкади. Ўзим, табиатан, хушчақчақ, ҳазил ва мутойибаталаб бир киши бўлсам ҳам, катта ва масъулиятли бир синовга тайёрланаётган одамдай сезаман ўзимни. Ҳалиги пайдо бўлган шеърӣ фикрдан бўлак ҳеч нарса ёқмайди, завқу шавқим фақат шу нарса бўлиб қолади.

Ана шундай вақтларда мени ташқаридан кузатиб турган ёки учрашиб қолган одам бўлса, албатта «бу киши ҳозир биров билан қаттиқ уришган!..» ёки «бу одам ўзидан бошқани ёқтирмас экан», деган фикрга келиши турган гап. Буни ўзим ҳам жуда аниқ сезаман. На чора, шоирчиликдан орттирганим шу. Бундай нозик вақтларда, ҳар қандай яқин кишинг билан ҳам суҳбатлашмоқ учун, бу ҳаёл уммони ичидан ёриб чиқиб, офтобдай табассум қилиш амримаҳол.

Бундай «ҳеч кимни ёқтирмайдиган» маҳалларда, ҳалиги фикрни юзага чиқариш, яъни шеър қилиш учун турли шака ва воситалар, (масалан, жанр, мисралар, вазн, туроқ ва қофиялар, оҳанг) топишга киришиб, ҳаёл денгизига гаввосдай шўнғиб кетасан. Асаб бу вақтда энг юқори нуқтага кўтарилади. Бундай ҳолатда ҳар қандай гап ҳам малол келади, жаҳлни кўзгайди. Бундан беҳабар одамга «ёмон» ва «баджаҳл одам» бўлиб кўринасан. Шоирнинг ўз уйидаги баъзан учрайдиган «маш-машалар» ҳам ана шу туфайли содир бўлса керак.

Шеърӣят илҳомӣ юракка бирор «ҳаёт факти» орқали кирганида ҳам аини ҳол худди юқоридагидек юз беради. Бунда фарқ шуки, топилган факт ёки воқеадан бадиий фикр чиқариш учун ўйлаш, яна ўйлаш зарур бўлади. Ҳаётда учраган ҳар қандай факт ҳам, воқеа ҳам шеърӣ фикрга айланавермайди. Ҳар икки ҳолда ҳам илҳомӣ материал (фикр ҳам, факт ҳам) юрак, ақл ва туйғулар муҳокамасига, мулоҳазасига топширилади. Ундан кейин буни шеър қилиб пишириш учун вақт керак бўлади, уч-тўрт ой, балки уч-тўрт йил ва бундан ҳам кўпроқ.

Бу фикрнинг сизга ҳам тушунарли бўлиши учун бир-иккита мисол келтиришни истайман. Менинг китобларимдаги шеърларнинг деярли кўпчилиги ўша фикрнинг маҳсули. Китобни очиб, истаган шеърни ўқиб чиққан ҳурматли ўқувчим, улардаги менинг шоирона қалбимни туғёнга сол-

ган шеърый фикримни осонгина топиб олади. Масалан, «Бўса» шеъри. Шу шеър дунёда йўқ эди, деб фараз қилайлик. Даставвал юқорида айтганимдай, менда бу ҳақда фикр пайдо бўлган. Уни дафтаримнинг бир чеккасига қисқача қилиб ёзиб қўйган эдим. У мазкур шеърга хамиртуруш бўлди.

Яна бир мисол. «Тол попуклари» деган шеърни олайлик. Бу шеърнинг зуваласи дафтарда шундай: «Сенинг муҳаббатинг менинг юрагимда, ёшликда, тол попук тақиб юрган вақтингда ўринлашган. Ҳамон севаман, асирингман...» Бу фикрдан туғилган шеърни ўқиб чиқишни ўзингизга ҳавола қиламан.

Энди ҳаётий факт ёки воқеанинг юракка кириб, шеърга айланишига бир мисол келтирай. Менинг «Инсон ҳақида» деган шеърим бор. Бу шундай воқеа асосида ёзилган: Ҳамза театрининг мен севган, бутун халққа манзур ва маъқул бўлган артистларидан бири бўлмиш Обид Жалилов вафот этди. Мотам маросимига бордим. Театр томоша залига одам сифмайди. Ана инсонга ҳурмат, ана артистга муҳаббат. Халқ музикаси, сочларини юлиб йиғлаган мотамсаро онадай, торларни юлиб йиғламоқда. Марҳумнинг тобути ёнида бирпас фахрий қоровулликда турдим. Унинг саҳнадаги маҳорати, инсоний фазилатлари кўз олдимдан бир-бир ўта бошлади. «Энди у йўқ. Саҳнага бошқа чиқмайди... У такрорланмас бир истеъдод эгаси эди... У буюк инсон ва буюк артист экан...» ўйлаб кетибман, бирдан йиғлаб юбордим. Вужудим титрай бошлади. Қоровулликни навбатдаги кишига топшириб, уйга югурдим. Йўлдаёқ шеър тайёр бўлган эди.

Тажрибамда, шу нарса менга аёнки, фикр аввал туғилиб, кейин шеърга айлантирилганда унинг хулосаси, умумлашмаси тайёр бўлади, яъни ўша тайёр фикрнинг ўзидан келиб чиқади. Ҳаётий факт ва воқеага аввал дуч келиб, уни шеърга айлантирилганда эса, хулосани, умумлашмани, яъни ўқувчига бу ҳаётий факт ё воқеадан чиқариб берилган ҳиссани, мақсадни ўйлаб топиш керак бўлади. Бу ҳам осон эмас. Шеърдан чиқариладиган мақсад шу куннинг талабига жавоб бериши, бирор инсоннинг мушкулга кўмаклашиши ва жамиятда бирор масалани ҳал қилишда ёрдами тегадиган бўлиши керак. Агар бундай хулоса ҳозирча чиқмаса, факт бир жонсиз нарсадай, дафтарнинг бир чеккасида ёзилганича, пайт пойлаб ётаверади. Қанча-қанча факт ва воқеалар шеърга айланолмай, хотирадан чиқиб йўқолиб кетади.

Мана, шеърнинг пайдо бўлиши, илҳомнинг юракда томир ёйиши менда ана шундай бошланади. Яна қайтариб айтаманки, бу жараён ҳар бир шоирда ҳар хил, ўзига хос ҳолда юз бериши мумкин. Бу жуда ҳам субъектив ҳодиса.

— Бу, энди шеър тайёр бўлди деган сўзми?— деб сўрарсиз.

— Йўқ, бу ҳали ишнинг бошланиши, «илҳом келди» деган иборанинг маъноси, холос. Асосий иш энди бошланади. Илҳом қандай қилиб шеърга кўчади, яъни миёда пайдо бўлиб, юракни ҳаяжонга солган фикр ёки факт қандай қилиб шеърга айланади,— бу масала асосий жараёндир. Бу шоирдан оғир ақлий меҳнат, маънавий азоб, узлуксиз асабий ҳолат, тоғдай чидам талаб қилади.

Бунинг натижасида қанақа шеър дунёга келади,— гап энди ана шунда! Менинг, шоирни «ота» деб, шеърни «фарзанд» деб фараз қилсақ, шеърнинг қандай шеър бўлиб етишуви ҳам «ота»нинг ақлу фаросатига, билим ва маданиятига, тарбиясига, ҳаётий тажрибаларига, муҳокама ва мутолаасига, хулқ-одобига, аввало, инсонлигига боғлиқдир, тўғрироғи, шеър — ана шу фазилатларнинг маҳсули ҳисобланади.

Шу сабабдан, муҳтарам ўқувчим, бу ҳақда, яъни шеър ҳақида бошланган гапни шу ўринда вақтинча тўхтатиб, бир-биримиз билан яхшироқ танишиб олишимиз жуда зарур, деб ҳисоблайман.

Менинг ҳар бир шеърим савиясига баҳо беришингиз учун ва у баҳо тўғри, одилона бўлиши учун сиз менинг биографиямни, умримнинг босиб ўтган йўлини озми-кўпми билиб олишингиз, шеър ёзишда, энг аввал кимлардан таъсирланганлигимни, кимлар билан, яъни қандай шоирлар билан танишдим, бирга ишлашдим ва улардан менда қандай хотиралар қолди, буларнинг ҳамма-ҳаммасини билиб олишингиз жуда керак.

Демак, қиссамнинг биографик ва хотира бўлимларига ўтаман. Ана шундан кейин шеърят соҳасидаги гапни қолган жойидан давом эттираман.

Мен 1911 йилда Каттақўрғонда «Маҳалла» гузариди (ҳозирги Зирабулоқ кўчасида) туғилдим.

Каттақўрғон ўзи катта шаҳар эмас. Лекин ёшлигимда кексалар ўзаро суҳбатда «Каттақўрғоннинг йигирма тўрт

гузари (маҳалласи), 24 мачити бор», деганлари эсимда. Бу маҳаллаларнинг кўпида бўлганман, биламан.

Шаҳримиз асосан, ҳунармандлар, кичик деҳқонлар, боғдорлар, резаворчилар шаҳри эди, бу маҳаллаларнинг деярли ҳамма аҳолиси — бир касб билан машғул эди: бўзчилар, читгарлар, темирчилар, мисгарлар, дегрезлар, косиблар, нонвойлар, қассоблар, кабобпазлар, ёгчилар, ҳалвочилар, савдогарлар, атторлар, гулчилар ва бошқа-бошқалар.

Темир йўл станцияси яқинида катта пахта заводи бўлиб, ишчиларни гудок чалиб, ишга қақирар, завод кечаю кундуз осмонга буғ пуркаб ётарди. Демак, шаҳримизда кўп сонли ишчилар ҳам мавжуд эди ўша йилларда.

Булардан ташқари, аҳоли орасида елиб-югурган чайир танли анчагина аравакашлар, мардикорлар ҳамда бекорчи олифталар ва анчагина ишсизлар ҳам бўлгани ҳамон кўз ўнгимда.

Яна шу нарса эсимдаки, бизнинг маҳалла (қолган бошқа маҳалла ва даҳалар ҳам) кўринишда жуда ғарибона эди. Кўчаларнинг тупроғи билқиллаб ётар, муболаға қилиб айтсам, юрсангиз нақ тиззангизга чиқарди. Қишда эса, бундан ҳам ҳароб эди. Шомдан, яъни соат кеч 4—5 дан бошлаб одамлар кўчадан фонуссиз юришолмасди.

Йўл ва йўлакларда ярим қадамдан нариси кўринмасди, кўрингани ҳам тизза ботар лой эди. Ҳар қадамда бир тош ёки яримта ғишт ташланган бўлиб, устидан сакраб-сакраб юриларди. Шу сабабдан бўлса керак, ҳамма ҳам «сакрама» юришга эпчил бўлиб кетган эди.

Бу кўчаларда аравакашларнинг жанжаллари авжига чиқарди. Аравалар гупчагигача лойга ботиб қолар, от жонивор қамчи зарбига чидолмай, олдинга интилар, қора терга ботиб оғзидан паровоздай буғ чиқариб нафас оларди. Баъзи чаман эшаклар эса, йиқилган жойида чўзилиб ётаверар, учига мих қоқилган хала ва тепкиларга парво қилмасди улар. Дўқ-пўписа, сўкиш, ҳақорат, муштлашиш — ҳамма кўчанинг текин «томоша»си эди.

Баъзи ўспирин йигитчалар, иши зарур ёки йўли узок бўлгани учун иштонини сонигача шимариб, йўлнинг ўртасидан лой ва муз кечиб, тез-тез ўтиб кетишарди.

Ҳамма ёқдаги ҳамма манзара, менимча, кулги аралаш бир фожиа эди.

— Шаҳрингизнинг яхши томонлари ҳам бўлса керак, дейсизми?

— Ҳа, албатта! Каттақўрғон қадимдан шоирлар ватани

бўлган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб келмоқда. Маълум ва машҳур классик шоирларимиздан — Шавқий, Мирий, Ноқис Салоҳий ва совет шоирларидан Абдулҳамид Мажидий (Абутанбал), Тошпўлат Саъдий, Бурҳон Турсунов каби шоирларнинг китоблари шеър шинавандаларига кўпдан маълум.

Мен гўдак эканимда, онамиз вафот этади. Кўз очиб биринчи бор оламга қараб, бир меҳрибон излаганимда ёнимда уч мунис опамнигина кўрдим. Улар ҳам ёш эдилар. Аммо улар орасида касалманд, инжиқ, муборак «Она» сўзини тўлдириб айтиш муяссар бўлмаган етим кенжа мен эдим.

Онам сиймосини эсломайман. Уни кўрган кишиларнинг айтишларига қараганда, онам қорачадан келган, ҳаёли, сабр-қаноатли ва ақлли аёл бўлган экан.

Бир нарсага ўзим ҳамон таажжубланаман. Она дийдорини тўйиб кўролмаганимга қарамай, менда фарзандлик туйғуси, улуғ онага миннатдорлик туйғуси, негадир ғоят кучли! Йиллар ўтган сари бу ҳис, бу муҳаббат яна зўр қувват касб этиб юксалди. Балки бу ўксик етимликнинг юракда қолдирган ўчмас ҳислари бўлсамикан?

— «Она қалби» достонингиздаги «Бағишлов» боби ҳам шу онангиз ҳақида-а, дейсизми?

— Худди шундай. Мана, достоннинг «Бағишлов» бобидан дастлабки бир-икки тўртликни ўқиб кўринг:

Онажон, кўрдим нузли висолинг,
Аммо унутмадим, бир дам, меҳрибон.
Ўйимда яратиб жонли тимсолинг,
Муқаддас сақлайман қалбимда ҳамон.

Эрта ташлаб кетдинг..
У иссиқ бўсанг —
Афтидан лабларим айрилди бехос.
Аммо оналарни бағрида ўсган —
Фарзандлардан ортиқ қўйганман ихлос.

Кейин менга опаларим қарашди, меҳрибонлик, билан тарбиялашди. Айниқса, катта опам, марҳума Муҳсина опамнинг, ўзи ёш бўлишига қарамай, менга, инжиқ укасига қилган шафқатини қалб тўла ташаккурим билан эслайман.

Отамиз Бобоқул Соли ўгли ҳунарманд эди. Уни, оз-моз хат саводи бўлгани учун, мулла Бобо дегрез деб ҳам атардилар. Оиламиз жуда тўқ ҳам, жуда ночор ҳам эмасди.

Отамизга бу касб ота мерос экан. У киши ўз укалари Собир билан ишлардилар. Собир амакимни ҳамкасблари «Уста Собир» деб ҳурмат қилишар, дегрезлик дўконларини созлаб беришга (ремонт қилишга) махсус чақирардилар. Амаким узоқ умр кўриб, 85 ёшларида яқинда вафот этдилар.

Бизнинг отамиз дегрезлик ишлари ётиб қолган қиш кунларида сандалда ўтириб, китоб ўқирди. Баъзан китобни баланд овоз билан ўқиб менинг ҳавасимни келтирарди. Айниқса, иккита қалин китобни кўп ўқирди. Улардан бирининг номини «Або Муслим» дегани эсимда. Иккинчиси Фирдавсий «Шоҳнома»сининг ўзбекча насрий нусхаси бўлса керак, унда «Рустам», «Зол» деган номлар тез-тез тасвирланарди.

Булардан ташқари, сандал ёнидаги уй тоқчасида Алишер Навоийнинг мактаб дарслигига мўлжаллаб нашр қилинган юпқа бир девони, «Сўфи Оллоёр» китоби ва тўрт хил баёз (шеърый тўпламлар) турарди. Китобга, шеърятга қизиқиш менда дастлаб шунда бошланган эди.

Отам ўргатган нарсалардан иккитаси ҳамон мен билан бирга. Булардан бири китоб ўқиш — мутолаа, иккинчиси соат. Сандалнинг отамиз ўтирадиган томонида унинг дўнгалаксимон, кичик чўнтак соати турарди. Соатда секунд, минут ва соат миллари бўлиб, ҳаммаси ҳам айланарди. Шеърлар воситаси билан у менга секунд, дақиқа ва бир соатнинг ташкил топишини тушунтирди. Мен тез ва осон ўрганиб олдим.

Мени маҳалламидаги эски мактабга беришди. Ушанда ёшим энди қилган тахминимча, 6—7 ларда бўлса керак. Мактаб биноси катта мачит биқинида «мусулмон» ғиштдан қурилган қоронғи бир ҳужра эди. Тўрт атрофига похол тўшалиб болалар олдида узун скамейкага ўхшаган ёнғоқ ёки тут дарахтидан қилинган тахталар турарди. Шу тахталарга китобларини очиб қўйиб, кўзларини атрофга ёки ҳужра шифтига қадаб, уни ёддан ўқирдилар. Домла олдида узун калтак, деворда паллоқ осиглиқ турарди.

Болалар ичидан тезгина саводини чиқарган катталардан домла ўзига ёрдамчи (халфа) тайинлаб, ўзи кун бўйи у уйдан, бу уйга санқиб юргани юрган эди.

Ана ўша деворлари тутундан қорайиб кетган қоронғи ҳужрадаги эски мактабимизнинг халфаси — ўша ўзимизнинг маҳаллалик — Тошпўлат ака экан.

Тошпўлат ака билан бир маҳаллалик, қарийб қўшни

эдик. Мен уни биринчи марта кўрганимда қорачадан келган, кўзлари иссиқ, лаблари қалин, калладор ўспирин эди.

Унинг калласи шу қадар катта эдики, бўйини ингичка бўлганиданми, юрган маҳали унинг боши қимираб-қимираб турарди.

Тошпўлат жуда зеҳни тез, хотираси маҳкам, ақлли ва ўта одобли бола эди. Катталарга «Салом!»ни ҳеч қачон тарк этмасди. Зеҳни ўткирлигидан саводи тез чиққан бўлиб, эски мактабда ўқиганимизда бизларга ёрдам берарди.

Тошпўлат аканинг отаси мулла Саъдулла камбағал деҳқон, боғдор бўлиб, кичкинагина бир ҳовлида истиқомат қилар, оз-моз саводи бўлишига қарамай, бирор дурустроқ хизматга илина олмай фақирона ҳаёт кечирар эди.

Шу сабабдан Тошпўлат ака, ёш ва жуда заиф бўлишига қарамай, ҳам ўқиб, ҳам маҳалла мачитининг таҳоратхонасида гўлахи бўлиб ишлаб, отасига ёрдам берарди.

Каттақўрғонда деярли ҳамма мачитларнинг таҳоратхонаси (қиш кунларида намоз ўқишга келувчиларнинг таҳорати учун сув илтадиган ярим ҳаммомга ўхшаш бино) бўларди. Тошпўлат акани қачон изламай шу жойдан топардим. У қоп-қоронғи, зах бир қўрада чуқур ичига тушиб олиб, тепадаги сув тўла катта қозон тагига ўтин — шохшабба қаларди.

Афти-башараси кул ва қурум босиб кетган ошнамнинг ўқиб юрган китоблари гўлаххонанинг бир чеккасида чангард босиб ётарди.

Мен бу ертўлага ўхшаган зах, қоронғи уйда шохшаббалардан унинг яқинига суриб, бирпас ёрдам берган вақтларимда юрагим оғирлашиб, нафас олишим қийинлашиб қолганини сезардим.

Ишдан бир нафас холи бўлган соатларида иккимиз кўчага чиқиб ўтириб, китоб ўқирдик. Тошпўлат ака тез-тез йўталар ва ўпкасига ёпишиб қолган чанг-чунгларни тупуриб адо қилолмасди.

Шунда ҳам бу бечора ҳар хил шоирларнинг шеърларидан баъзи кунлари байтлар ўқиб берарди. Масалан:

Ашриқат мин акс шамсуй каъс анвор ал худо,
Ер аксин майда кўр, деб жомдин чиқди садо.

Сўфи Оллоёрдан:

Самовот уйини тутди муаллақ,
Жаҳона мулкани кўрсатди мутлақ.

— Мамарасул, биласанми, мана шу Сўфи Оллоёр деган шоирни ўзимизнинг каттақўрғонлик дейишади, ана шу «Шўргузар» маҳалласидан экан.

— Бизнинг Каттақўрғонда ҳам шоирлар кўп ўтган, дейишади...

— Жуда кўп ўтган, битта шоирларгина эмас, олимлар, ҳақимлар кўп ўтган.

— Шоир Мирий ҳам каттақўрғонлик эмиш,— дедим мен уни қувватлаб,— шу ўзимизнинг маҳаллада яшаган эканлар, дадам айтиб берган эдилар.

— Ҳа, шу ерда яшаган.

— У киши ҳақида бир қизиқ ҳикоя ҳам айтиб бердилар дадам.

— Қани-қани?

— Шоир Мирий жуда бадавлат эканлар. Шунинг учун ҳам халқ у кишини қози қилиб сайлабди, лекин кўп қозилар порахўр, ҳаромхўр одамлар бўлар экан. Бир куни кечқурун подачи у кишининг эшиги олдига келиб:

— Оши ҳалол!..— дебди. Хуфтон намозига мачитга чиқиб кетаётган шоир подачига:

«Эй, подачи-ю содда,
Келибсан пою-пиёда,
Қозининг ҳовлисида
Оши ҳалол қайда?»

— деб шеър тўқиган эканлар.

Кулишдик. Тошпўлат ака кўнгилчан ва жуда меҳрибон эди. Мен етим, шунинг учун ҳам унинг атрофида парвона эдим.

— Мен ҳам ўша кишидай шоир бўлсам, армоним қолмас эди. Мана шу, ҳозирги домламиздан аввалгиси,— сўзини давом эттирди ҳаяжон билан Тошпўлат ака,— Мирза Абдуқодир ҳам шоир.

— Қайси Мирза Абдуқодир?— деб сўрадим.

— Эй, Эшонқул ўртоғининг отаси-чи, ўша-да! Тахаллуслари «Ноқис». Битта шеърлари бор, дунёга машҳур. Уни граммафонда ҳофизлар ашула қилиб айтишади.

Ишқингда зор ўлдиму, ғамгин димоғмен,
Бемор фурқатинг билан зоҳирда соғмен,
Ақлу ҳушим сенинг билан ўздан йироғмен,
Кўрсат юзингни, толиби — нузли чароғмен...

— Шуни Эшонқул ўртоғимнинг дадаси ёзганми, Тошпўлат ака?

— У киши ҳозир ҳаётлар, мачитга намозга келадилар, баъзида бизларникига ҳам кириб турадилар.

— Шоир бўлсанг, яхши-да!..— деб қўйди гапнинг охирида Тошпўлат ака хўрсиниб...

Ҳайдар чаман маҳалла мактабига қатнаб ўқий бошлаганининг ё иккинчи ва ё учинчи йили бўлса керак, мен Тошпўлат аканинг Самарқанд шаҳрига, янги кўча мактабига ўқишга кетганини эшитдим.

У ёзда таътилга Каттақўрғонга келди. У тамомила ўзгариб кетган: эғнида қора костюм, оқ кўйлақ, оёғида ботинкаси бор эди. Мен уни бу ҳолда кўрарканман, жуда хурсанд бўлдим ва жуда ҳавасим ҳам келиб кетди.

Маҳалламизда: «Мулло Саъдуллонинг ўғли Тошпўлат шеърлар ёзармиш, унинг шеърларини Совет ҳукумати китоб қилиб чиқарармиш, бунинг эвазига катта пуллар тўлармиш», деган «дув-дув» гаплар тарқалиб кетди.

Ҳамма ота ўз ўғлини Тошпўлат акага қўшгиси, «менинг ўғлимга ҳам ўз ҳунарингни ўргат!» дегиси келарди.

Шу йилдан бошлаб Тошпўлат ака таътилда ҳам Каттақўрғонга кам келадиган бўлиб қолди. Биров уни «касалхонада ётган эмиш», деса, биров «Ҳукумат Қримга юбориб даволаётган эмиш», дерди. Тошпўлат Саъдий мачит гўлаххонасида сил касалига мубтало бўлган эди. Унинг биринчи «Кўнгил тошқинлари» тўплами шеърхонларда яхши таасурот қолдирди.

... Эски мактабда менинг ўқишим «Ҳафтияк» китобидан бошланди. Унинг қандай китоб экани ҳақида ҳалигача тасавуриим йўқ.

Иккинчи йили отам: «Домласи яхши эмиш, боланинг саводини тез чиқарармиш» деб, қўшни Ҳайдар чаман номли маҳалланинг мактабига олиб бориб берди. Ҳақиқатан, бундаги домла менга муллуроқ, жиддийроқ кўринарди. У ориқдан келган, узун бўйли, ўйчан ва жуда сержаҳл охун эди.

У менга ўқишни «Сўфи Оллоёр» китобидан бошлади. Ундаги шеърларнинг мазмуни бошидан охиригача ваҳимали, хурофий бўлишига қарамай, шоирнинг зўр шеърини маҳоратига, шеърларнинг ва халқчил тилига ҳалига қадар қойил-қоламан. Бу китобда мен тушунмайдиган қийин сўзлар камдан-кам эди. У шеърлар дарҳол ёд бўлиб қолар, тасвирлар, образлар кўз олдинда товланиб, ўзига мафтун этар эди.

Бундан кейин домла мени «Ашриқат» деб бошланадиган ғазаллик «Девони Алишер Навоий»га солди. Мен ўшанда 11—12 ёшларда бўлсам керак; менинг мурғак кўзларим олдида улуғ бир жаҳон очилдики, ўзимни катталар қаторида ҳис қилиб қолдим.

Эски мактабнинг ёмон томонларидан бири шундаки, бунда ўқишдан мақсад кўр-кўрона савод чиқаришдир. Бошқача қилиб айтганда, «Китобдаги хатларни хатосиз равишда равон ўқий олсанг бас, ундаги маъно билан ишинг бўлмасин!» қабилида ўқитиларди. Уқилган асарнинг маъносини, тўғриси айтганда, домлаларнинг ўзлари ҳам тушунмасдилар.

Мен улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг биринчи марта ана шу тарзда, хатосиз ўқиёлсам ҳам, лекин мисралар маъносига тушунолмамай ўқиганман.

Кейин мени Ҳайдар чаман мактаби домласи «Фузулий девони»га солди. Энди менинг яхши саводим чиққан, мисралар маъносига ҳам оз-моз тушунадиган бўлиб қолган эдим.

Фузулий шеърлари мени ўзига том маъноси билан мафтун қилиб олди. Мен ана шунда шеърга биринчи марта дуч келганга ўхшадим.

Фузулий китобидаги гўзал сўзлар, гўзал фикр ва маънолар хазинаси кўз олдимда ўз сеҳри билан намоён бўлганидан ташқари, қулоғим остида бир латиф мусиқа янграй бошлади. Бу ёқимли мусиқани фақат мен эшитардим. Гўё гойибона бир овоз фақат менга музика чалиб, менга шеър ўқирди.

Шуниси таажжубланарли эдики, бу завқдан баҳраманд бўлиб қолсин деб Фузулий шеърларидан бошқаларга ўқиб берганимда, уларга унчалик етиб бормади. Бу ёқимли мусиқани гўё фақат мен эшитардим. Шеърятнинг бу сеҳрига мен ҳайрон эдим...

Бир куни отам Розиқбойнинг мусодара қилинган ҳовлисида жуда ҳам яхши янги мактаб очилганини, унда ҳар хил илмлар ўргатилишини айтиб, эртадан бошлаб шу мактабга боришимни буюрдилар.

Эртасига эрталабоқ шу мактабда ҳозир бўлдим. Бундоқ қарасам, маҳалламиздаги тенгқур ўртоқларимнинг деярли ҳаммаси ўша ерда экан.

Бизнинг гуруҳимизга «Иккинчи синф» номини беришди. Бунда Сайфиддин Ғиёсов деган ўқитувчи дарс берарди. У қотмадан келган, ўрта бўйли, катта-катта кўзлари чақнаб

турадиган, қора қошли, келишган йигит эди. Кўринишидан табиати нозик, озодаликни севадиган одам бўлиб, бурнининг остидаги бир чимдим мўйловчаси ўзига жуда ҳам ярашиб турарди. У ўз даврининг ўткир, онгли зиёлиларидан эди, яхши дарс берарди. Ғиёсов мактабга авваллари оқ мисқоли салла, кейинчалик тўппи, телпак кийиб келар, булар ҳам ўзига жуда ярашар эди.

Мен янги «Алифбо»ни биринчи марта шу кишидан ўрганганман. Менда бу мактабдаги хотира ўлароқ, бир катта расм сақланиб келади, ўша суратда бу ҳурматли ўқитувчимиз ҳам бор. Мен олдинда, жуда ёш бўлганим учун бир ўртоғим билан ёнбошлаган ҳолда тушганман.

Мен қачон Каттақўрғонга борсам, ҳурматли ўқитувчимни йўқлайман, чунки, ҳозирги озми-кўпми тўплаган маънавий бойлигимда, камтарин ижодимда ҳам ўша устозларимнинг катта ҳиссалари бор, деб биламан. Қалам ушлаган қўлимни тутиб, шеър эмас, бир ҳарф бўлса ҳам, уни ёзишга ўргатган, аввало, шулар-ку, дейман.

Бу мактабда бор-йўғи биринчи ва иккинчи синфлар бўлса керак, бизларни бир йилдан сўнг, Навоий номли катта мактабга узатишди.

Навоий номли мактаб кенг ва ёруғ хоналар, катта заллардан иборат эди. Бу бино инқилобгача, «Рус тубжой мактаби» бўлган бўлса керак, уни кексалар «Учитель» деб ҳам аташарди.

Навоий номли мактабга асос солган, унда ва умуман Каттақўрғонда биринчи совет ўқитувчиси деб ном чиқарган киши ҳурматли Нурилла Муродов эди.

Мен «Навоий» мактабида 3 синфда Зарифа исмли муаллима қизга жуда ёқиб қолдим. Балки, унинг меҳрибон ва жуда ёқимтой сўзлари менинг етим кўнглимнинг меҳр-муҳаббатга интизор жойларига бориб етган бўлса керак, ўзимни унга жуда яқин сезиб, унга тез ўрганиб кетдим.

Зарифа Урмонова Каттақўрғонда туғилиб ўсган татар қизи эди. У узун бўйли, аммо ғоят ўйчан, жуда ифбатли қиз эди. Биров билан кулиб гаплашар, уялганидан юзлари қип-қизариб кетар, бундай пайтларда уни ичимдан аяр, ҳар қандай ташқи зарбадан ҳимоя қилишга ўзимча чоғланиб кўяр эдим.

Табиат, ҳисоб, жуғрофия ва бошқа фанлардан ўтадиган машғулотлар менда бу мактабга нисбатан катта қизиқиш уйғотди. Бу қизиқиш кўнглимда то ўша дамга қадар уйғонмаган эди.

Зарифа опа мени баъзи-баъзида, дарсларимиз тамом бўлгач, эргаштириб ўзи билан уйига олиб кетарди. Уларнинг уйлари янги шаҳар паркиннинг орқасида эди. Шу баҳона шаҳарнинг илгари кўрмаганим кўчаларини ҳам билиб олдим.

Бир куни кенг майдондан ўтаётиб, катта бутхонага кўзим тушиб қолди. Бутхона пештоқида чопонининг барини елкасига ташлаган бир кишининг сурати ва ундан юқорироқда катта қўнғироқ осиглиқ турарди. Бу қўнғироқнинг «даранг-даранг» баланд овози шаҳарнинг узоқ чеккаларига ва яқин қишлоқларга ҳам эшитиларди. Айниқса, қиш кунлари, қалин қор ёғиб турган пайтларда, бу қўнғироқнинг мунгли овози вазмин жаранглаб, гўё бутун шаҳарга сукунат ёғдираётгандек туюларди. Бу овоз фонида мен танчада чалқанча ётиб, узоқ хаёл суришни яхши кўрардим.

Афсуски, кўп ўтмай Зарифа опа билан ҳам хайрлашишга тўғри келди, биз 1927 йилда «Навоий» мактабини тамомлаб чиқдик. Мен мактабни ҳамма фандан «Аъло» баҳолар билан тамомлаб, давлат имтиҳонида (бу мен учун давлат имтиҳони эди, чунки унда давлат имтиҳон комиссияси иштирок этган) мукофот учун алақанча китоб ва дафтарлар олганим ҳамон эсимда.

1927 йили Зарафшон округи маорифи мени Бухородаги Қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга юборди. Бу техникум пахтачиликдан агрономлар ва агротехниклар етиштириб берарди.

Уша йили техникумимиз Бухоро билан Когон ўрталигидаги икки қаватли ғиштин бинога кўчди. Бинонинг иккинчи қаватида дарсхоналар бўлиб, пастки қават ҳаммаси ётоқхоналар эди.

Менда китобга, айниқса шеърятга қизиқиш Бухорода қизгин тус олди. Шаҳардаги «Минораи калон» деган баланд минора тагида Абу Али ибн Сино номида катта кутубхона бўлиб, у ҳар хил китобларга жуда бой эди.

Ана шу муқаддас жойда кўпгина ўзбек шоир драматурглари, жумладан Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, Боту, Ғайратий ва бошқаларнинг асарларини ўқидим. Мен ана шу ерда татар шоири Абдулла Тўқай, Озарбайжон файласуфи ёзувчиси Мирза Фатали Охундов, Собир, Воқиф, шоир Самад Вурғун, Сулаймон Рустам шеърлари билан танишдим. Булар менга, ўз асарларинигина эмас, ўз она тилларини ҳам ўргатдилар. Уларнинг тиллари орқали жаҳон классикларидан — Вильям Шекспир, Виктор Гюго,

Сервантес, Пушкин ва Некрасовлар билан биринчи марта танишганман.

Мен бу кутубхонадан Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом ва бошқа шоирларнинг биринчи китобларини олиб ўқиганман. Ана шуларнинг шеърлари менинг юрагимда Навоий ва Ғузулий ундирган шеър куртагини баҳор шабадасидек япроқ ёздириб юбордилар.

Бу мутолаалар натижасида ҳамда юрагимда уйғонган оташин илк муҳаббат туфайли, мен ҳам алоҳида дафтар тутиб, шеър машқ қила бошладим. Ҳамид Олимжоннинг қувноқ руҳли ва ўйноқи мисралари, Ойбекнинг ҳиссиёт тўла, салмоқли сатрлари менинг юрагимни алғов-далғов қилиб, гўё жон ва қонимга яқин, муштарак бир алангани ўз қалбларидан туташтириб келиб, менинг қалбимга ҳам ёқиб юборган эдилар.

Менинг «Сув» сарлавҳали биринчи шеърим «Еш ленинчи» газетасида биринчи 1929 йилда босилиб чиқди. Бу Тошпўлат аканинг биринчи ижодий ёрдами эди. Шу санадан бошлаб, шеърларим «Озод Бухоро», «Қизил Ўзбекистон» газеталарида ва «Гулистон», «Ёрқин ҳаёт» журналларида бирин-кетин босила бошлади.

1931 йил баҳорида техникумдан қишлоққа практикага кетдик. Мен Бухоронинг Шофрикон районида тушдим. У йилларда қишлоқда коллективлаштириш қизғин борар эди. Қишлоқлар алғов-далғов бўлиб, жанговар ҳаёт кечирар эди. Ушанда шу мавзуга оид «Оқ олтин» деган драма ёздим.

1931 йил кузида Абил, Камол деган ўртоқларим билан олий мактабга кириш учун Самарқандга келдик. Бу менинг Самарқандга иккинчи келишим эди. Ўртоқларим ҳам шеърят ҳаваскорлари эдилар. Иккаласи ҳам шеър машқ қиларди. Камол санъатга ҳам жон-дили билан қизиқарди, бадиий ҳаваскорлар тўғарагида у бизнинг режиссёримиз эди. Абилнинг баъзи шеърлари республика матбуотида, турли альманахларда ҳам босилган.

Самарқанд Педакадемиясига (ҳозирги СамДу) ҳужжатларимизни топшириб, имтиҳон кунларини кута бошладик. Мендан адабиёт бўйича имтиҳонни профессор Абдурахмон Саъдий олди. Уша йиллари профессорнинг «Адабиёт дарслиги» номли китоби барча ўқув юртларида асосий қўлланималардан бўлиб, деярли ҳаммада бор эди... Мен ҳам бу китобни ўқийвериш, ёд қилиб юборган эдим.

Профессор табиатан қизиқ одам эди. Имтиҳонда унинг берган ҳамма саволларига тортинмасдан жавоб бера бош-

ладим, охирги саволнинг жавобини мендан диққат билан тинглаб турди-да, менга ҳайратомуз қараб туриб:

— Мунча тиришқоқ бола экансан? Айбат!— деб юборди.

Мен бундан ичимда жуда хурсанд бўлган бўлсам ҳам, лекин маҳмаданалик қилиб юбормадиммикан, кекса одам билан ёшлар ўртасидаги одобни бузмадиммикан, деб гоят хижолат тортиб юрдим. Ниҳоят, икки-уч кундан кейин Педакадемияга қабул қилинганлар рўйхати доскага осилди. Унда фақат менинг фамилиям бўлиб, икки ўртоғим йўқ эди.

Ўртоқларим билан хайрлашиб, оғир бўлса ҳам ўзим ёлғиз қолишга мажбур бўлдим. Катта шаҳар ҳаёти ва қизғин билим қучоғи мени ўзига тортиб кетди.

Самарқанд ўзининг қадимий ёдгорликлари, эски Шарқ услубида яратилган муҳташам бинолари билан мени сеҳрлаб қўйди.

Қадимий Регистондаги баланд мадрасалар пештоқларига тумшуқ уриб каптарлар учиб юрар, баъзилари ҳавозаларга қўнишиб, «ҳув-ҳув»лашиб ётарди.

Мен Регистон майдонининг бир чеккасида туриб у ердаги тилсиз сукунатга қулоқ солишни севиб қолдим. Бундай пайтларда кўз олдимга Улуғбек ва унинг мадрасасида дарс берган олимлар, улуғ астрономлар, Алишер Навоий, Жомий, Саккокий каби сиймолар келар эди.

Тошкентга келиб, 1938 йилда Низомий номидаги Педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини имтиёзли диплом билан тугатдим. Уша йили менинг биринчи шеърлар тўпламим — «Ватан шаънига» нашр қилинди.

Ана шунда мен бутун умримни адабиётга бағишлаганимни чуқур ҳис қилдим. Жамият учун бир фойдали киши бўлиб етишиш, халққа сўз, адабиёт орқали хизмат қилиш идеали мени тинимсиз ижодий меҳнат қилишга йўллади.

Олий мактабда ўқир эканман, жуда кўп ўқитувчилардан таълим олдим. Буларнинг ҳаммаларига ҳам юрагимда ҳурмат ва муҳаббатим зўр. Шу ҳурматли устозларимдан, хусусан, уч кишининг номини тилга олмасдан ўтолмайман.

Улардан биринчиси Мақсуд Шайхзода.

Мақсуд аканинг номини қачон тилга олмай, унинг қаршисида ўзимни катта бурчли сезаман. У менга фақат қофия жуфтлашни ўргатган устозгина эмас, тилда адабиёт алифбосини ўргатган муҳтарам ўқитувчим ҳамдир.

Тўғриси айтганда, ўттизинчи, қирқинчи ва қисман эллингинчи йилларда республикамизда етишиб чиққан адабиёт ва санъат соҳасидаги зиёлиларнинг кўпчилиги унинг сермазмун ва серзавқ лекцияларини тинглаб, чуқур билимидан баҳра олганлар.

Мақсуд Шайхзода том маънодаги олижаноб инсон эди. Унинг буюк ва камтар, ақлли ва содда, дона ва камсухан, билимдон ва толиб, одил ва қўрқмас, ҳақиқатгўй ва меҳрибон қиёфаси шоғирдлари, дўстлари дилидан абадий жой олгандир.

Мақсуд Шайхзодани ноёб истеъдод эгаси, баркамол олим ва файласуф, оташин шоир деб биларди ҳамма. Унинг қаламидан сиёҳ беҳуда томмасди. Мазмундор назарий мақолалар, танқид ва тақризларию классик низом билан ёзилган дostonлари, фалсафий ва гўзал шеърлари, ҳар бири нуқул ҳикматдан иборат жўшқин мисрали рубойлари, драма ва сценарийлари ҳозир адабиёт ва санъатимиз хазинасидаги салмоқли дурдоналаридан ҳисобланиши бежиз эмас, албатта.

Мақсуд ака улфат одам эди. Ҳар қандай даврнинг савиясига ўзини мослай оларди. Улфатлар ҳам у ҳозир бўлган даврдан чиқиб кетолмасдилар. Оқилона гаплар, беғараз муболаға ва кинолар, нозик қочиримлар ўтирган кишилар кўнглига завқ-шавқ тўлдиради.

Мен, кўп мартабала тузатишимга ишониб, шуни айта оламанки, Шайх ака бирор кишининг кўнглига қаттиқ тегмади; дилозорлик унинг одобига ёт эди. У одам боласини ҳурмат қилар ва унга оқ кўнглилик билан ишонарди. У ҳаммага қўлидан келган ёрдамини аямайдиган, ўта одил, ўта сахий, ўта жўмард ва мурувватли қалб эгаси эди. Унинг қалбидан гина-кудурат, ҳасад, ғайирлик, ғараз, ўткинчи алам ва озор учун қасос олиш, кўролмаслик, бахиллик каби ярамас туйғулардан асар ҳам йўқ эди. У ўзи ғоят оқ кўнгил бўлганидан менга нисбатан ҳам бирор кимсанинг ёмонлик қилиши мумкин эмас, деб ишонар, шунинг учун ҳам чиройли лабларидан табассуми аримасди. Ўзи ҳам завқ билан кулар ва бошқаларни ҳам кулдира биларди, кўпчилик ўртасидаги муомалага кирган, кўришиш вақтида одатий сўзлар бўлиб қолган: «Ўзларидан сўрасак?» ибораси ҳам Мақсуд Шайхзоданикидир. Муҳими шундаки, бу ибора озгина ҳазил, кулги омукта бўлса ҳам, у шоирнинг самимийлигини яққол ифодалаш билан бирга камтарлигини ҳам кўрсатиб турар эди.

Шоир Мақсуд Шайхзода, айниқса умрининг кейинги йилларида «Осиё девони», «Бинафша дастаси» каби ажойиб шеърӣ туркумларини яратди. Улар ҳар томондан ҳам етук, мазмундор бўлиб, ақли ва маҳорати камол топган бир ижодкор қалбининг маҳсули эди, бинобарин, шеърӣ хазинамизнинг бебаҳо жавоҳирларидан бўлиб қолди.

Мен Мақсуд ака билан 1966 йил ёзида уч-тўрт ой бирга турдим.

Уша йили кўкламда юз берган Тошкент зилзиласи бизни шаҳардан Дўрмон қишлоғига, Ўзбекистон ёзувчилар союзининг ижод боғига улоқтирган эди. Иккимиз ҳам бир-бирига ўхшаган касал билан оғир эдик. Том маъноси билан «ҳамдард» эдик. Худди ўша боғда Шайх акани бир дастурхонда овқат еб, бир телевизорда томоша кўриб, яна яқинроқ билдим, яна баттар севиб қолдим, ҳурматим яна ўн баравар ошди. У жисмонан касал эди. Бу бедаво дард уни кундан-кунга енгиб борар, буни ўзи ҳам сезарди. Лекин у ҳеч ҳаётдан умидини узмади, тақдирини шифокорларга ишониб қўйди-ю, ўзи тинмай ижод қилаверди. Газета ва журналларда кейинги пайтдаги ҳозиржавоб шеърларини, кенг мулоҳазали мақолаларини ўқиб, тафаккури ва завқидан баҳраманд бўлган кишилар мазкур асарлар ёзилган пайтда автор оғир дарддан қай даражада қийналаётганидан ва булар қандай вазиятда қоғозга тушаётганидан беҳабар эдилар, албатта. У жисман бетоб бўлса ҳам, руҳан тетик ва соғлом эди.

У Алишер Навоӣ ҳақидаги кейинги илмӣ монографиясининг сўнги бобларини Дўрмондаги ижод боғида яратди, журнал корректурасини ҳам шу ерда ўқиди. Мен бу машҳур ва ажойиб монографиянинг янги бобларини корректурада шу ерда ўқишга муяссар бўлган эдим. Назаримда, буюк Алишер Навоӣнинг лирикаси, орадан 500 йилдан кўпроқ вақт ўтиб, ўз баҳосини, тўлиқ таҳлилини энди кўргандай эди. Агар «ғазал мулкининг султони» ҳозир тирик бўлганда эди, у ўз ғазалларида яширинган теран маъноларни, нафис ҳислар ва туйғуларни топиб, юзага чиқара олган бу монография авторини миннатдорлик билан қучиб, унинг кенг манглайдан ўпарди.

Мақсуд аканинг суҳбатларида назокат ва фасоҳат билан айтган ҳар сўзи, ёдаки ўқиган ҳар тўртлиги кишилар ақлига ақл, одобига одоб, завқига завқ қўшарди, у тасанно дейишга арзӣдиган доно эди. Мен унинг маъна шу фазилат-

ларини кичик бир шеърда тасвирлаб, устозни бир лаҳза хурсанд қилганимдан ўзим ҳам ҳали-ҳали итфихор қиламан. Мана у шеър:

ҲАВАС

Зарғалдоқлар баҳслашар боғда,

Бири сўрар:

— Ким у Шайхзода?

Бири деди:

— Менман Шайхзода!

— Са-а-а-н?

— Ўзларидан сўрасак?

— Йўқ, мен, Шайхзода!..

Бу тортишув тонгдан қулоқда,

Қўшганим йўқ мен бир сўз, дўстлар,

Ё бир оҳанг қуш таъбирига,

Не таажжуб,

Сайроқи қушлар

Ҳавас қилса доно шоирга!

Бу шеър менинг «Шаббода ва япроқлар» номли шеърӣ туркумимга кирган. Туркумни ўша ёзда (1966 йил ёзи) ижод боғида ёзганман. Туркумим тўла битгач, Союзнинг поэзия секцияси боғдаги азим чинорлар тагида уни муҳокама қилган эди.

Ўзига бағишланган юқоридаги «Ҳавас» шеърдан ҳали беҳабар бўлган Шайхзода муҳокама мажлисининг раиси бўлиб қолди. Туркумни ташкил қилган шеърларни бир бошдан мен ўқий бошладим. Раис шеърларни диққат ва эътибор билан тинглаб, олдида турган қоғозга алланарсаларни ёзиб ўтирди. Мен, шеърлар тинглаб турган кишиларга тўла етиб борсин деб секин-секин ўқирдим ва айни вақтда «Ҳавас» шеърига Мақсуд ака нима деркин ва қандай баҳо бераркин, деган фикрни хаёлимдан ўтказардим.

Навбати келиб, туркумдаги у шеърни ҳам секин-секин ўқий бошладим. Ҳамма бирдан Мақсуд акага қаради. У ҳам ўтирган жойида ўз қаддини ростлаб, мен томонга эътиборини яна ҳам кўпроқ ўгирди. Шеърни ўқиб тамомлашим билан, унинг юзларида мамнуният табассуми ялтиради. Тинглаб турган ўртоқларга ҳам шеър маъқул бўлди, бунда шоирга нисбатан юракларда бўлган кўпчилик ҳурмати, кичкина бўлса ҳам, ифода қилганимни сезиб, ўзим ҳам хур-

санд бўлдим. Менимча, шоирни ҳамма ерда ҳамма яхши кўрарди, ҳурмат қиларди ва унинг шаънига ҳамманинг бирор илиқ сўз айтгиси келарди.

Кимдир, бир ўртоқ шунда, шеър яна ҳам силлиқроқ, яна ҳам гўзалроқ чиқсин деб, унинг олтинчи мисрасидаги «Са-а-а-н?» деган сўзга эътироз билдирди. Шунда Мақсуд ака менинг ўрнимга дарров жавоб берди:

— Йўқ, бу сўзнинг шеърдаги талаффузида озарбай-жонча оттенкаси бор, буни автор атайлаб шундай берган.— деди.

Шоирнинг кичкинагина бир манзумадан нақадар шодланганини кўриб турардим. Унга одатан, ҳаққоний айтилган гаплар, самимий тақдирлашларгина ҳазм бўларди. Ортиқча ва ўринсиз мақтовларнинг носамимийлигини дарров сезар ва шу сабабдан, кечикиброқ қилинган мадҳияларни ҳам писанд қилмасди. Улардан унчалик таъсирланмасди ҳам.

Чин инсон бўлган Мақсуд Шайхзода дўстларидан бирининг бошига тушган ногаҳоний ташвиш ё мусибатдан оғир қайғурарди, ич-ичидан ачинарди. Унинг бу характери яхши билган атрофидаги кишилар, айниқса, касали оғирлашган пайтларда, уни тасодифий зарбалардан, нохуш хабарлардан қўриқлаб турардилар.

Устоз шоир Ғафур Ғуломнинг ўлими ана шундай зарбали нохуш хабар бўлиб, бизга, Союз боғига етиб борди. Буни эшитиб қолган хотинлар ўзаро маслаҳатлашардилар, оғир мусибатни бизга бирдан эмас, секин-аста «безор» эшиттириш тадбирини кўрадилар.

... Мен тун билан юрак сиқишидан қийналиб узоқ ух-лолмаганимга қарамай, қулоғимга чалинди. Қўл радиосини излаб, хонадан топа олмадим. Ҳайрон бўлдим. «Ким олиб чиқди?»

Миллий оркестрнинг чалаётган оғир куйидан ташвишланаётганимни сезиб ётган Мавжудахон кўзларини очиб:

— Ҳа, вақтли уйғонибсиз?— деб сўради ҳеч нарса билмаган кишидай бўлиб.

— Радиода мотам куйи чалиняпти, бирор ҳодиса юз бермадимикан? Радио қани?

— Кеча кечқурун Сакина хоним сўраб олган эди.

Тездан олиб келишни илтимос қилдим. Хоним эса, вазмин қўзғалиб, ўрnidан турди, ювинди ва яна анча вақт ойнага қараб, ўзига оро берди. Шундан кейингина индамай радиони олиб келгани чиқиб кетди.

Қўлимга олиб бурашим билан радио йиглаб юборди... «Чўли ироқ» оғир мусибатдан дарак берарди. Бураб бошқа тўлқинларни тинглаб кўрдим. Ҳамма ёқда қувноқ ялла ва қўшиқ: «Демак, бу ҳодиса фақат Тошкентда, бу оғир мотам ҳам замини тўхтовсиз титраб турган Тошкент бошига тушган».

Бу мусибатли хабарни мен куннинг иккинчи ярмидагина кимдандир эшитдим. «Наҳот?» — тилимга келган шу сўз бўлди. Аввал ишонмадим, чунки Ғафур акани ўлмайдиган одам деб ўйлардим, унинг ўлимини хаёлимга ҳам келтириб кўрмаган эдим. Эртага эрталаб унинг мотам маросими.

Боғдаги кишиларнинг деярли ҳаммаси шаҳарга тушиб кетган. Кеч кира бошлади. Ҳамма вақт ҳам, нимагадир, шом пайти менга қаттиқ таъсир қилади. Бунинг устига буқунги оғир мотам ҳам қўшилди. «Наҳот?», «Наҳот бу ҳақиқат?» Бошим устида илҳом париси айлана бошлади. Ички қайнашни тўхтатишга, кейинроқ суришга тиришман. Бу ғамни ҳам бўлишишга, енгиллатишга Мақсуд аканинг хонаси томон юрдим.

Эшикни очсам, Мақсуд ака ёзув столида, буғ бурқираб турган стакандан лимонли чой хўплаб, диванда Сакинахон билан гаплашиб ўтирибди. Мен кириб салом беришим билан:

— Аҳволи бугун оғирлашиб қолибди-да, Ғафур аканинг... — деди Сакина хоним Мақсуд акага бепарво қараб.

Мен бу огоҳлантиришни дарров тушундим. Демак, у яқин оғайниси Ғафур аканинг вафот этганини ҳали эшитмаган. Калта-калта нафас олиб, хотинининг сўзларига қулоқ соларди. У дўмбоқ лабларидан чой юқини ялаб, энди менга тушунтира бошлади...

— Ғафурнинг аҳволи жуда оғирлашган эмиш. Юз бермасин, агар бирор нарса бўлса, яхши бўлмайди...

Мақсуд ака худди оламдан беҳабар ёш болага ўхшаб кўринди кўзимга.

Мен унга мотам хабарини айтмай, Ғафур аканинг қизиқ-қизиқ ишларидан гапиришиб ўтириб бирпасдан кейин кетишга рухсат сўрадим.

Мени кузатган бўлиб йўлакка чиққан Сакина хоним:

— У ҳали эшитгани йўқ. Ўзининг аҳволини кўриб турибсиз, жуда оғир... Аста-аста, ётиги билан эшиттираман... — деди. Хайрлашдик.

Бу орада менинг бошимни банд қилиб олган «Марсия» ҳам қарийб битиб қолган эди. Стулга ўтиришим билан қуйилиб қоғозга тушди.

Эртасига эрталаб Шайхзода машина чақиртириб, дўстининг мотам маросимига, шаҳарга ҳаммадан олдин тушиб кетганини айтишди.

Шундан кейин, сал ўтмай, кузак бошланиши билан Мақсуд ака Ижодий уйни ҳувиллатиб, санаторийда даволаниш учун Дўрмондан узоқ бир шаҳарга жўнаб кетди. Бу гал у жуда узоқ даволанди.

Бир куни уйда телефон жиринглади. Трубкани олсам, Мақсуд ака. Жуда заиф эшитилаётган овозидан унинг анча мазаси қочганини пайқадим. Гапиришга мадори келмасди, унга ёрдамга Сакинахон келди. У ҳалиги шеърни унутмаган экан, гап орасида шеърларнинг бирор жойда босилган-босилмаганини сўради.

Туркумнинг «Шарқ юлдузи»да босилиб чиққанини ва унда ўзига бағишланган шеър ҳам бор эканини дарров хабар қилдим. У раҳмат айтди ва яна сўради:

— Шу журналнинг янги сонида бизнинг Навоий ҳақидаги асаримизнинг кейинги боблари ҳам босилди, ўқиб чиқолдингизми?

Журналнинг янги сони ҳали етиб келмаганини айтиб, афсус билдирдим. Лекин, албатта, тездан ўқиб чиқшимни ва ундан олажак таассуротимни айтишга сўз бердим.

Бу ҳурматли шоир билан охирги бор гаплашаётганим эканлиги ҳаёлимга ҳам келмаган эди!

Унинг менга берган кейинги саволини ҳамон ўйлаганда, мен ёзувчи энг сўнгги дамида, ўзининг сўнгги асари ўқувчилар томонидан қандай кутиб олинди, у ҳақда фикрлар қанақа, жуда-жуда билгиси келади, деган мулоҳазанинг ҳақиқат эканини яна бир марта тушундим.

Мана, энди у орамизда йўқ. Лекин бу забардаст олим ва атоқли шоирнинг ёрқин сиймоси уни таниган ва билган кишилар қалбида абадий яшайди.

Уқишда ҳам, ижодда ҳам менга анча-мунча ёрдами теккан, чуқур таъсир кўрсатган кишилардан яна бири профессор Ҳомил Ёқубовдир. Ҳомил Исломович ҳозирги замон ўзбек адабиётидан дарс берарди. У ёш эди. Унинг ўша вақтдаги келишган ва ўйчан қиёфаси ҳамон кўз олдимда.

Сал ўтмай, ўқитувчим билан ўртоқ бўлиб кетдим, ишда бошланган ва кўпгина синовлардан ўтган бу муносабатимиз чинакам дўстликка айланди.

Мен улуғ Ватан урушидан кейин, армия сафидан бўшаб келгач, «Шарқ юлдузи» журнали редакциясида ишлай бошладим. Ойбек — журналнинг бош редактори. Ҳомил Ёқубов масъул секретари эди. «Шарқ юлдузи» уруш сабабли тўхтаб қолган «Ўзбекистон совет адабиёти» журналининг давоми бўлиб, унинг биринчи сонини 1946 йилда Ҳомил Исломович билан бирга чиқарганмиз.

Бизнинг дўстлигимиз шу иш жараёнида, журналистик соҳада мустақамланади. Аслида юлдуз-юлдузга, дид-дидга, кейинчалик, фикр-фикрга мос тушган эди.

Ҳамма жойда, ишда, мажлисда, уйларда, ҳамма вақт бўлмаса ҳам, кўп вақт бирга эдик. Айниқса, сермузокара мажлисларда тирсагим дўстимнинг биқинига тегиб турмаса, ўзимни ярми йўқ нарсадай сезардим. Тез-тез бўлиб турадиган бундай мажлис ва кенгашлардан кейин музокараларни эслашар ва муҳолифлардан қайси бири ҳақ, қайси бир ноҳақ, муҳокама қилиб, ягона фикрга келардик.

Ҳомил ака — зўр, ақлли, чуқур илм соҳиби бўлишига қарамай ғоят камтар киши. Бу камтарлик ҳатто шу даражага бориб етганки, бу уни одамлар кўзига жуда уятчан, жуда ҳаёли қилиб кўрсатади. Мана шу томони юзага уриб, бўртиб турган пайтларида уни кўрган баъзи ўртоқлар унга «бўшанг», «ожиз» деб қарайдилар.

Адабий танқидчига, менимча, ҳамма нарсалардан ҳам олдин, чуқур билим, кенг мушоҳада ва холислик керакдир. Ҳомил Исломовичда зеҳн ҳам, билим ҳам, партиявий принцип ҳам, ўткир қобилият ҳам — ҳаммаси мавжуд. Унинг ана шу фазилатлари туфайли у ҳамма ерда, кўпчилик томонидан ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинади.

Ҳомил Ёқубовнинг ижоди кўп қирралидир. У ўзбек адабиёти классикаларининг катта-катта намояндалари ижодига оид, ҳозирги замон адабиётимизнинг ҳамма жанрларига — проза, поэзия, драматургия ва адабий танқидга оид қатор мақолалар, илмий монографиялар бағишлаган катта адабиётшуносдир.

У Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов каби атоқли ёзувчиларимиз

ижодини ҳар томонлама таҳлил қилган, чуқур мазмунли мақола ва илмий асарлар авторидир.

Уни кўпгина танқидчи ва адабиётшунослардан ўз фикридан чалғитиш ҳеч мумкин эмаслиги фазилати ажратиб туради. У ўзининг «Адабий танқидчи» деган шарафли касбини ошна-оғайничликка ёки хушомадгўйликка, ҳатто моддий манфаатга ҳеч қачон қурбон қилмаган. Бу собит танқидчи шиддатли ҳужумларга учраганда ҳам, баъзан камситишларга дучор бўлиб юрган пайтларида ҳам тоғдай чидам билан туришини бир неча бор кўрганман.

Шунинг учун ҳам жонажон адабиётимизни юракдан севган, унинг ғоявий ва бадиий юксаклиги учун курашиб келаётган бу мард танқидчининг обрўи кундан-кун ошиб бормоқда.

Танқидчининг принципи ҳақида яна бир мисол:

Ҳомид Еқубовда ҳар бир ёзувчи ва ҳар бир асар ҳақида ҳамма вақт ўз фикри мавжуд. Ҳамма ерда ҳам ана шу фикрини изҳор қилади. У қорани оқ демайди, оқни қора. Аччиқ бўлса ҳам, ҳақиқатни айтади, юз-хотирни билмайди. Унинг жамоатчилик олдида орттирган обрўсининг сабаби ҳам ана шунда!

Институт даргоҳида менинг билим ва дидимнинг шаклланишига таъсир кўрсатган ўқитувчиларимдан яна бири профессор Ҳамид Сулаймоновдир. У бизга антик адабиётдан дарс берарди. Бу фан менинг ва шерикларим кўзи олдига эски дунёни янгидан очган эди.

Ҳамид Сулаймон ана шу дунёнинг жуда қадимий даҳолари ижодидан бизни баҳраманд қилди. У ўзининг бу соҳадаги чуқур билими билангина эмас, равон ва сермазмун нутқи билан ҳам, нозик табиати ва чиройли одоби билан ҳам, юксак маданияти билан ҳам ўзига жалб қилиб олган эди.

Кўпчилик шогирдлари, ёшлар (унинг ўзи ҳам у вақтда ёш эди) ҳурматли ўқитувчиларга, билимли ва маданиятли кишининг мукамал қиёфаси сифатида қарардилар, намуна олардилар, тақлид қилардилар.

Бу муҳтарам ўқитувчим ҳақидаги ёрқин таассурот менинг қалбимда, вақт ўтган бўлишига қарамай, ўз тароватини йўқотган эмас.

Ёш суҳбатдошим билан ўртада бўлаётган гап борган сари қизиб борарди. Суҳбатдошим журналистларга хос пишиқ характерга эга. У ҳар замон салмоқли савол бе-

риб, мени гапга солиб қўяди-да, ўзи жим ўтириб тинглайди. Мен эса, саргузашт сўзлагандай, атрофлича ҳикоя қилишга, жавобим билан уни қаноатлантиришга уринаман.

— Абутанбал билан биринчи марта қай тариқа танишгансиз?— дея сўради у. Мен у киши ҳақида кўрган, билганларимни ҳикоя қилиб бердим.

Ёшлик пайтимда эшигимиз олдидан ҳар куни чуқур хаёлга банд, атрофдагиларга унча парво қилмаган, баъзан ўзи-ўзи билан пичирлаб сўзлашган ҳолда бир одам ўтиб, қайтарди. Катта одамлар уни «Шоир Абдулҳамид Мажидий» дер эдилар. Мени қизиқтирган нарса шу эдики, ҳалиги шоир деганлари кекса ёки катта одам ҳам эмас, ёшгина йигитча эди, лекин ҳамма унга ҳурмат сақлаб, саломлашарди.

Мен ҳам у кишига ҳар сафар ўрнимдан туриб: «Ассалому алайкум» дердим. Шоир хаёлчанликни бир нафас тарк этиб, саломга жавоб қилар ва ёқимтой кулиб, бир-икки илиқ сўз ҳам айтиб кетарди.

Мен у киши билан кейинчалик яқиндан танишдим. Унинг қиёфаси мен учун яхши инсон ва шоир намунаси бўлиб, кўз олдимда бир умрга қолди:

Абдулҳамид Мажидий — ўрта бўйли, оқ, кулча юзли киши эди. У жуда ориқ бўлиб, аммо серсоқол, оқ юзи уни кўзга тўла қилиб кўрсатарди. Кўзида доимо кўзойнак, бўйнида галстук, бурни остида (ўша вақтнинг модаси бўлса керак) бир чимдим мўйловчаси бўларди.

Ҳамид аканинг ёрқин сиймосини (Каттақўрғонда уни ҳамма ёшлар «Абдулҳамид ака», «Ҳамид ака» дерди) энди кўз олдимга келтирсам, ҳақиқатдан ҳам унинг туғма шоир эканига қайта-қайта иқрор бўламан, истедоднинг туғма бўлишини ишонч билан тасдиқлагим келади.

Буюк Октябрь инқилобининг бу оташин куйчисини уни кўрган, билган ва таниган кишилар ҳали-ҳали яхши сўзлар билан эслайдилар, унинг номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар.

Абдулҳамид Мажидий табиатан хушчақчақ, ўткир зеҳли ва сқил, айни чоқда киноячи одам эди. Каттақўрғонда етишиб чиқаётган ёш ёзувчилар унинг атрофини ўраган эдилар. Шеърхонлик даврасида ўтиргандами, чойхонадами, уйдами, йўлдами — тасодифан қизиқ гаплар айтиб, ҳамманинг ичагини узгудек кулдиргани-кулдирган

эди. Үз гапидан энг аввал ўзи «қаҳ-қаҳ» отиб, маза қилиб куларди. Бошқаларга кейинроқ етиб борса керак, лаҳза ўтмай, ҳамма кула-кула қорнини ушлаб, ерга энгашиб қоларди.

У асосан, ҳажвгўй шоир эди. Лекин айни вақтда ажойиб лирик шеърлар ҳам ёзарди. Унинг 1928 йили нашр қилинган «Хандон доалар» деган биринчи тўплами, бошдан охиригача ҳажвий шеърлардан иборат бўлиб, иккинчи тўплами «Қалдирғоч» лирик шеърлардан тuzилган.

Шоирнинг уйи бизга яқинроқ жойда бўлиб, меҳмонхонаси ҳамма вақт халқ шоирлари (бахшилар), шеър мухлислари билан, маҳалла-кўй одамлари билан тўла бўлар эди. Бунда коммунист шоир партия ва Совет ҳукумати-нинг янги тадбирлари ҳақида тушунтиришлар олиб борар эди. Баъзи кечалар Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан бахши ва бошқа халқ шоирлари тонг отгунча дўмбира чертиб, қора терга ботиб, дoston ва термалар айтадилар.

Дунёда унинг энг севган нарсаси китоб эди. Бирор янги китобнинг дарагини эшитиб қолгудай бўлса, у қаерда ва кимнинг қўлида бўлмасин, қўлга киритмасдан қўймасди. Қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй юриб, китоб қидирарди. Уйда бой кутубхонаси бўлиб, унда нодир қўл ёзма китоблар ҳам кўп эди, қачон уйига бормай, муккайиб китоб ўқиётгани устидан чиқардим.

Абдулҳамид Мажидий, классик меросимизнинг пухта билимдони, баҳслашганда ҳар қандай билагонни енгиб, кулгили аҳволга солиб қўядиган, классик адабиётимизга мансуб Шавқий, Мирий, Ноқис каби ўнлаб шоирларни биринчи бўлиб кашф этган илмий тадқиқотчи ҳам эди. Унинг булар ҳақидаги илмий мақолалари «Маориф ва ўқитувчи» журналида босилиб турарди.

Абдулҳамид Мажидийни, Октябрь инқилоби шоиригина эмас, инқилобчи шоир, дейиш тўғрироқ бўлар, чунки у ўзининг борлигини шу инқилобга, Коммунистик партияга, коммунистик ғояга бағишлаган коммунист шоир, оташин курашчи, қисқаси, партиямизнинг довурак ва фидокор ёрдамчи сифатида «Зарафшон» ва «Озод Бухоро» газеталарининг дастлабки муҳаррири бўлиб ишлаган. Унинг бой ва руҳонийларни, инқилоб душманларини — порахўрлар, тўралар, хотин-қизлар озодлигига қаршилиқ қилганлар — ҳамма-ҳамма бадкор унсурларни ҳажв қам-

чиси тағйга олган жуда ўткир шеърлари, балладалари ана шу газеталарда босилган.

Бу шеърлар одамлар орасига қўлда кўчирилиб, тез тарқалар, улар босган газета ва «Муштум» ҳамда «Машраб» журналлари эса, қўлма-қўл бўлиб кетарди. Турли тескаричиларни, амалпарастларни, порахўрларни, ифвогарларни раҳмсиз равишда фош қилувчи бу асарлар, айниқса, ёшлар томонидан тез ёд қилиб олинар, қизил чойхоналарда қайта-қайта ўқилар, саҳналарда артистлар томонидан ижро қилинарди. Содда бадий тил билан ёзилган мазкур асарларга халқ киноялари, халқ иборалари сингиб кетган бўларди.

Шоир Абдулҳамид Мажидийнинг номи фақат республикадагина эмас, қўшни республикаларда ҳам машҳур эди. Унинг шеърлари Озарбайжоннинг «Мулла Насриддин» ва бошқа журналларида мунтазам босилиб турарди. У ўзининг ҳаммага маъқул ижоди билан катта шухрат қозонган эди.

Унинг «Ватан», «Наҳрипай» каби лирик шеърларини ва «Дебоча», «Истар кўнгил», «Кўппак», «Елгончи — айғоқ», «Дедим — деди», «Шеър ўғриси» каби жуда баланд ва маҳорат билан ёзилган ҳажвий шеърларини унутиш мумкинми, ахир!

Мен Ҳамид ака билан охири марта 1937 йилнинг куз ойларида Наманганда учрашдим. Унда Наманган Педабалим юртида адабиёт ўқитувчиси эдим. Наманган театрида «Отсиз» деган музикали драмаси қўйилаётгани учун театр уни Наманганга таклиф қилган экан. У 10 — 15 кун бизникида меҳмон бўлиб турди. Менинг янги шеърларимни ўқиб, жиддий маслаҳатлар берди. «Йиллар» деган бир шеъримни ўқиб: «Мамарасул, энди сизни ҳам шоир деса арзийдиган бўлиб қолибсиз!» деб кўнглимни кўтарди.

У ҳар куни театрга қатнар, коллектив билан жиддий иш олиб бораётганини сезардим. Бизнинг бутун оиламизни премьерарага таклиф қилди. Пьеса ва унинг постановкаси менга жуда ёқди. Драмани ёш режиссёр, ҳозир эса Ўзбекистон халқ артисти Амин Турдиев саҳнага қўйган бўлиб, бош ролларни театрнинг ёш истеъдодли артистларидан Раззоқ Ҳамраев ва Турсуной Жаъфаровалар маҳорат билан ижро этишди.

Абдулҳамид ака гоят хурсанд бўлиб, Тошкентга қай-

тиб кетди. У ўша йилларда «Муштум» журналида ишларди.

Абдулҳамид Мажидий СССР Ёзувчилар союзининг биринчи аъзоларидан бўлиб, Иттифоқ ёзувчиларининг Биринчи съездида қатнашган.

Шоир бир неча йил Хоразмда ҳам яшаб, катта ишлар қилган ва ажойиб асарлар яратган эди. Унинг кейинги йилларда ёзган жуда кўп шеър ва ҳажвиялари китоб бўлиб чиққани йўқ...

Менинг бу кичкина хотирам Абдулҳамид Мажидий (Абутанбал) ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун бирорта олим ва ноширнинг юрагига бир туртки бўлиб хизмат қилолса, мен ҳам унинг бир шогирди сифатида, ўз бурчимни оқладим, дея ўзимни бахтиёр ҳис қилардим...

Комсомол шоири деб ном чиқарган, машҳур шоир Тошпўлат Саъдийни ким танимайди? У Самарқанд Педбилим юртида Ҳамид Олимжоннинг синфдоши, яқин ўртоғи бўлган. Унинг «Кўнгил тошқинлари», «Зарбдор кунлар» номли шеърий тўпламлари босилиб чиққан. Тошпўлат Саъдий умрининг сўнгги кунларида ҳам Ўзбекистон Давлат нашриётида редакторлик вазифасида ишлади. У ҳам менга анча ижодий ёрдам берган. Даволаниш учун Қримга сўнгги икки марта борганида ҳам ўртамизда хат алоқаси узилмади. Унинг сўнгги йилларда ёзган «Ялта тонги» деган ажойиб лирик шеърлар туркуми бор эди, лекин бу асарлар ҳеч қайси китобда босилмади. Тошпўлат Саъдий 1933 йили Ялтада вафот этди...

Каттақўрғонда «Навойй» мактабида ўқишни тамомлаб, уйга секин қайтар эдим. Бутун шаҳарда кўзимга энг кўркам бино шу «Навойй» мактабининг бир қаватли биноси ва унга туташиб кетган баланд деворлар билан ўраб олинган боғ эди. Боғ тамом бўлгач, кенг майдон бошланарди. Бу ерни одамлар нимагадир «Арк» деб аташарди. Бир куни дадамдан сўрасам, у ерда қайси бир асарларда шаҳар ҳукмдорининг арки, яъни давлат саройи бўлган бўлиши керак, деган эди.

Энди ундан ҳеч қандай нишон йўқ, кенг майдон бўлиб қолган, саёқ дорбозлар Каттақўрғонга келганларида баланд дорларини шу ерга тикардилар.

Ёшлигимда энг яхши кўрган нарсам дорбозлар ўйи-

ни эди. Карнай ва дўмбиранинг биринчи садосини эшитишим биланоқ бир зумда дор тагида бўлар эдим.

Дорбозларнинг арқон устида чаққон югуришларидан тортиб, қизиқчисининг тарсак еганигача менинг ёш юрагимга тенгсиз завқ бағишларди. Айниқса, дорбознинг кўзини белбоғ билан боғлаб, узун лангарни кўтарган ҳолда арқон устида юқорида қалтис ўйинлар кўрсатиб, кўтарила бориши ва икки дорбознинг чиғирикда кўрсатган — юракни музлатиб қўядиган даражадаги қалтис ўйини мени бутунлай маҳлиё қилиб қўярди. Менинг уйда ўйнайдиган ўйиним шу дорбозларга тақлид қилишдан иборат бўлиб қолди.

Бир куни дорни томоша қилиб, уйга қайтиб келаётган эдим, орқа томондан бировнинг «Мамарасул» деган овози эшитилди:

Қайрилиб қарасам, Тошпўлат Саъдий. «Тўхта, сенга гапим бор», деди. Тўхтадим.

Елкасида бир нарса кўтарган Тошпўлат Саъдий менга етиб келгач:

— Мамарасул, Самарқандга ўқишга бормайсанми? Мен Ҳамид Олимжон билан бирга ўқийман,— деди.

Мен бу номни эшитгач, жуда қизиқиб қолдим, чунки Ҳамид Олимжоннинг номи ва шеърлари бизга ҳам етиб келган эди.

— Жон деб бораман!

— Отанг жавоб берадими?

— Жавоб оламан-да.

— Менинг каникулим тамом бўлди, эртага Самарқандга қайтиб кетаман. Хоҳласанг бирга олиб кетардим.

— Албатта, бораман. Тошпўлат ака,— дедим.

— Бўлмаса, ота-онанг билан гаплашгин-да, кечқурун бориб менга жавобини айт,— деди у...

Эртаси кун пешиндан кейин Абдулҳамид Мажидий, Тошпўлат Саъдий ва мен поездда Самарқандга йўл олдик.

Абдулҳамид ака қизиқчилик қилиб:

— Мулла Тошпўлат, бу болани қаердан топдингиз?— деб сўради.

— Бу мулла Бобо дегрезнинг ўғли, жуда зеҳни яхши-да. Бу ҳам шоир бўлади, Ҳамид ака. Уқишга киргизгани олиб кетяпман,— деб жавоб берди у.

— Ия, шоирлар уруғини кўпайтириш ҳаракатидаман денг. Лекин жуда кичкина экан, ўқишга олишармикан?— деб қўйди менга бошдан-оёқ разм солиб.

Мен жуда қисилиб кетдим.

Улар вагон ойнаси олдида қизгин суҳбатга берилиб кетишди. Гапларининг асосий мавзуи Ҳамид Олимжон эди.

Вагонимиз кечга бориб, Самарқанд станциясида тўхтади. Тушдик.

Вокзалдан чиқиб, шаҳар ичида кичкина поездга тушдик. Қайси бир жойга келиб Абдулҳамид ака тушадиган бўлиб қолди.

— Мулла Тошпўлат, буни қаерга олиб борасиз?— деди у мени кўрсатиб.

— Ётоққа,— деди Тошпўлат ака.

— Сичқон сизмас инига, ғалвир боғлар думига. Ётоғингизда буни қаерга ётқизасиз? Ундан кўра менга беринг. Уйлар кенг.

Тошпўлат ака мени ўзи билан бирга олиб қолди. Абдулҳамид ака хайрлашиб, поезддан тушиб кетди.

Эртасига Тошпўлат ака мени «Университет бульвари»га олиб борди. Пишиқ қилинган бир бинога кирдик. Унинг баланд пештоқида араб ҳарфи билан «Ўзбек эрлар билим юрти» деб ёзиб қўйилган эди.

Мен бинога қараб оғзим очилиб қолди.

— Мана, бизнинг мактабимиз!

— Ҳамид Олимжон ҳам шу ерда ўқийдими?

— Ҳа, ҳамма шоирлар шу ерда ўқийди.

Бинонинг ичи катта-катта болалар билан гавжум эди. Тошпўлат ака билан бир неча хонага кириб чиқдик. Мен нима қилиб юрганзимизга ҳамон тушунмас эдим, бир хонада ўтирган узун бўйли кишига Тошпўлат ака мени кўрсатиб:

— Аммо жуда зеҳни ўткир-да,— деб қўйди. У одам эса мени бошдан-оёқ кузатгач:

— Уртоқ Тошпўлат Саъдий, овора бўлиб нима қиласиз? Ўзи билим юртида жой тамом бўлганига бир ой бўлди, иккинчидан бу болангиз жуда ёш экан, онасини соғиниб уч кунда қочиб кетади,— деди.

— Бунинг ёши етарли. Ўзи ёш кўринса ҳам унақа қочоқлардан эмас. Жуда яхши ўқийди. Яхши ўқийсан-а, Марасул?— менга қараб жиддий сўради Тошпўлат ака.

Мен «Албатта!» дегандек бошимни тантанавор қимирлатиб қўйдим. Лекин узун бўйли киши ўз гапида қаттиқ туриб олди. Хонадан хомуш чиқдик. Тошпўлат ака мандан ҳам хафа кўринарди. Кўчага чиқаверишда деворга осилган бир эълонни узоқ ўқиди ва менга қараб:—

— Отанга қаттиқ ваъда берувдим-да,— деб қўйди. Орага жимлик чўкди.— Ҳай, майли, келаси йил вақтликроқ келамиз,— деб мени юпатди.— Сени бугун бир га-лати кечага олиб келаман.

— Шу бинода бўладими?

— Ҳа, шу бинода бўлади, иккинчи қаватда. Кечада Ҳамид Олимжонни ҳам кўрасан. Сени таништириб қў-ман.

Мен хурсанд бўлиб кетдим. Менда ҳатто ҳалиги оғир хомушлик ҳам йўқолиб, бутун хаёлимни Ҳамид Олимжон эгаллади. Кўчага чиқиб ётоқхонага йўл олдик.

Ётоқда Каттақўрғондан олиб келган нон, патир, мевалар билан қоринни тўйгаздик. Сал ўтмай, кеч ҳам кириб қолди. Тошпўлат ака дам олиб ётган жойидан туриб, кийина бошлади. У негадир тез чарчар, йўлда қўп дам олишни, ётоққа келса, чўзилиб ётишни яхши кўрарди.

Гира-ширада ҳалиги бинога келиб кирдик. Бизлардан бошқа ҳам ҳар томондан ёш йигитлар икки зинани бир қадам қилиб, бинонинг иккинчи қаватига отилишарди. Биз секин-секин юриб бориб, зинадан чиқдик-да, коридорни тўлдириб оқаётган кишилар ортидан ўнг томонга юрдик.

Одам оқими бино тўридаги катта залга кириб уни тўлатган.

Зал кенг, шифти баланд, ўзи тўртбурчак эди. Уртадаги студентлар ҳаммаси банд. Залга кираверишда ўнг томон, катта-катта ойналарнинг таги, стуллар қўйилмаган бўлиб, бор бўйи бўш эди. Кечикиб келганлар шу ерда тикка тура бошлади. Биз ҳам залга кириб шу тикка турганлар орқасидан жой олдик.

Бизнинг шундоққина олдимизда Тошпўлат акадан сал узунроқ бир киши турарди. Тошпўлат ака қоши билан ҳалиги кишига ишора қилиб:

— Мана Ҳамид Олимжон!— деди. У киши эшитиб қолди шекилли, орқасига ўгирилди.

— Э, мулла Тошпўлат, келдиларми?— иккаласи қуюқ сўрашди.— Жиянни ҳам олиб келибсиз-да?

У мени бошдан-оёқ кузатди.

Ҳамид Олимжон пешанаси кенг, аммо ўзи жуда ҳам ориқ, ҳатто иякларни ингичкадан келган, лаблари юпқа, қотма йигитча эди.

Эғнида тоза кўйлак, костюм, пальто, бошида кепка. Уни 40- йилларда кўрганлар, 18—19 ёшлардаги ориққина ўспирин йигитча бўлганини тасаввур қилолмасалар ҳам

керак. Аммо, мана, ҳозир ҳам менинг кўз олдимда унинг дастлаб кўрганамдаги ҳолати турибди.

Шу пайтда ўртада қизиқ бир ҳодиса юз берди.

Ҳалиги тикка туриб қолган сафдаги йигитлардан биттаси қаёқдандир стул топиб, орқасида турган Ҳамид Олимжон пальтосининг бир барини тагига босиб тарвақайлаб ўтириб олди. Буни кўриб олган Ҳамид Олимжон бир кулди-да, этагини беозоргина силкиб тортди:

— Мумкинми?

Ҳалиги одам қайрилиб, ўз елкаси оша ортига қаради. Ҳамид Олимжон яна этагини силкиб секин тортди.

— Агар мумкин бўлса?

Орқасида тикка турган кишининг кимлигини дарров таниган йигит ўрнидан ирғиб турди ва хижолатдан қизариб Ҳамид Олимжонга:

— Марҳамат, ўтиринг!— деди.

— Йўқ, манови пальтонинг бари керак бўлиб қолган эди,— деди кулиб Ҳамид Олимжон. Бу манзарани кузатиб турган биз, ҳаммамиз кулиб юбордик.

Президиумда унинг отини айтиб чақаришди. Ҳамид Олимжон одамлар сийрак кўринган жойлардан оралаб, юқорига чиқиб кетди. Бирпасдан кейин унинг минбарда шеър ўқиган, жимиб қолган залнинг баланд шифтигача тўлдирган жасур овози жаранглади.

Мен у пайтда шеър эмас, лекин қофияли мисраларни севиб ўқир, ёд олар эдим.

Мен ўзимча, шеър ёзсанг Ҳамид Олимжончасига, Абдулҳамид Мажидий, Тошпўлат Саъдийчасига ёзсанг экан, деб ўйлардим.

Ҳамид Олимжоннинг ўзини кўргач, менинг оромим бутунлай йўқолди. Унинг газета ва журналларда босилган ҳар бир янги шеъри бир мўъжизадек кўринарди. У шеърларга қўйилган сарлавҳадан тортиб, ўйноқи оҳангигача мени мафтун қилиб олди.

Унинг шеърларини халқ ижодининг ўчмас таровати безаб туради.

1927 йил кузида Зарафшон маорифи йўлланмаси билан Бухорога, Қишлоқ хўжалик техникумига бир тўда бола бўлиб ўқишга кетдик...

Мен Ҳамид Олимжонни иккинчи марта 1938 йилда, орадан 12 йил ўтгач, Тошкентда кўрдим. Бу орада кўп воқеалар ва катта ўзгаришлар бўлиб ўтган эди. Уша йили Тошпўлат Саъдий Қримда вафот этган, мен Низомий но-

мидаги пединститутнинг тил ва адабиёт факультетини сиртдан ўқиб тугатиб, 139-мактабда ўқитувчилик қилар ва айни чоқда ижодий ишларимни ҳам давом эттирдим.

Шеърларим энди республика газета ва журналларида кетма-кет босилиб турарди, биринчи тўннамимни нашрга тайёрлаш ҳаракатида эдим.

Ҳамид Олимжон ўша йили Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг раиси бўлиб ва Навоий комитетида яна бир масъула лавозимда ҳам ишларди.

Аввало кўзларимга ишонмай, ҳайратда қолдим: мен кўрган ориқ, қотма ва лаблари юпқагина ўспирин йигитча энди жисмоний тўлишган «киши» маъносига кирган сиймога айланган эди.

Унинг, ҳамманинг хотирасида мангу қолган катта-катта қора кўзлари, пайваста қора қошлари алоҳида-алоҳида гўзаллик ва маъно касб этган эди. Гапнинг тўғриси айтганда, Ҳамид Олимжон 1938—40 йилларда зоҳиран ҳам, ботинан ҳам гўзал йигит бўлиб етилган эди.

Юзларини сиполик, билимдонлик ва жасурлик безаган ва катта-катта қора кўзлари ақл нури, фаросат ҳислари билан тўлиб-тошган эди. Унинг бу чиройли қиёфасига кўзи тушган киши унга узоқ қараб тургиси келарди.

Бир куни Союз клубида бўлиб турадиган шеърхонлик кечасига бордим. Зални деярли ёшлар тўлдирган. Президиумда, бир чеккада Ҳамид Олимжон ҳам ўтирарди. У Союз раиси бўлишига қарамай, бундай кечаларнинг биттасидан ҳам қолмас эди.

Энди ўйлаб қарасам, унинг бу тадбири ўзи учун, яъни Союз раҳбари учун жуда-жуда зарур экан. Адабиётимизда шеърят етакчилиги қилган ўша йилларда, раҳбарнинг шеърхонлик кечаларида ўтириб, кимнинг куйдан қолаётганини, кимнинг куйи авжига чиқаётганини, кимнинг айнаётганини ва ниҳоят сафга қандай янги-янги куйчилар келиб қўшилаётганини ўз кўзи билан кузатиб ўтиришида катта ҳикмат бор экан.

Шеърхонлик кечасини, янглишмасам, Союзнинг ўша вақтдаги консультанти шоир Ҳасан Пўлат олиб борарди. Шеърхонликни, минбарга биринчи бўлиб чиққан шоир Амин Умарий бошлаб берди. Ундан кейин Холид Расул чиқди.

Гапнинг қизиғи шундаки, шеър ўқийдиганлар рўйхатида мен ҳам бор эдим! Лекин шу пайтгача Ҳамид Олим-

жон олдида шеър ўқишга ҳеч тўғри келмаган эди. Унинг ҳузурида шеър ўқиш, негадир, менда бир ёқдан хурсандлик, иккинчи ёқдан эса, қандайдир, ўнгайсизлик, маъсулият ҳиссини қўзғарди. Аммо шоир Ҳасан Пўлат номимни эълон қилганида, қандай қилиб минбарга чиққанганимни ўзим билмай қолдим. Навойга бағишланган каттагина бир шеъримни (тўғрироғи, кичикроқ бир балладани) ўқидим. Бу асар «Ёш ленинчи» газетасида ўша кунлари босилиб чиққан бўлиб, шоирлар ва шеърхонларга маъқул бўлган эди.

Балладани ўқитувчиларга хос уқдиришлар билан ўқиганим эсимда. Залдаги олқишларга таъзим қилиб, минбардан тушаётганимда президиум томонидан мени чақирган овоз эшитилди. Шошилиб қарасам, Ҳамид Олимжон экан. Тез юриб бориб саломлашдим. Ёнидаги бўш стулга ўтирдим.

— Нима иш қиласиз ёки ўқийсизми?— деб сўради дафъатан у.

— Бир ўрта мактабда адабиёт ўқитувчисиман,— дедим.

— Ўзингизники қаердан, Самарқандданми?

— Каттақўрғондан.

— Тўхтанг-тўхтанг,— деди у Жиззах шевасида,— Тошпўлат Саъдийнинг жияни эмасмисиз?— деди кулиб.

Ҳамид Олимжон самимий гапиришганда, шундай ёқимтой ва илиқ гапирардики, унинг лаблари табассум қиляптими, сўзлаяптими, буни сал наридан бўлса ҳам, ажратолмасдингиз.

— Туғишган жиян бўлмасам ҳам, бир маҳалладан, эдик, қўшни эдик...

— Бечора бевақт вафот этиб кетди... Хўш, қаерда, кимникида турибсиз, оила каттами?

— Бировникида ижарада турибмиз. Битта ўғлим бор. Оти Бахтиёр.

Ҳамид Олимжон кулиб қўйди, чунки унинг «Ойгул ва Бахтиёр» эртагидан кейин, бу от янги туғилган болалар ўртасида яна кўпайиб бораётган эди.

— Бир бўш вақтингизда Союзга келиб, менга учранг-а? Сизда зарур ишим бор!— деди хайрлашар экан жиддий тусда. Мен пастга, залга тушиб жойимга ўтирдим.

Орадан ҳафта-ўн кун ўтиб, Союзга келдим. Унинг кабинетини иккинчи қаватда эди. Эшикни тақиллатиб рухсат сўрадим. «Мумкин!» дегандай бошини қимирлатди. Ичкарига кириб саломлашиб-сўрашдим.

Ҳамид Олимжон кабинетида ёлғиз бўлгани учунми, нималарнидир жиддий ўйлаб ўтирар эди.

— «Занжирланган шер» деган шеърнинг ҳам муаллифи сиз-а?

— Ҳа, ҳа, мен ёзган эдим, Ҳамид ака!— дедим.

— Яхши шеър, менга ёқди,— деди Жиззах шеvasида, Кейин жиддий оҳангда сўради:— Мамарасул, участка берсак, қуриб оласизми? Бир оз қарзга ёрдам ҳам олиб берамиз.

— Қуриб олар эдим, Ҳамид ака! Ижарага турган уйимизнинг эгаси уч кундан буён «уй ўзимизга керак бўлиб қолди, бошқа ёққа кўчсаларинг», деб тиқилинч қиляпти,— дедим ийманиб.

Тошкентда 10-трамвайнинг «Известия» бекатида «Ёзувчилар кўчаси», «Композиторлар кўчаси» деган икки ёнига янги участкалар тушган кўчалар бор. Шу жойларни Ҳамид Олимжондан қолган хотира дейиш мумкин. Ёзувчилар турган бу қатор уйлар Ҳамид Олимжон ташаббуси билан қурилган.

Мен Ҳамид Олимжоннинг ёрқин хотирасини қачон ўйламай, Европа халқларининг: «Марҳумлар ҳеч қачон қаримайдилар!» деган мақоли эсимга қелади. Ҳамид Олимжон менинг кўз олдимда сўнгги марта кўрганимдай, яъни навқирон, чиройли ва жасур йигит бўлиб гавдаланади...

Уйларнинг томларини ёпаётган кунимиз, дурадгорлар, усталар тунука тагидан қоқиладиган юпқа тахталарни қоқаётган кун гитлерчи фашистларнинг хоинона уруш бошлаганининг хабари бизга етиб келди.

Орадан бир ой-бир ярим ой ўтар-ўтмас бола-чақанинг бошини панага, яъни янги уйга олдим, бу чала уйда турганимизнинг 17-куни мен Армия сафига чақирилиб, Ватан ҳимоясига жўнаб кетдим.

Ойбек — буюк инсон. Ҳақиқий одамларнинг гўзал намунасини унинг очиқ сиймосида кўриш мумкин эди. Ҳайратлиси шундаки, бундай буюк одамларнинг ёрқин сиймоси бир-бирига жуда ўхшаш бўлади.

Унинг табиий ҳолат ва табиий характерини кўрган кишилардан баъзи бирлари Ойбекни жуда содда одам, гўл одам ҳисоблаганларини ўз қулоғим билан эшитганман.

Тўғри, Ойбекнинг баркамол сиймосида самимий сод-

даляк, оқ кўнгиллик, ёш болалардай ишонувчанлик зеболари ҳам йўқ эмас эди. Демак, булар мукамалликни тўлдириб турган ранглардан бири эканини ҳамма билавермас экан. Лекин бу буюк сиймо ҳақиқий камтар инсон эди.

Мен Ойбек қатнашган суҳбатларда ёки яккама-якка бўлган ўзаро суҳбатларимизда унинг ҳамма ҳатти ва ҳаракатларини, ўтириб туришидан тортиб хаёл дунёсига чўмиб чиққанигача, биров билан гапга киришувидан тортиб хаёл дунёсига чўмиб чиқарган хулосасигача қараб туришини, худди ёш боладай қизиқиб диққат билан тинглаб кузатардим. Баъзан бу ҳаракатимга унинг кўзи тушиб қолсами, ўзим жуда-жуда уялиб кетардим. Кўнглига бирор ёмон хаёл келмаса экан, деб қаттиқ ташвишланардим. Лекин Ойбек ишончини қозонганим, унинг ўта зийрак кўзлари олдида кўп марталаб синовлардан ўтганим учун кўнглим тўқ эди. Мен унинг пок ниятли шогирди, одил мухлиси ва содиқ дўсти эканимни биларди у.

Камтарликни ҳар ким ҳар хил тушунар экан. Баъзи бировлар бошдан-оёқ камтарона кийинган, ҳамма жойда ва ҳамманинг олдида ўзини хокисор олиб юрган айрим одамларни ҳам «жуда камтар киши» дейишади. Бу ҳам балки тўғридир. Лекин бу ерда гап, яъни камтарлик тарих олдида, халқ олдида улуғ ишлар қилиб қўйиб, яна ўзини ана шу халқнинг бурчли фарзанди санаган, шу халқдан ва ана шу халқнинг бошқа фарзандларидан ўзини юқори санамаган олижаноб фазилат ҳақида боряпти.

Ойбекни ўз кўзи билан кўрган кишилардан истаганингиздан сўранг, Ойбек Ватан ва халқ учун бажарган ёки бажараётган ишларидан бирини пеш қилиб мақтанганини, мағрурланганини ва ё бирор имтиёз ё унвон талаб қилганини кўрганмикан?

Мағрурланиш у ёқда турсин, менинг яхши кузатишимча, унинг илмий ёки катта ижодий муваффақиятларини биров ўринли мақтаган чоқда, ўзи ўтирган жойида ўнғайсиз ҳолга тушар, ҳатто хижолатдан қизариб, атрофдагиларга тик қараёлмай қоларди.

Ҳеч қачон у, баъзи бир ёзувчилар каби: «Бир илмий муаммони қотириб ташладик», «Бугун бир романи битказиб қўйдик», деган сохта гапларни гапирмасди.

Аммо унинг оғзидан эшитганим ягона бир жумла ҳамон эсимдан чиқмайди. Қайси бир йил эди, аниқ эсломайман, Қримдан, узоқ ижодий отпускадан қайтиб келди.

Озган бетларидан, чўккан кўзларидан ҳаддан ортиқ чарчагани кўриниб турарди. У шунда «Олтин водийдан шабадалар» романини ёзиб келган эди. У ўз кабинетида тикка турган ҳолда, қалин, жингалак сочларини тараб:

— Олти ойда бир роман ёзиш мумкин экан!— деди.

Бу ҳам, албатта, мақтаниш эмас, балки ҳамма ҳам шундай унумли ишласа, дегани эди.

Ойбек жуда зўр ишларди. Чарчаш нима эканини билмасди. Агар мен сизга «Ҳамза» достонини у бир ҳафта, бир ярим ҳафта ичида ёзиб тугатди» десам, балки бовар қилмасиз. Бу менинг кўз олдимда бўлган воқеадир. Союзнинг ҳозирги ижод боғида, арғувон остида, ҳозиргидан кичикроқ бўлган ариқ бўйида чордана қуриб, атрофдаги бирор нарсага парво қилмай, шу достонни ёзди. Қизишиб, ёзиб турган пайтларида, балки мисралар қуйилиб келган пайтларида кенжа ўғли (олти-етти яшар бўлса керак) Суюк югуриб келиб, елкасига миниб олар, Ойбек «ҳай-ҳай»лаб унинг орқасидан қувиб, боғнинг ичкарироғига олиб бориб қўйиб келарди-да, яна ёзишда давом этарди.

Бундай ҳолда, менимча, ёзувчининг ёзаётган нарсаси ҳақида фикр ва туйғулари ҳил-ҳил пишган бўлиб, равон қуйилиб келаверарди. Буни Ойбекнинг бадий жиҳатдан энг гўзал, энг етук достонларидан бири «Ҳамза»да аниқ кўрганман. (Мен шунда ижод боғида «Эрон дафтари» устида ишламоқда эдим).

Ойбек аллақачон яратган ва халққа маъқул бўлган ва қўллардан, тиллардан тушмай келаётган ажойиб асарлари учун қанча мағрурланса арзийди, лекин у совуқ кибру ҳавони ўзига йўлатмасди. Менимча, унинг зуваласи, аслида гердаиш ўрнида ҳам ақл-андиша туйғулари ишлатилиб йўғрилган эди.

Қайси бир ой, аниқ эсимда йўқ, лекин қиш экани аниқ, журналнинг икки ёки уч сони материалларини тайёрлаб қўйдик. Ойбек Союзга ишга келавермади. Ё тоби қочган ё ижодий иши билан банд эди.

Бир куни Ҳомил Ёқуб менга:

— Ётадим энди бу материаллар, олиб бориб кўрсатиб келинг, кечикмай теришга берайлик,— деди.

У вақтда ҳамма ёзувчилар армия сафидан қайтмаган, қайтганлари ҳам ижодий ишга тўла киришмаган эдилар. Фақат шоирларгина ҳамишагидай активлик кўрсатиб, барча редакцияларга шеър «ёғдириб» туришарди. Бу ҳол журналда, айниқса ойнадай акс этиб турарди.

Ойбек аканинг уйига бордим. Мени ёзувчининг рафиқаси Зарифа опа кутиб олди. Уйларидан биттасига ўтқазиб, олдимга дастурхон ёзди ва эътирозимга қарамай ўзи ўтириб чой қуя бошлади.

— Ойбек ухлапти. У тонг отганида ётди, тун бўйи ишлади. Ҳозир турадиган маҳали ҳам бўлиб қолди,— деди у гап орасида.

Бу олима ва фозила аёлининг адабиёт соҳасида ҳам диди ва талаби баланд.

Гапимиз айланиб-айланиб Ойбекнинг ўзига хос хусусиятларига кўчди.

— Ойбек ёшлигида ҳам шундай эди, у шу кунга қадар табиатан жуда кам ўзгарди. Ёш шоир вақтида ҳам мақтаниш, кибрланишни билмасди. Бунинг устига, унинг бир қизиқ одати бор эди,— деди кулиб Зарифа опа. Кейин гапида давом этди,— унинг ёзган шеърларидан кўпи кийимларининг чўнтагида қолиб кетарди. У бундай пайтларда янги бошлаган шеърига берилиб кетиб, эскисини унутиб қўярди. Шунда мен унинг чўнтақларини титиб, шеърларини йиғиб юардим.

— Уларни йиғиб, ўзларига берармидингиз?— деб сўрадим қизиқиб.

— Уларни аввал оққа кўчириб, баъзиларини столи устига қўйиб қўярдим, баъзиларини эса оққа кўчирганимча, Ойбекнинг ўзига кўрсатмасдан ҳам, газета ва журнал редакцияларига олиб бориб топширардим.

— Шеърдан кўнгиллари унча тўлмаса керак ёки ёзиб тугатилган асарга қизиқишни тез унутсалар керак-да?

— Йўқ, ундоқ эмас,— деди Зарифа опа,— Ойбекда шеърга қизиқиш ҳеч қачон пасайган эмас. У шеърни ёзишга ёзади-ю, лекин уни бостиришга шоширмайди. Ахир, шеър деган нарса, менимча, қанча сайқал берилса, шунча очилади, гўзаллашади, шундай эмасми?

Мен бир нима деб жавоб берганимча бўлмай, беқасам тўнини елкасига ташлаб Ойбек ака ётоғидан чиқиб келди. Унинг қовоқлари шишган, лекин чарчагани ҳали ҳам тамом кетмаган эди. Мен билан қуюқ сўрашди.

Ойбек уй тўридаги танчага ўтиб ўтирди.

Мен аввал ҳайрон бўлдим. Кейин билсам, танча бу уйда эскилик сарқити сифатида эмас, бир зарурат сифатида сақланаркан. Ойбек кўпгина асарларини шунда ёзиб ўрганиб қолганлиги туфайли уни тамомила тарк этолмас экан. Дарвоқе, баъзи ёзувчилар ўрганган жойларига сал-

пад ўзгарини киритилса ҳам, тухум қилиб юрган жойини йўқотиб қўйган товукдек, бесамар, яъни ҳосилсиз, ундан ҳам аниқроғи ҳеч нарса ёзолмай юрадилар.

Журналнинг янги сони материалларини Ойбек олдиға, танчанинг катта патниси устиға қўйдим.

—Материалларни бўлим мудирлари кўриб беришди-ми?— деб сўради у.

— Кўриб, таҳрир қилиб беришган,— дедим.

— Ҳомил-чи, Ҳомил, ҳаммасини ўқиб чиқдими?— менға жиддий қаради Ойбек ака.

— Ҳа, у киши-ку, ҳаммасини ўқиб чиқди. Мана, те-ришға рухсат берган,— деб унинг имзосини кўрсат-дим...

Ойбек табиатида бировни кўролмаслик, ҳасад, бахил-лик каби ноинсоний хунук хусусиятлардан заррача ни-шон йўқ эди. Чунки у ўз ижодий кучиға ишонган зўр ёзувчи эди. Аслида, бундай қолақлик ва маданиятсизлик иллатлари ўз ижодий кучиға ишонмасликдан келиб чи-қади.

Ойбек эса, ҳар қандай ёрқин истеъдод олдида камтар-лик билан тан берар ва уни қўллаб-қувватларди. Ойбек характеридаги олижаноб камтарлик ундаги ақл ва зако, зеҳн ва фаросат, билим ва маданият билан ва ниҳоят, ҳа-ётни ҳушёр кузатиш ҳамда ўз-ўзини тута билиш каби юқори даражадаги инсоний фазилатлар мевасидир!

Бир куни Союзнинг Биринчи май кўчасидаги биноси айвонида тўрт-беш шоир ва ёзувчи стол атрофида ҳазил-мутойиба қилиб, кулишиб ўтирардик. Шу пайт Ойбек ка-бинетидан ўқитувчиға ўхшаган, соданамо бир киши чиқ-ди. Бизлар билан сўрашиб, ёнимизға ўтирди. Орамизда у кишиға таниш бўлганлар ҳам чиқди. Меҳмон шоир Шук-рулло билан айниқса қуюқ сўрашди ва бир-икки оғиз ҳазил ҳам қилиб қўйди.

Меҳмоннинг аҳвол-руҳиясидан Ойбек билан иши му-ваффақиятли битган, анча хурсанд эди.

У гап орасида, икки тирсагини стол устиға қўйган ҳолда, Ойбек ҳақида бизнинг ҳам фикримизни баён қила-ётгандай деди:

— Омон бўлгур Ойбек ака жуда содда одам-да. Унга қараб туриб, баъзан шундай ажойиб романларни шу ки-шининг ёзганиға бовар қилгинг келмайди.

Шукрулло кулиб юборди.

— Домла дейман,— деди ҳалиги ҳазилни давом этти-

риб Шукрулло,— Ойбекни кўриб содда одам санаб чиққан бўлсангиз, биздақаларни «гўл» санар экансиз-да?

— Сиз-ку, ҳар қандай зийракка дарс берасиз-а,— деди бўш келмай меҳмон,— Ойбек акани айтяпман.— Бу ўринда у Шукруллони сийлаб «тулки» сўзи ўрнига «зийрак» сўзини ишлатган эди. Буни сезган Шукрулло салпал қизишди:

— Мен ҳам Ойбек акани айтяпман. У шундай зийрак одамки, ўз ҳузурига кирган кишининг қандайлигини, нима мақсадда келганини билиш у ёқда турсин, унинг ичини докадан қарагандай кўриб туради.

Ҳамма кулиб юборди. Говур кўтарилди.

— Тўхтанглар!— деди Шукрулло қизишишда давом этиб.— Менга қаранг, домла, Ойбекнинг ҳамма асарларини ўқигансиз-а?

— Албатта! 10 — 15 йилдан бери адабиётдан дарс берамиз.

— Яхши! Уқиган бўлсангиз, менинг шу саволимга жавоб беринг-чи, домла: Аҳмад қора каби чапани ва қиморбоз, Йўлчи ва Арслонқул каби ботир ва мард йигитлар образини мукамал қилиб ярата олган, Мирзакаримбою Салим бойваччадан тортиб, меҳнаткаш, оқ кўнгил буваси ва дукчи чоллардан тортиб, донишманд одамлар сиймосини бекаму-кўст чиза билган, Дилбар, Назми каби хилма-хил чевар ва гўзал ўзбек қизларидан тортиб, турли жафокаш, турли оналар образигача, Улуғбек, Султонали каби олимларгача, Навоий ва Ҷомий каби шоир ва мутафаккирлардан тортиб, Мажиддин каби маккор ва Ҳусайн Байқаро каби шаҳаншоҳларгача мукамал образ ярата олган кишини «содда одам» десак бўладими?

Ҳамма бирдан жим бўлиб қолди. Шукрулло ҳақиқатан бопплаган эди. Унинг саволи ҳам, жавоби ҳам шу бир жумланинг ичига жойлаштирилган эди.

— Албатта, яна сизлар яхши биласизлар бизларга қараганда,— деди меҳмон биз билан хайрлашиб туриб. У Шукруллонинг ҳалиги гапига таслим бўлган эди.— Умуман, Ойбек ака бебаҳо демоқчиман-да! Хайр!

— Мана бу бошқа гап,— деди жаҳлидан тушган Шукрулло,— Ойбек ҳақиқатдан ҳам тенгсиз, бебаҳодир.

Бир куни туш пайтида бўлса керак, ҳаммамиз Ойбек кабинетига йиғилдик. Деворга кеча илиб қўйилган эълонга биноан, бугун бу ерда Ойбекнинг янги достони — «Қизлар» ўқиб муҳокама қилиниши керак эди.

Кабинет каттагина бўлишига қарамасдан, одам жуда кўп йиғилган. Буларнинг кўпчилиги шоирлар бўлиб, прозаиклар, драматурглар ва танқидчилар ҳам анчагина эди.

Ойбек ўрнидан турди, кулиб-кулиб одамларга қаради. Кейин:

— Қишлоқ мавзуида бир янги дoston ёзган эдим. Шунини ўқиб берсам, камчилик ва нуқсонларини кўрсатсанглар, бир муҳокама қилсак,— деди.

Ҳамма унга ҳурмат билан ризолик берди, Ойбек жойига ўтириб, дostonни ўқишга киришди.

Ҳамма жим ўтириб, камол диққат билан дostonни тинглади.

Дoston Улуғ Ватан уруши йилларида қишлоқда пахта учун фидокорона меҳнат қилган колхозчилар ҳаётидан баҳс этар, унда фронт орқасида ўзбек аёллари кўрсатган жонбозликлар, фидокорона меҳнат чиройли мисраларда ифодаланар эди.

Дoston классик шаклда ёзилган бўлиб, ҳар банди 12 мисрадан иборат ва мисралар яна ўзаро бир-бири билан мазмунан ҳам шаклан боғланар, асарда Ойбекнинг ўз қаламига хос бадий маҳорат яққол кўриниб турар эди.

Ойбек асарлари билан яхши таниш кишига жуда аён-ки, шоир ўтмишними, ҳозирги замонними тасвирламасин, ўзбек қизларининг ранг-баранг ва ажойиб образларини моҳирона яратиб берган санъаткордир.

Бу дostonда ҳам 10—12 пахтакор қизнинг бир-бирига ўхшамас, бир-биридан чиройли, бир-биридан уқувли, бир-биридан доно, бири-биридан меҳнаткаш такрорланмас портретлари жуда усталик билан чизилган эди.

Дostonни ўқиш тамом бўлгач, ҳамма бирдан енгил нафас олди, ҳамманинг лабида ва кўзларида табассум, бу билан улар Ойбекни ижодий муваффақият билан самимий табриклар эдилар.

Лекин кўпчилик шоирлар, менинг кузатишимча, хурсанд бўлишлари билан бирга, ўзларини нимагадир сарфарбар қилинган сингари ҳис этардилар. Улар Ойбек очиб берган мавзунини бутун томонлари билан кўра бошладилар...

Бу воқеадан кейин кўп ўтмай, шоир Асқад Мухтор биринчилардан бўлиб ўзбек адабиётида муҳим ва янги темада ўзининг гўзал ва ихчам «Пўлат қуювчи» дostonини ёзди. Бу Асқаднинг биринчи дostonи эмас эди, албат-

та. Асқад дostonчиликда ҳаммадан ҳам кўпроқ уринган, лекин уларда камроқ муваффақият қозонган эди. Лекин бу дostonи бирдан ҳаммага маъқул бўлди ва ўзбек поэзиясида ўзига хос ўрин эгаллади.

Шуни ҳам эслатиб ўтайки, бу даврга келиб, умуман, Иттифоқ адабиётида, ҳамма қардош адабиётларда айниқса, илғор рус совет адабиётида катта жонланиш юз бериб, барча жанрларда катта-катта асарлар пайдо бўла бошлаган эди. Ўзбек адабиётида Ойбек ўша вақтдаги етакчи жанримизда, яъни поэзияда ташаббускор бўлди ва умуман ўзбек поэзиясининг олдига қараб силжишида катта роль ўйнади.

Асқад Мухтордан сўнг, шоир Мирмуҳсин ўзининг машҳур «Уста Ғиёс» дostonини ўртага келтириб қўйди. Адабиёт аҳллари орасида катта воқеа бўлган бу дostonдан кейин «Яшил қишлоқ», «Дўнан» каби чиройли дostonлар ҳам ёзиб ташланди. Шу орада ушбу сатрларнинг авторини ҳам ўзининг «Боғбон» дostonини ўртага қўйди. Дoston муҳокамасида ва у босилиб чиққандан кейин ёзилган тақризларга қараганда дoston умуман маъқул кўрилган эди.

«Боғбон»нинг муҳокамасидан кейин кўп ўтмай шоир Шукрулло «Чоллар» номли чиройли дostonини ёзиб олиб келди.

Яна қанчадан қанча дostonлар яратилди. Умуман, ўзбек совет поэзиясида дostonчилик ҳаракати кучайиб, поэзиямиш шеър рамкасида чиқиб катта шаклларда қомадини кўрсата бошлади.

Ойбек эса, энди прозага бошчилик қила бошлади. Унинг ёнида ўша пайтда ўзбек прозаси биносининг устунларидан Абдулла Қаҳҳор иш кўрар, проза жанрида намуна бўла оларлик ажойиб асарлар яратар эди. Проза жанри урушгача ҳам, уруш тамом бўлган биринчи-иккинчи йилларда ҳам етакчиликни ҳали поэзия қўлидан олмаган эди. Бу ҳолни биз, айниқса, журнал ходимлари жуда сезар эдик.

Шундай шароитда Ойбекнинг партиямиш талаб этаётган ҳозирги замон мавзуида ёзилган янги романи, инсоф билан айтганда, ёмон ёзилмаган «Олтин водийдан шабадалар» романи майдонга чиқди.

Мен ҳам ёшлигимдан бошлаб, билмадим онадан ёш етим қолганим сабабими, ҳисга тез берилувчан бола эдим. Ана шу сабабдан бўлса керак, Ойбекнинг дастлабки

шеърлари, айниқса серҳис шеърлари мени алоҳида банд қилиб олган, кўпчилиги ёд бўлиб қолган эди.

Лекин бугун қизиқ бўлди. «Хотира»нинг шу бобини ёзай ва иложи бўлса шу зўр ҳиссиёт таъсирида ёзилган шеърлардан бир-иккитасини мисол келтириб, ўқувчиларни ишонтиришга уриниб кўрай деб, 1957 йилги тўрт томликнинг биринчи томини олиб варақласам, менда ўша ёш китобхон вақтимдаги нозик таассурот уйғонмади. Ҳайрон бўлдим.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, ойбекшунос дўстим Ҳомил Исломович рафиқаси билан бизникига меҳмон бўлиб келиб қолишди. Шунда фикримни профессор Ҳомил Исломовичга айтдим ва бунинг сабабини сўрадим. У шундай деди:

— Сизнинг Ойбек ҳақида ўша ёшликдаги, яъни биринчи таассуротингиз тўғри таассурот бўлган. Ҳақиқатан ҳам ёш Ойбек ижодининг дастлабки даврида ҳиссиёт шоири эди. Кейинчалик, яъни ижодда жисман, фикран ва ақлан ўсиб бориб, Ойбек ҳиссиётдан фикриётга тез ўтиб олди. Иккинчи, учинчи тўпламларидаёқ фикри кенг ва аниқ реалист шоир бўлиб етишди. Бу ерда, сизни гангитаётган нарса шуки, ҳиссиёт тўла у нозик шеърлар, уларда нотўғри ва хато фикрлар йўқлигига қарамай, «Тўрт томлик»ка, негадир киритилмаган...

Китобни жиддийроқ қарасам, профессорнинг гапи тўғри бўлиб чиқди, яъни ёшликда юрагимга ўт солган нозик шеърлар «Тўрт томлик»да йўқ экан. Хуллас, Ойбекнинг дастлабки шеърларида ҳис ва туйғу фикрга нисбатан анча зўр.

Ўзбек поэзияси бир денгиз бўлса, унга қуйилаётган катта дарёлардан биттасини Ойбек шеърияти ташкил қилади. У проза жанрига эртароқ ўтиб кетганига қарамай, шеъриятимизга ҳам катта ҳисса қўшди. Унинг лирик ва публицистик шеърлари, эпик дostonлари билан таниш киши кўз ўнгида ўзбек адабиётига ўз улушини қўшган, бир умр тинмай шеър ёзган улкан бир шоир гавдаланиб туради. У, башарти, катта прозада шуҳрат қозонмаганида ҳам, яъни дунёнинг қарийб ярмини қойил қолдирган романларини ёзмаганида ҳам, шундай бўлиб қолиши табиий эди, албатта. Чунки у поэзияда катта бир шоирнинг умр бўйи қиладиган ишини аллақачон қилиб қўйган эди...

МУНДАРИЖА

БАЛЛАДА ВА ДОСТОНЛАР

| | |
|--|-----------|
| «Европа балладалари»дан | 5 |
| Моцарт куйлайди | 5 |
| Азизанинг излари | 8 |
| Маутхаузенда | 12 |
| Улугбек | 14 |
| Богбон | 22 |
| Она қалби | 58 |

ТАРЖИМАЛАР

| | |
|--|------------|
| А. С. Пушкин | |
| Элегия | 115 |
| Сингил ва акалар | 116 |
| М. Ю. Лермонтов | |
| Д...га станслар | 120 |
| Н. А. Некрасов | |
| «Қоронғи кўчада тунда ўтсам жим» | 123 |
| Муса Жаали | |
| Бир насиҳат | 125 |
| Ишонма | 126 |
| Нозим Ҳикмат | |
| Доктор билан суҳбат | 128 |
| Вероника Тушнова | |
| Араз | 131 |
| «Холироқ кўчадан» | 132 |
| Сильва Капутикян | |
| Сен мени унутолмайсан | 133 |
| Эди Огнечвет | |
| Ўзбекистон | 135 |
| Умрим қўшиқлари | 136 |

На узбекском языке

БАБАЕВ МАМАРАСУЛ
ИЗБРАННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ
В 2-Х ТОМАХ

ТОМ II

ПОЭМЫ И БАЛЛАДЫ
ПЕРЕВОДЫ, ВОСПОМИНАНИЯ

Редактор *Муҳаммад Али*

Рассом *А. Циганов*

Расмлар редактори *Н. Холиқов*

Техн. редактор *В. Барсукова*

Корректор *М. Саидқожиева*

Босмахонага берилди 16/I-1975 й. Босишга рухсат этилди 10/IX-1975 й. Формати 84×108¹/₃₂. Босма л. 5,75. Шартли босма л. 9,66. Нашр л. 9,0. Тиражи 10000. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 191—74.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида 1-қорозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1975 йил, заказ № 266. Баҳоси 1 с. ■■■■■ 17 т.

Бобоев, Мамарасул.

Танланган асарлар. 2 томлик. 2-нчи т. Т., Адэбиёт ва санъат
нашриёти, 1975.

Баллада ва дostonлар, таржималар, хотира. 1975. 184 б.

Шоир ва драматург Мамарасул Бобоевнинг икки томлик «Танланган
асарлари» нашр этилмоқда. Ушбу якунловчи иккинчи томга баллада, дос-
тон ва таржималардан намуналар ҳамда «Умрим қўшиқлари» мемуари
кiritилди.

Бабаев Мамарасул. Избранные произведения. В 2-х т. Т. 2.

Уз2

Б $\frac{70403-87}{352(06)-75}$ 119-75